

434

Ўттиз еттинчи йил чиқиши

Робиулаввал 1444х

Октябр 2022м

Ал-Ваъй



Кенг кўламли,  
фикрий, сақоғий журнал

Ал-Ваъй сўзи

Росулуллоҳ ﷺ нинг таваллуд кунлари  
Зулматли даврда порлаган нур

Намунаий иқти-  
сад низоми (4)  
(Ислом низоми  
ва капиталистик  
низом юрениш-  
лари)

Қўшма штатлар билан Хи-  
той ўртасидаги рақобат ва  
мусулмонларнинг позицияси

Росулуллоҳ ﷺ нинг қабилалардаги  
куч-кудрат ва химоя аҳлидан нусрат  
талаб қилишлари ва айни дамда  
бунга эргашишнинг вожиблиги

Фарб тафаккурининг  
қора қутиси (2)



434

Үттиз еттинчи  
йил чиқиши  
Робиулаввал 1444ھ  
Октябр 2022м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

## Үшбү сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Росууллоҳ ﷺ нинг таваллуд кунлари – Зулматли даврда порлаган нур ..... 3
- Қўшма штатлар билан Хитой ўртасидаги рақобат ва мусулмонларнинг позицияси ... 8
- Намунавий иқтисод низоми (4) (Ислом низоми ва капиталистик низом кўринишлари) ..... 18
- Ғарб тафаккурининг қора қутиси (2) ... 34
- Росууллоҳ ﷺ қабилалардаги куч-қудрат ва ҳимоя аҳлидан нусрат талаб қилишлари ва айни дамда бунга эргашишнинг вожиблиги ..... 47
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** ..... 53
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 60
- **Жаннат боғлари:** «Аниқки шайтон сизларга душмандир. Бас уни душман тутинглар!» ..... 71
- **Сўнгги сўз:** Шайх Билҳож Райсунийнинг баёнотларига уламолар вазифаси ҳақидаги ёрқин сўзлар билан изоҳ берди ..... 78
- Янги, кучлироқ «Араб баҳори» йўлда .79

## РОСУЛУЛЛОХ ﷺ НИНГ ТАВАЛЛУД КУНЛАРИ – ЗУЛМАТЛИ ДАВРДА ПОРЛАГАН НУР

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Пайғамбаримиз ﷺ нинг таваллуд кунларини эслар эканмиз, зулматли даврни ҳидоят, тўғри йўл ва ҳақиқат билан ёритган нурли рисолат ёдимизга келади. Пайғамбарлик биносига охирги ғишт қўйилганидан кейин, яъни сайидимиз Исо ﷺ нинг пайғамбарлик муддати тугаганидан бошлаб, ушбу ҳидоят нури узоқ йиллар давомида узилиб қолган эди. Пайғамбаримиз ﷺ ушбу улуғвор бинонинг битиравчи ғишти бўлдилар. Шу тариқа пайғамбарлик биноси тўлиқ битказилди ва унинг устунлари абадий мустаҳкамланди. Биз ушбу қутлуғ ва муборак хотира кунида Росулуллоҳ ﷺ рисолатларига тегишли бўлган қўйидаги ҳақиқатларга тўхтамоқчимиз:

1 – Ислом рисолати йиллар давомида дарбадар кезиб тоғутошларга, дарахтга ва юлдузу сайёralарга сифиниб келган инсонга ўзлигини танитди. Аввало унга коинот, инсон ва ҳаётнинг яратувчисини танитди. Кейин яратилган маҳлукотлар ҳақиқатини ҳамда инсоннинг бу ҳаётга келишидан кўзланган мақсадни баён қилиб берди. Бошқача айтганда, инсоннинг беҳуда эмас, балки буюк ғоя учун яратилганини билдириди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَدًا وَأَنْكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ﴾

«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисобкитоб қилмайдиган ҳолда) яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!» (Ундоқ эмас)!

[Мўминун 115]

﴿لَوْ أَرَدْنَا أَنْ نَتَخَذَ لَهُوا لَا تَحْدَدَنَّهُ مِنْ لَدُنَّا إِنْ كُنَّا فَعَلِينَ﴾

«Агар Биз вақтичоғлик қилишни (яъни хотин, бола-чақа орттиришни) истасак, агар (шундай) қилгувчи бўлган чоғимизда ҳам уни (яъни хотин, бола-чақани) йўз даргоҳимиздан

(яъни малоикалардан ёки жаннат ҳурларидан) қилган бўлур эдик» [Анбиё 17]

Ушбу таълимотлар асосида Ислом инсонга Аллоҳнинг қули эканлигини ва бунинг ўзи у учун буюк шарафлигини ўргатди.

2 – Ислом рисолати ўз сояси остида одамларни бир-бираини яхши кўрадиган биродарларга айлантириди. Зоро, Исломда араб ажамдан, қора танли оқ танлидан фақат тақвоси билан устундир.

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُم مِّنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ ۖ تَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتَقْرَبُكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ حَسِيرٌ﴾

«Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидағи энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир»

[Хужурот 13]

Росууллоҳ айтадилар:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ رَبَّكُمْ وَاحِدٌ؛ أَلَا لَا فَضْلٌ لِعَرَبٍ عَلَى عَجَمٍ، وَلَا لِعَجَمٍ عَلَى عَرَبٍ، وَلَا لِأَسْوَدٍ عَلَى أَحْمَرٍ إِلَّا بِالشَّفْقَوْيِ؛ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتَقْرَبُكُمْ»

«Эй инсонлар албатта роббингиз ягонадир. Арабнинг ажамдан, ажамнинг арабдан, қора танлининг оқ танли устидан афзаллиги фақат тақво биландир. Албатта Аллоҳ ҳузуридаги энг ҳурматлигингиз тақводорроғингиздир». (Бу ҳадисни Байҳақий «Шуабул Иймон» китобида ривоят қилган).

3 – Бу олий илоҳий рисолат одамларга яхшилик ва ёмонлик йўлини ёритиб, нурли ва тўғри ҳукмларни олиб келди ва ҳар нарсани ўз жойига қўйди. У одамларнинг ишларини бошқа қонунлар эриша олмайдиган улуғвор ечимлар билан муолажа қилди. Чунки у Аллоҳ томонидан келган ягона рисолат бўлиб, қолган барча қонунларни ожиз ва нуқсонли бўлган инсонлар яратган.

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ﴾

«(Қиёмат куни) ҳар бир уммат орасидан ўзларидан бўлган бир гувоҳни (яъни, пайғамбарни) келтирурмиз. Сизни эса (эй Мұхаммад), ана у (ўз умматингизга) гувоҳ қилиб келтирдик ва

*сизга – ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китобни-Қуръонни нозил қилдик»*

[Наҳл 89]

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُم بُرْهَنٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَأَنَزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا﴾

*«Эй одамлар, сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келди. Ва Биз сизларга равшан нурни нозил қилдик»*

[Нисо 174]

4 – Ислом рисолати бу буюк илоҳий нур остида инсониятни лой ва тупроққа ёпишиб олишдан ҳамда дунё ҳаёти лаззатларига берилишдан ўша лой ва тупроқнинг яратувчиси билан юксак руҳий боғланишга кўтарди.

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الظَّبِيبِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ مِّمَّا حَلَقْنَا تَفْضِيلًا﴾

*«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда – қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рӯз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»*

[Исро 70]

Шунингдек, йиртқич ҳайвон даражасидан инсоний даражага ва ўлимга элтувчи баҳтсизликдан баҳтли ҳаётга олиб чиқди.

﴿أَوْ مَنْ كَانَ مَيْتًا فَأَحْيَيْنَاهُ وَجَعَلْنَا لَهُو نُورًا يَمْشِي بِهِ فِي النَّاسِ كَمْ مَثْلُهُ وِفِي الظُّلْمَدِيَّةِ لَيْسَ بِخَارِجٍ مِّنْهَا كَذَلِكَ زِينَ لِلْكُفَّارِ إِنَّمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

*«Аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра биз уни (динга ҳидоят қилиш билан) тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (иймонни) бериб қўйганимиз бир киши – зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?! (Мўминларга иймонлари қандай чиройли кўринса), кофирларга ҳам қилаётган амаллари ана шундай чиройли қилиб кўрсатиб қўйилди»*

[Анъом 122]

5 – Ислом рисолати ўзининг асл маъносида тинчлик ва осойишталик асосларини яратди; Буни рўёбга чиқариш учун одамлар орасида ҳидоятни ёйишни ва уларнинг қўлларидағи нарсага умид қилмасликни буюрди. Чунки жоҳилият давридаги урушларда бойликлар талон-торож қилинар, аёллар асрга олинар ва босқинчилар ерларни вайрон қиласар эди. Бу ҳолат Форс ва Рум ўртасидаги урушларда, шунингдек, айrim қабилалар ўртасидаги

Дохис, Ғабро, Халима, Буос ва бошқа урушларда кўзга ташланиб туради.

Рисолатнинг сифатлари маълум нуқталарда тўхтаб қолмайди. Ҳар бир оят ва Ресулulloҳ нинг ҳадислари мана ушбу буюк рисолатнинг ҳақиқий таянчи ва нурли чироғи саналади.

Зулматли даврда ер юзини ёритган бу буюк илоҳий нур бугунги кунда инсониятнинг жоҳилият давридагидан ҳам оғирроқ зулмни ва зулматли кунларни бошдан кечираётганини эслатади. Инсониятнинг бундай оғир кунларни бошдан кечириши ҳаётда Исломнинг йўқлиги туфайлидир. Инсониятни бу ахволдан фақат Ислом қутқаради. Бу иш Ресулulloҳ  ваҳий орқали билдирилган айни ўша тариқат асосида амалга ошади. Яъни Ислом яна аввалгидек дунёни ёритиши учун Ислом рисолати айни шу тариқат асосида дунёга ёйилиши лозим.

Дарҳақиқат, инсоният дунёда капиталистик ва социалистик мабдалар пайдо бўлиб, уларнинг зулмига учрашидан олдин ўрта асрларда черков ва дин арбоблари зулмидан азоб чекиб келган эди. Кейин Европада бу зулмга қарши портлаш рўй берди. Бир тарафдан муфаккирлар ва бошқа тарафдан дин арбоблари ўртасида узоқ давом этган курашдан кейин Европа капиталистик низомни қабул қилди. Диний арбобларга қуллик қилишдан озод бўлган одамлар ҳеч қанча вақт ўтмай, капиталистлар ва бойларнинг қулига айландилар. Кейин, бу зулмлардан чарчаган одамлар саноқли капиталистлар ҳукмронлигига барҳам бериш учун социализмга эргашдилар. Лекин кўп ўтмай инсоният ўзининг қордан қутилиб, ёмғирга тутилганини англаб етди.

Афсуски, ер юзида бу нурни таратувчи давлат йўқ; Ислом давлати ҳукмронлик қилиб турган даврларда мусулмонлар уни ер юзининг шимоли, жануби, ғарби ва шарқига ёйишган эди. Афсуски, бугун ер юзида капиталистик мабда ҳукмронлик қилмоқда. Ушбу мабдага асосланган давлатлар инсониятга зулм қилиб, урушларни келтириб чиқармоқда, қон тўкмоқда, юртларни босиб олмоқда ва одамларнинг оғзидағи бир бурда нонини ҳам тортиб олмоқда. Қолаверса, қудратли капиталистик давлатлар ва компанияларнинг очкўзлиги сабабли очарчилик кенг қулоч ёймоқда.

Бугун биз хотирлаётган Пайғамбаримиз нинг таваллуд кунлари бизга Ислом Уммати зиммасига юкланганди вазифани

Эслатади. Зеро, У зотнинг таваллудлари Ислом рисолатининг дунёга келишидир. Исломни татбиқ этувчи давлат бўлмаса мусулмонлар пасткашлар дастурхонига мўлтирайдиган етимдан ҳам аянчли аҳволда қоладилар. Исломсиз дунё қурғоқчиликдан ёрилиб кетган ерга ўхшайди. Аллоҳ Таоло бу Умматни энг яхши Уммат, дея сифатлади. Уммат бу мақомга Ислом соясида, бошқача айтганда Халифалик соясида эришади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كُنْتُمْ خَيْرُ أُمَّةٍ أُخْرِجْتُ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ﴾

«Одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхиси бўлдингиз. Зеро, сиз маъруфга буюриб, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз» [Оли Имрон 110]

Ином Аҳмад ўзининг «Муснад»ида ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ бу Умматни ер юзини суғорадиган ёмғирга ўхшатиб, шундай дейдилар:

«مَثَلُ أُمَّتِي مَثَلٌ الْمَطَرِ لَا يُدْرِى أَوْلَهُ خَيْرٌ أَوْ آخِرُهُ»

«Менинг Умматим ёмғирга ўхшайди. Яхшилик унинг аввалида (кўпроқ)ми ёки охиридами, буни билиб бўлмайди». Аллоҳ Таолодан сўраб қоламизки, ушбу муборак хотира куни Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни барпо этишга ҳамда Исломни бутун инсониятни ҳидоятга бошловчи рисолат сифатида кўтариб чиқишига ундовчи күн бўлиб қолсин. □

## ҚҮШМА ШТАТЛАР БИЛАН ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ ВА МУСУЛМОНЛАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

### Ҳасбий Усур

Йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида Америка дунёдаги биринчи давлат бўлиб келди ва бутун дунёга таъсир ўтказишда унинг рақобатдоши бўлмади. Бироқ сўнгги ўн йилликда халқаро сиёсатда Қўшма Штатлар билан Хитой ўртасида рақобат аланга олди. Хитойнинг юксалиши Қўшма Штатларни ўзининг гегемонлиги емирила бошлаганидан ва бошқа давлатлар аста-секин Хитойга ён босаётганидан хавотирга тушишга мажбур қилди.

Ҳинд ва Тинч океани минтақаси ушбу икки катта давлат учун энг муҳим рақобат майдони ҳисобланади. Хитой «Битта камар, битта йўл» лойиҳаси, шунингдек, минтақадаги турли давлатлар билан савдо ва сармоявий ҳамкорлиги туфайли минтақада агрессив сифатида кўрилади. Бундан ташқари, Хитой ўзининг суверен ҳудуди деб даъво қилаётган Жанубий Хитой денгизида ҳарбий фаолиятини, тадқиқот ишларини олиб боришни ва балиқ овлашни кучайтиromoқда. Хитой қурол-яроғ соҳасида ҳам ўз қудратини оширишда давом этмоқда. Ҳозирда Хитой ҳарбий харажатлар бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради.

Хитойнинг кучайиб бораётган қудрати ва Ҳинд-Тинч океани минтақасидаги сиёсий мавқеи Қўшма Штатларнинг минтақадаги манфаатларига таҳдид солади. Чунки бу минтақа АҚШ учун савдо ва хавфсизлик нуқтаи назаридан стратегик ҳамкор ҳисобланади. Мисол учун, АҚШ ҳукумати 2018 йилда Қўшма Штатлар ва Ҳинд-Тинч океани давлатлари ўртасидаги савдо ҳажми Америка жамиятини уч миллион иш ўрни билан таъминлаганини даъво қилди. 2016 йилда эса АҚШ савдосининг тахминан 6 фоизи Жанубий Хитой денгизи<sup>1</sup> орқали амалга оширилган.

Хитой Жанубий Хитой денгизи устидан ҳукмронлик қилар экан, бу унга балиқ овлашни фаоллаштириш ва газ қазиб олишни кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, Жанубий Хитой денгизини назорат қилиш Хитойга балиқ овлашни ўзлаштиришга, газни жуда кенг миқёсда қидириш ва қазиб олишга, Жанубий Хитой денгизи билан чегарацош давлатларни қўрқитиш ёки уларга сиёсий босим ўтказишга имкон беради. Хитой, шунингдек, Жанубий Хитой денгизи минтақасини ҳаво мудофаа зонасига айлантириши ҳамда Тайван, Корея ва Японияни қамал қилиши ҳам мумкин. Бу Хитойнинг глобал

<sup>(1)</sup> Марвин Отт, «Жанубий Хитой денгизи стратегияси», 2019.  
<https://www.wilsoncenter.org/blog-post/the-south-china-sea-strategic-terms>.

сиёсий ва ҳарбий амбициялари учун бошланғич нүктага айланиши ҳам мүмкін.

Хитойнинг Жанубий Хитой деңгизига тааллуқли қурол-яроғ шартномаси устидан назоратни үрнатиши Шарқий Осиёдаги Америка иттифоқчиларининг ҳимояланишини қийинлаشتыради. Бу эса, АҚШнинг Жануби Шарқий ва Шарқий Осиёдаги савдо операцияларини мураккаблаштиради. Шунингдек, АҚШнинг Тинч океанидан Ҳинд океанинча бўлган ҳарбий транспортига тўсқинлик қиласди. Автоматик равишда, АҚШ учун, агар Хитой зудлик билан жиловланмаса, бу Құшма Штатларнинг Ҳинд-Тинч океанидаги стратегик мавқеига, шу жумладан, глобал миқёсда унинг позициясига бўлган таҳдидларни олиб келади<sup>1</sup>.

Хитой таҳдидларига қарши Құшма Штатлар ўзининг сиёсий стратегиясини ишлаб чиқди. У АҚШ миллий хавфсизлик кенгашида таъкидланганидек қўйидагиларга асосланади:

а) Дўст давлатларга ёрдамни кучайтириш ва Хитойнинг саъй-ҳаракатлари билан рақобатлашиб учун бу мамлакатлар жамоатчилигига яқинлашиш.

б) Япония, Корея ва Австралия каби давлатлар билан стратегик ҳамкорликни кучайтириш. Масалан, тўрт томонлама хавфсизлик тизими орқали.

в) Ривожланиш ва мудофаа ёрдами, шунингдек, кадрлар тайёрлаш орқали давлатларнинг минтақадаги фаол ролини қўллаб-қувватлаш учун Филиппин ва Таиланд билан иттифоқларни мустаҳкамлаш.

г) Ҳинд-Тинч океани минтақасида гуманитар ёрдам, табиий оғатлар ва соғлиқни сақлаш каби ноанъанавий хавфсизлик соҳаларида АҚШ етакчилигини мустаҳкамлаш.

д) Хитойнинг жаҳон савдосига нисбатан адолатсиз позициясига қарши туриш ҳамда Хитойнинг адолатсиз ва бузғунчи савдоси ҳақида глобал фикрни пайдо қилиш<sup>2</sup>.

Құшма Штатлар ўзининг сиёсий стратегиясини амалга ошириш учун турли саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Бу ҳарбий ҳамкорликдан ташқари ноҳарбий ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади. Масалан, 2017 йил ноябр ойида Доналд Трамп «эркин ва очиқ Ҳинд-

(1) Роналд Орурк, «Жанубий ва Шарқий Хитой деңгизларида АҚШ ва Хитой үртасидаги стратегик рақобат: АҚШ-Хитой муносабатларидаги ҳозирги ўзгаришлар ҳақида Конгресс учун асос ва муаммолар (янгиланган), 2021. 121-288.

(2) АҚШ миллий хавфсизлик кенгashi, «АҚШ Ҳинд-Тинч океани стратегик доираси», 2018 йил.

<https://trumpwhitehouse.archives.gov/wp-content/uploads/01/2021/IPS-Final-Declass.pdf>.

Тинч океани минтақаси»ни яратып, инфратузилмани ривожлантириш, энергияга ассоланған иқтисодий үсиш, рақамли алоқа ва киберхавфсизлик соңасыда ҳамкорликни ривожлантириш бүйича лойиҳаларни ишга тушириш ғоясини әзілден қылды. 2018 йилда Америка Құшма Штатлари халқаро тараққиёт агентлиги Ҳинд-Тинч океани мамлакатлари ва Құшма Штатлар үртасидаги ҳамкорлик минглаб янги лойиҳалар билан тез суръатларда үсіб бораётгани ҳақида хабар берди. Зоро, үнда ҳамкорлик Вьетнам, Индонезия, Япония, Шри-Ланка ва Мьянма давлатларини үз ичига олди<sup>1</sup>. 2021 йилда Ҳиндистон Тинч океани бизнес форумыда Құшма Штатлар Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Мали ороллари, Непал ва Шри-Ланка каби Жанубий Осиё мамлакатларыга ёрдамни көнгайтириди. Жануби Шарқий Осиё давлатлары Индонезия, Филиппин, Камбоджа, Лаос, Таиланд, Вьетнам ва Тинч океанидеги Папуа, Янги Гвинея, Соломон ороллари ва Вануату каби давлатлар киради. Американинг бу давлатларга бўлган ёрдами 286 миллион долларни<sup>2</sup> ташкил қиласди.

2019 йилдан бери Америка Құшма Штатлари Ҳинд-Тинч океанида 2000га яқин ҳарбий самолётлар, 200та ҳарбий кемалар ва сув ости кемалари ва 370000дан зиёд аскарларини жойлаштириди. Шунингдек, АҚШ үзининг Ҳинд-Тинч океани минтақасидаги ҳарбий манбаатларини таъминлаш учун ҳаракат қиладиган экипажни жойлаштириди.

Ҳарбийларнинг әнг катта концентрацияси Япония ва Жанубий Кореяда жойлашган. Филиппин, Австралия, Сингапур ва Диего-Гарсияда эса АҚШ армиясининг кичикроқ миқёсдаги аскарлари мавжуд<sup>3</sup>. АҚШ үзининг минтақадаги стратегик ҳамкорлари Австралия, Ҳиндистон ва Япония билан хавфсизлик бўйича тўрт томонлама мулоқот деб номланган форумни ташкил этди. Ушбу форум 2004 йилда цунамининг ҳалокатли таъсиридан кейин ташкил этилган. Аммо бугунги кунда у хавфсизлик, иқтисодиёт ва соғлиқни сақлаш

---

<sup>(1)</sup> USAID, «Enhancing Shared Prosperity For A Free And Open Indo-Pacific, Nov 2019». <https://www.usaid.gov/indo-pacific-vision/econ/shared-prosperity-2019>.

<sup>(2)</sup> АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги, «USAID Ҳинд-Тинч океани минтақасида иқтисодий үсішни рағбатлантириш учун режалаштирилган дастурлар ва ташабbusлар учун 286 миллион доллардан ортиқ маблағ таклиф қиласди», 2021 йил.

<https://www.usaid.gov/news-information/press-releases/oct-28-2021usaid-showcases-more-286-million-planned-programs-and-initiatives>.

<sup>(3)</sup> Мудофаа вазирлари департаменти, «Австралия Малабар 2020 машқларига қўшилди», Австралия ҳукумати мудофаа департаменти, 2020, минтақавий хавфсизлик ва тинчлик бўйича калитга қўшилди.

<https://www.minister.defence.gov.au/media-releases/2020-11-03/australia-joins-exercise-malabar-2020#:~:text=Australia>

соҳаларидағи стратегик масалалар, хусусан, Хитойнинг минтақадаги таъсирини тұхтатиши учун мулоқот форуми сифатида ўсиб бормоқда. 2020 йил ноябр ойида коалиция қўшма «Малабар» ҳарбий машғулотларини ўтказди. Унда мудофаа вазирликларининг денгиз ва ҳаво ҳарбий техникаларидан фойдаланилди. Бу ҳамкорлик фақат ҳарбий соҳа билан чекланиб қолмайди. Мулоқотда иштирок этаётган давлатлар Хитойнинг минтақада ва бутун дунёда тиббий-сиёсий саъи-ҳаракатларига тўқсинглик қилиш мақсадида вакцина ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Шундай қилиб, Япония ва Қўшма Штатлар Ковид-19 вакцинасини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда Ҳиндистонга, ушбу вакцинани минтақада тарқатиша Австралияга ёрдам кўрсатди<sup>1</sup>. (Паскал 2021).

Кейин, 2021 йил 11 ноябрда Қўшма Штатлар, Британия ва Австралия давлатлари умумий мудофаани кучайтириш учун AUKUS номли уч томонлама келишув тузишни эълон қилди. Келишув денгиз ядровий кучлари бўйича маълумот алмашишни назарда тутади. Ушбу келишувга кўра, Австралия илғор ядровий сув ости кемасини олади. Лекин келишув Франциянинг ғашига тегди. Чунки Австралия икки давлат ўртасидаги сув ости кемалари шартномасини бир томонлама бекор қилишга қарор қилди. Жануби Шарқий Осиёда Малайзия ва Индонезия бор. Сингапур, Вьетнам ва Филиппин эса келишувни олқишлади.

Ҳамкорликнинг кучайиши билан бир қаторда, сўнгги бир неча йил ичida АҚШ ва Хитой блоклари ўртасида Жанубий Хитой денгизидаги ҳарбий машқлар орқали куч синаш намойишлари ўтказилди. 4000 аскар иштирок этган ҳарбий машғулотлардаги Америка ва Индонезия ҳамкорлиги, Ҳиндистон ва Вьетнам манёврлари, АҚШ ва Филиппин машқлари, Америка ва Япония манёврлари, Ҳиндистон ва Филиппин машқлари шулар жумласидандир. Хитой эса Россия билан ҳамкорликда Жанубий Хитой денгизи минтақасида 10000дан ортиқ аскарлар иштирокида манёврлар ўтказди. Дарҳақиқат, Америка Ҳинд-Тинч океанида, хусусан, Жанубий Хитой денгизида 85та ҳарбий машғулот ўтказди. Қўшма Штатлар ва унинг иттифоқчиларига қарши Хитой ҳам 2019 йилдан бери ўз денгиз кучини оширди<sup>2</sup>.

Бошқа тарафдан, 2018 йили Қўшма Штатлар Доналд Трамп давридан бери Хитойга қарши иқтисодий уруш қўллади. Қўшма

(1) Клео Паскал, «Ҳинд-Тинч океани стратегиялари, етти мамлакат қарашлари». Осиё ва Тинч океани атроф мұхит ва ресурслари дастури (2021 март, 53).

(2) Кай Хе Ва Ли Мингжيانг, «Ҳинд-Тинч океани 2020 йил масалаларининг мұхим түрт сабаби.

<https://blog.oup.com/2020/02/four-reasons-why-the-indo-pacific-matters-in-2020>

Штатлар бунда Хитойга босим бериш учун унинг үйғурларга қарши инсон ҳуқуқларини поймол қилиш масаласидан фойдаланди. Ҳатто Байден маъмурияти ҳам худди шу сабаб билан Пекинда бўлиб ўтадиган қишки Олимпиада ва 2022 йилда бўладиган Паралимпия ўйинларини бойкот қилди.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, Қўшма Штатлар Хитойнинг Ҳинд-Тинч океани минтақасидаги сиёсатига жиддий муносабат билдиromoқда. Шунингдек, АҚШнинг Афғонистондаги қўшинларини олиб чиқиши унинг Хитой билан муносабатларга эътибор беришга қаратилган саъи- ҳаракатларининг бир қисми экани айтилади. Декабр ойининг охирида АҚШ конгресси АҚШнинг мудофаа харажатларини 5 %га ошириб, уни 777 миллиард долларга етказишини маъқуллади. Бу миқдор Россия харажатлари билан қўшилса ҳам Хитойнинг харажатларидан анча ортиқдир.

Буни демократ конгрессмен Элейн Луря тан олиб, бу Хитой таҳдидига қарши курашнинг бир қисми эканини айтди. 2021 йил май ойида Байден маъмурияти томонидан мудофаа харажатларини ошириш таклиф қилингандан ҳам Хитой АҚШ манфаатларига асосий таҳдид сифатида баҳоланди<sup>1</sup>. АҚШ давлат котиби 2021 йил сентябрда Таиланд, Малайзия ва Индонезияга ташриф буюрар экан, Қўшма Штатлар ўз ҳамкорлари билан бу минтақа ҳамма учун очиқ бўлишини кафолатлашини яна бир бор таъкидлади<sup>2</sup>.

Аммо Хитойга келсак, унинг ҳозирги кунга қадар иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда олиб борган сиёсати Ҳинд-Тинч океани минтақасида ўз манфаатларини сақлаб қолиш бўлиб, улар қўйидагича:

**Биринчиси:** Мьянма, Вьетнам ва Лаос каби қуруқликдаги чегара ҳудудларида ҳамда Шарқий Хитой ва Жанубий Хитой каби денгиз чегара ҳудудларида хавфсизликни кучайтириш орқали суверенитет ва ҳудудий яхлитликни сақлаш.

<sup>(1)</sup> Али Ҳарб, «Сиёсат «Хитой устуворлиги»га қаратиши билан АҚШнинг ҳарбий харажатлари ортиб бормоқда».

<https://www.aljazeera.com/news/16/12/2021/us-military-spending-grows-as-policy-shifts-to-prioritise-china>.

<sup>(2)</sup> «Барак «тажовузкор» Хитойни танқид қилди ва «кучли Ҳинд Тинч муносабатларига ваъда берди».

<https://www.aljazeera.com/news/14/12/2021/blinken-vows-stronger-defence-economic-alliances-in-indo-pacific>.

**Иккинчиси:** Хитой савдо-сотиқ ва инвестиция орқали ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг барқарорлигини сақлаб қолишга муҳтож. Масалан, Жануби Шарқий Осиёда Сингапур, Малайзия, Вьетнам, Таиланд ва Индонезия каби давлатлар Хитойнинг муҳим иқтисодий ҳамкорлари ҳисобланади. Бундан ташқари, денгиз иқтисодиётida Хитой нефть импорти учун транспорт йўли сифатида Малакка бўғозига қаттиқ таянади. Шундай қилиб, Индонезия, Малайзия, Сингапур ва Таиланд автоматик равишда Хитой учун муҳим давлатларга айланади. Шунингдек, муқобил маршрут сифатида Мьянма Ҳинд океанидан Хитойгача автомобил транспорти йўлагига айланди<sup>1</sup>.

### **АҚШ ва Хитой ўртасидаги муносабатлар**

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, айниқса, «совуқ уруш» даврида, мафкура ва сиёсий манбаатлар тафовути туфайли тўқнашувлар билан бошланган. Хитой, айниқса, Жануби Шарқий Осиё ва Шарқий Осиёда коммунизмнинг тарқалишини қўллаб-қувватлаган Совет иттифоқи билан коммунистларнинг мафкуравий йўналишида эди. Қўшма Штатлар эса капиталистик йўналишга раҳбарлик қиласар эди. Бу мафкуравий қарама-қаршилик автоматик равишда икки мамлакат манбаатларига таъсир қиласарди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб, ўртадаги муносабатлар яхшиланди ва АҚШ Хитойнинг Қўшма Штатларга киришига рухсат берди. 2001 йилга келиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари тиғиз бўлди. Қўшма Штатлар Хитойнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишига йўл берди<sup>2</sup>.

Глобал капиталистик савдо сиёсати, яъни Жаҳон Савдо Ташкилотига кириш Хитойга катта фойда келтирди. Унинг айни ташкилотга кириши туфайли даромади жадаллик билан ўсиб борди ва Японияни иқтисодиётда АҚШдан кейинги иккинчи энг қудратли мамлакат мавқеидан туширишга муваффақ бўлди. Ушбу иқтисодий ютуқларга қарамай, Хитой келгуси ўн йиллар давомида АҚШ қўлидан глобал иқтисодий ҳукмдор унвонини олиши

(1) Бонни Лин ва бошалар, «Ҳинд- Тинч океанидаги АҚШ - Хитой рақобатига минтақа реакцияси» Тадқиқот бўйича умумий нуқтаи назар ва холосалар. 2020й.  
<https://doi.org/10.7249/rr4412>.

(2) «Вақт жадвали: АҚШнинг Хитой билан муносабатлари 1949-2021», Ташки алоқалар кенгаши 2022й 22 январ.  
<https://www.cfr.org/timeline/us-relations-china>.

кутилмоқда. Британия консалтинг компанияси (бизнес ва иқтисодий тадқиқотлар марказы)нинг 2022 йилдаги маълумотларига кўра, Хитой ялпи ички маҳсулоти 2025 йилгача ҳар йили ўртacha 5,7 фоизга, 2030 йилгача эса ўртacha 4,7 фоизга ошади. Ўша йили Хитой Құшма Штатлардан устун туралдиган ягона иқтисодиётга эга мамлакат бўлади<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда АҚШ-Хитой муносабатларидағи асосий нарса Осиё Тинч океани минтақасидаги рақобат муаммоси бўлди. Қайд этилган минтақадаги рақобат икки давлатнинг бир-бирига иқтисодий қарамлигини очиб берди. Бу ҳолат бугунги кунгача давом этмоқда. Хитой Америка товарларининг учинчи йирик экспортчисидир. 2020 йилдаги маълумотларга кўра, Хитойда Америка товарлари экспорти 124,5 миллиард долларни ташкил этди. Бу 2019 йилга нисбатан 16,9 фоизга кўпдир. Шу билан бирга, Құшма Штатлар Хитойнинг электр жиҳозлари, ўйин автоматлари, спорт анжомлари, мебеллар, матраслар ва тўқимачилик товарлари каби энг йирик товарлар етказиб берувчиси ҳисобланади<sup>2</sup>. Америка компанияларига кўра, Хитой йирик ва истиқболли бозорга айланди. Аммо шунга қарамай, Хитой АҚШ каби мамлакатлардан катта миқдордаги хорижий сармояга мұхтож<sup>3</sup>.

Таълим соҳасида эса, Құшма Штатларда таҳсил олаётган хитойлик талабаларнинг сони 370 мингдан ортади (2019-2020 йил). Бу Құшма Штатлардаги хорижлик талабаларнинг 34 %ни ташкил қиласди. Икки давлат ўртасида илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, КОВИД-19 даврида ҳам давом этган.

### **АҚШ-Хитой рақобатининг келажаги**

Құшма Штатлар ва Хитой ўртасидаги жангда Хитой Америка позициясига, унинг ҳар қандай тарғибот ҳужумларига ёки Американинг зиддиятни кучайтиришга қаратилган провокацион ҳаракатларига, масалан, құшма ҳарбий машғулот, инсон

---

<sup>(1)</sup> Ралф Женингс, «Хитой иқтисодиёти 2030 йилга бориб АҚШдан ўзиб кетиши мүмкин», «Америка овози», 2022 йил, 4 январ.  
<https://www.voanews.com/a/chinas-economy-could-overtake-us-economy-by-.6380892/2030html>.

<sup>(2)</sup> АҚШ савдо вакили, Хитой халқ республикаси: АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо фактлари», 2022 йил, 2 феврал.  
<https://ustr.gov/countries-regions/china-mongolia-taiwan/peoples-republic-china>.

<sup>(3)</sup> «Янги совук уруш»«АҚШ – Хитой савдо можароси қандай чуқурлашмоқда?», 2022 йил 22 январ.  
<https://www.aljazeera.com/economy/29/6/2020/a-new-cold-war-how-the-us-china-trade-dispute-is-deepening>.

хұқықлари, савдо-сотиқ борасидаги провокацион ҳаракатларига қарши мудофаа билан жавоб беришга уринаётганга үхшайди. Унинг кескин шаклда жавоб қайтарған пайтлари ҳам бўлди. Лекин Хитой ҳар доим үзини ҳимоя қилиб, очиқлик ва ҳамкорлик позициясини, шунингдек, ҳар қандай муаммоларни музокаралар столига олиб чиқишига тайёрлигини билдириб келди.

Халқаро сиёсатда сиёсий структура үзгариб, янги пайдо бўлган супер куч ҳукмрон супер куч үрнини эгаллаши мумкин. Агар Хитойнинг ҳозирги ҳолатига назар ташлайдиган бўлсанк, АҚШ билан солиширганда, Хитой глобал супер давлат сари илк қадамларни ташламоқда. Бу олдиндан ўрганилган; Шу сабабли Құшма Штатлар Хитойнинг бу ҳаракатини тўхтатиб қолишига уриниб кўрмоқда. Шунингдек, бундан кейин тўхтатиб бўлмайдиган ҳолатга етиб олмаслигини хоҳламоқда.

АҚШнинг Хитойга нисбатан позицияси ва унинг Ҳинд-Тинч океани минтақасидаги Хитойни тўхтатиш бўйича стратегик сиёсатига назар ташласак, АҚШ келажакда Хитойни АҚШнинг минтақадаги ва бутун дунёдаги манфаатларига зарар етказа олмайдиган даражага туширгунча рақобатни кучайтиришда давом этади. Шунингдек, АҚШ Жанубий Хитой денгизидаги инсон ҳұқықлари масалаларидан Хитойга зарба бериш учун сиёсий қурол сифатида фойдаланишда давом этади. Бундан ташқари, АҚШ Хитойга босим ўтказиш учун Япония, Жанубий Корея, Австралия ва Ҳиндистон билан ҳарбий ҳамкорликни ва AUKUS билан ҳамкорликни кучайтиришни давом эттиради.

### **Мусулмонлар позицияси**

Хитой ва Құшма Штатлар үртасидаги кенг миқёсдаги рақобат контексти капитализмнинг илмоний ҳазоратидаги рақобат контекстидир. Бошқача айтганда, бу икки давлат үртасида бўлаётган рақобат инсониятни қутқариш ва уни баҳтли қилиши ҳисса қўшмайди. Аксинча, у кўплаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Бир неча асрлар олдин капиталистик тузумда содир бўлган ва ҳозиргача содир бўлаётган тўқнашувлар каби. Шунингдек, Хитой ҳам, АҚШ ҳам мамлакатни ичидан вайрон қилиши мумкин бўлган кўплаб ички муаммоларга дуч келмоқда. Жумладан, жамиятдаги юқори ижтимоий тенгсизлик, бола туғилишининг пастлиги, ахлоқий парчаланиш, жиноятчилик, ишсизлик, ҳавонинг ифлосланиши ва бошқалар.

«Edelman Trust Barometer» тадқиқот маркази 2020 йилда 28 мамлакатдан 34000 киши иштирокида капитализмга дунё жамоатчилигининг нұқтаи назари ҳақида сұров үткәзди. Сұров натижаларига күра, иштирокчиларнинг 56 фоизи капитализмни әңг бүзғұнчи тузилма деб ҳисоблаган. Дунё халқларининг демократияға қараши ҳам бундан фарқ қымайды. Масалан, «Pew Research Center» тадқиқот маркази 2019 йилда 27 мамлакатдан 30000 киши иштирок этган сұров үткәзди. Натижада респондентларнинг 51 фоизи демократиядан норозилигини, 60 фоизи сайловлар ўзгаришларга олиб келмаслигини, 54 фоизи эса ҳозирги сиёсатчиларнинг барчаси коррупцияға мойиллигини билдирган. Жамоатчиликнинг бундай позицияси дунё мамлакатлари назаридан демократиянинг барбод бўлаётганини кўрсатади<sup>1</sup>.

Бошқа томондан, исломий оламда Ислом шариатини татбиқ қилишга интилишлар кучаймоқда. Буни турли исломий юртларда исломий ҳаракатнинг сиёсатдаги роли ортиб бораётганида кўриш мумкин. Сұровлар натижалари турли мусулмон юртларда мусулмонлар үртасида онг даражаси ортганини кўрсатмоқда. Охиригি факт Афғонистонда АҚШ томонидан қўллаб-қувватланаётган илмениң тузумнинг қулаши ва Толибоннинг ҳукмдор сифатида қайтиши бўлди. Бунга ҳисса қўшган омиллардан бири афғон мусулмонлари бўлиб, улар Аллоҳ Таоло нозил қилмаган қонунлар билан бошқаришдан кўра Исломий бошқарувга кўпроқ тайёрдир.

Хитой ва АҚШ үртасидаги рақобат шароитида мусулмонлар икки давлатдан бирини танлашга маҳкум бўлмасликлари керак. Чунки иккаласи ҳам бугунги мавжуд илмений ҳазорат муаммосининг бир қисмидир. Мусулмонлар учун ўн тўрт аср давомида Ислом ҳазоратининг порлашида ҳал қилувчи омил бўлган Ислом таълимотларига асосланган ҳолда ўз кун тартибларини белгилаш вақти келди. □

(1) Вайк Ричард, Лаура Сильвер ва Александр Кастилио, Дунё бўйлаб кўп одамлар демократия қандай ишлашидан норози» Pew тадқиқотлар маркази, 2019 йил, 29 апрел. <https://www.pewresearch.org/global/29/04/2019/many-across-the-globe-are-dissatisfied-with-how-democracy-is-working>.

## НАМУНАВИЙ ИҚТІСОД НІЗОМИ (4) (ИСЛОМ НІЗОМИ ВА КАПИТАЛИСТИК НІЗОМ КҮРИНИШЛАРИ)

Маҳмуд Абдулходий

**Капитализмнинг бутун дунёга келтирган балоларидан бири  
акциядорлик жамиятлариридир**

Акциядорлик жамиятлари капитализм дунёга олиб келган бало-офатлардан биридир. Унинг воқелиги ва қонунлари шуни кўрсатадики, акциядорлик жамиятлари очкўз бойларга манфаат келтириш, пулларни талон-торож қилишларида уларга енгиллик яратиш ва бунинг учун уларга қўшимча имкониятлар бериш учун ташкил қилинади. У бой инвесторларга одамларнинг пуллари ҳисобидан ўз сармояларини кўпайтириш имконини беради. Чунки уларнинг даромадлари акциядорлар ҳисобига ортади, акциядорларга эса фақат майда ушоқлар ташланади. Шунингдек, улар одамларнинг пуллари билан савдо қилишади, тўғрироғи, одамларнинг пулларини хавф остига қўйишиади. Чунки йўқотишларнинг катта қисми одамларнинг пулига тушади. Акциядорлик жамиятидаги идора кенгashi ўз фаолиятида жамиятнинг вакили бўлиб кўринса-да, аслида у жамиятнинг акциялари ва пулларини сотиш ва сотиб олиш орқали тасарруф этиш имкониятига эга бўлган бой инвесторларни ифодалайди. Инвесторлар ўзлари учун катта фойда келтирадиган операцияларни амалга ошириб, акцияларини сотишади ва исталган вақтда жамият билан муносабатларини тўхтатишиади. Бу билан улар жамият йўқотишга учраб, банкрот бўлишидан ва бошқа акциядорларнинг пуллари йўқолишидан олдин чиқиб кетган бўлади. Акциядорлик жамиятларида акцияга эга бўлган ҳар бир киши акциядор бўлади. Агар у акциясини сотса, жамиятдан чиқади ва унинг акциясини сотиб олган киши акциядор бўлади. Акциядорлик жамиятларидаги акциядорларда, айниқса, унда акциядор бўлиб уни ташкил этишга иттифоқ қилган таъсисчиларда акциядорлик жамиятига содиқлик бўлмайди. Ҳар қандай акциядор ёки бир нечта акциядорлар ўз акцияларини сотиб жамият билан муносабатларини тўхтатиш учун қулай фурSATни кутиши ёки бундай фурSATни сунъий пайдо қилиши мумкин. Баъзида акциядорлик жамияти ёки унинг акциялари реклама қилиниши натижасида, жамиятнинг мулки ёки активлари ошган ёки камайган бўлишидан қатъий назар, жамият акцияларининг нархи кўтарилиши мумкин. Акциядорлик жамиятининг қонунларидан

бири, түғрироғи, ғайриодатийлиги уларнинг масъулияти чекланганлигидир. Яъни жамият зиёнга учраган пайтда ёки у қандайдир бир томонга қарз бўлиб қолса, жамиятда ҳақдор олдида масъулияти зиммасига оловчи бўлмайди. Ҳар бир акциядор зарарни фақат ўз акцияларига мутаносиб равища кўтаради. Бошқалар олдидағи жавобгарлик жисмоний шахс эмас, балки юридик шахс бўлган жамият зиммасига тушади. Жамият аъзоларининг биронтасидан – унинг акцияларидан бошқа мол-мулки қанча бўлишидан қатъий назар – жамиятдаги акциялари миқдоридан ташқари бирон бир нарса талаб қилиниши мумкин эмас. Агар очкўз фирибгарлар ҳийла қилиб, жамиятнинг пулларидан қодир бўлганларича олишга эришишса ва ўз акцияларини керакли вақтда ўзлари учун мақбул бўлган нархда сотишса, улар жамиятдан ташқарида бўлиб қолишади ва у билан муносабатларини тўхтатишиади. Кейин жамият таваккалига иш кўра бошлайди ва акцияларининг нархи тушиб кетади. Шундай қилиб, жамиятдаги акциядорлар ўз пулларини, ҳақдорлар ўз ҳақларини йўқотишиади. Жамият тўлаши керак бўлган ҳақдорларнинг ҳаққи катта қийматдаги улкан кредитлар бўлиши ҳам мумкин. Ҳақдорлар жамият мулкидан қолган нарсаларнигина олишади. Булар ҳам аслида қуруқ рақамлар ва сохта қайдлар бўлиши мумкин. Акциядорлик жамиятларининг қонунларига кўра, жамиятнинг масъулияти чекланган бўлгани учун, ҳақдорлар унинг мулкидан қолган нарсагагина ҳақли бўлишади. Акциядорлик жамиятлари ҳақидаги ушбу қисқа шарҳдан шу нарса аён бўладики, улар одамларнинг пуллари талон-торож қилинишини ҳамда одамларнинг зиён кўриши ҳисобига осон ва тез фойда кўриш учун қасддан ҳаракатлар амалга оширилишини келтириб чиқарувчи энг муҳим сабаблардан биридир.

### **Банкротлик тўғрисидаги қонунлар қонунийлаштирилган ўғриликдир**

Улар татбиқ этаётган банкротлик тўғрисидаги қонунлар бу низомнинг яроқсизлигини янада очиқ кўрсатади. Улар талончилик ва ўғрилик операциялари амалга оширилишини осонлаштириш учун ҳеч қандай жавобгарликни зиммаларига олмасдан дунёning бошқа давлатларини ҳам уни татбиқ этишга мажбур қилишади. Бу қонунларни инвестор ва савдогарларни ҳимоя қилувчи қонунлар, деб аташади. Бу қонунлар мамлакатга инвестиция ва маблағлар кириб келишини кучайтиради, мамлакат иқтисодиётини

ривожлантириш учун улар зарур, деб алдашади. Бу қонунларни иқтисодий мұаммаларни ҳал этиш, иқтисодни ривожлантириш ва қашшоқликни тугатиш сифатида киритиш учун Жаҳон Банки аралашади. Бу – одамларнинг пулларини ноҳақ ейишни, бойликларни талон-торож қилишни қонунийлаштириш ва осонлаштиришдан, шунингдек, ушбу операцияларни амалга ошираётган ғарблик бойлар ва уларнинг корхоналарини ҳимоя қилишдан бошқа нарса эмас. Банкротлик түғрисидаги қонунлар талабига кўра, компания ёки инвестор корхонасининг қарзлари ўз активларидан ошиб кетса ёки қарзини тўлашга қодир бўлмай қолса, у банкрот бўлади. Бирон бир компания ёки савдо муассасаси банкрот деб эълон қилиниши биланоқ, уни кредитор ва ҳақдорлардан ҳимоя қилиш учун қонун аралашади. Натижада, банкрот бўлган корхона раҳбарлари бой ва бошқа корхоналарга эга бўлишига қарамай, кредиторларнинг ҳуқуқлари бекор қилинади. Кўпинча улар компаниянинг пулларини талон-торож қилиб, кейин уни банкрот деб эълон қилиш учун фиригарлик қилган кишилар бўлади. Шундай қилиб, уларнинг фойдаси учун одамларнинг ҳақлари қурбон қилинади. Улар айни ўша мамлакатда ёки бошқа мамлакатларда янги операцияларни амалга ошириш орқали фиригарлик ва талон-торож қилиш ишларини яна давом эттиришади.

Юқорида айтилганларни тасдиқловчи фактлар кўп. Лекин мен 2008 йилда юз берган глобал молиявий инқироз даврида банкрот бўлган Lehman Brothers банкида содир бўлган воқеани бунинг битта мисоли сифатида келтираман. Банк президенти Ричард Северин Фулд банкни юқори хавфли ипотека операцияларига жалб қилди. Бу эса, банкнинг қулашига ва банкрот бўлишига олиб келди. Лекин банк банкрот деб эълон қилинишидан олдин у 500 миллион доллар миқдорида товон пули олган эди. Шунингдек, бу ҳақдаги янгиликларда юзлаб миллиард долларлар фиригарлик йўли билан ўзлаштирилгани айтилди.

Яна бир мисол, 2013 йил 10 ва 11 ноябр кунлари Қувайт газеталари Жаҳон Банки томонидан Қувайтга замонавий банкротлик түғрисидаги қонунни қабул қилиш сўровномаси келгани ҳақида ёзди. Газеталарда берилган хабарда шундай келади: «... Америкадаги банкротлик бўйича фаолият юритувчи маҳкаманинг яқинда нафақага чиққан судьяси ва Жаҳон Банки жамоаси аъзоси Чарльз Кейс ночор компаниялар учун мутлақо

янги қонун зарурлигини таъкидлаб шундай дейди: Ҳозирги тижорат қонунчилигининг амалдаги қонунлари (корхонани) тугатиш, жаримага тортиш ва унга нисбатан узоқ муддатли чоратадбирларни қўллашга қаратилган. Қувайт молиявий марказга айланиши учун унга замонавий қонун керак. Бундай қонун яроқли корхоналарни қайта тиклашга, яроқсиз корхоналарни зудлик билан тугатишга рағбатлантиради, шунингдек, қарздор ва кредиторларга суд органларига мурожаат қилиш учун ўзларининг фикр ва таклифларини билдириш имкониятини беради».

Шунингдек, Arabian Business веб-сайти британиялик миллиардер Ричард Брансоннинг Бирлашган Араб Амирликларида банкротлик тўғрисидаги қонун йўқлигидан ҳайратга тушгани ҳақида ёзади. У Arabian Business веб-сайтига Бирлашган Араб Амирликларида банкротлик тўғрисидаги қонун йўқлигини билиб, бундан ҳайратга тушганини билдирап экан, «банкротликдан ҳимояланишни таъмин этиш муҳим устувор вазифа эканлигини, чунки янги иш ўринларини яратиш зарур»лигини айтади. «Банкротлик тўғрисидаги қонун йўқлигини билиб ҳайратда қолдим. Британияни 1850 йилда янги босқичга кўтарган қонун банкротлик тўғрисидаги қонундир. Бу қонун одамлар молиявий муаммоларга дуч келган тақдирда уларни қамоқдан ҳимоя қиласди ва уларга яна бир бор бошқа компания очиш имкониятини беради», дейди у.

Бу – уларни ва уларнинг пулларини ҳимоя қиласдиган қонунларни жорий қилиш учун улар томонидан ўйлаб топилган ҳйила-найранглардан биридир. Яна бир бор тақрорлаймиз: бу қонун «инвестиция» ва «ҳимоя» каби жозибали шиорлар остида капиталистларга улкан лойиҳаларни тақдим этиш, мамлакатлар бойликларини талон-торож қилиш, кейин эса ўзларини банкрот деб эълон қилиб, чўнтакларида катта фойда қолдириш имконини беради. Судхўрлик банклари, акциядорлик жамиятлари ва банкротлик тўғрисидаги қонунлар улар томонидан турли мамлакатларда навбатма-навбат амалга ошириб келинаётган ўғирликларга қулагайлик яратади. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида айни шу ҳол юз берган. 1997 йил октябр ойининг сўнгги ҳафталарида бу мамлакатлардаги молиявий бозорларда акциялар нархи қисқа вақт ичida кескин тушиб кетиши натижасида молиявий инқироз юз берган. Бунинг оқибатида акциядорлар капиталистлар босимидан азият чекиб, қашшоқликка

юз тутишган. Улар юзлаб миллиардларни йўқотишган бўлиб, бу катта урушлардаги йўқотишларга тенг эди.

### **Капиталист талончиларнинг алдов ва тил бирингирувларидан амалий мисоллар**

Масалан, банк эгалари ва ғарблик катта сармоядорлардан бўлган баъзи пул китлари катта молиявий фондни ташкил этишга ва бир ёки бир нечта акциядорлик жамиятларини тузишга келишишади. Кейин, ўзларига қарашли оммавий ахборот воситалари орқали бу жамиятларнинг акцияларини реклама қилиб, ўз манфаатларига қаратилган баёнотларни беришади. Бу эса, нархи кўтарилиши кузатилган акцияларга одамларни қизиқтиради. Кейин қизиқтириш навбати банкларга келади. Банклар одамларга, хусусан, бойлар ва катта мулк эгаларига мойли ўлжани таклиф қиласди. Ушбу жамиятлар акцияларини ким сотиб олса, банк унга қанча суммада акция сотиб олган бўлса яна айни шу суммадаги акцияни сотиб олиши учун у сотиб олган сумманинг тўққиз баробари миқдорида кредит таклиф қиласди. Ушбу қизиқтиришларга ҳамда акциялар нархи кўтарилаётгани ҳақида берилган баёнотларга алданганлар акцияларни сотиб олишга шошилиб, мойли ўлжани ютиб юборишади. Бир мунча вақт ўтгач, унинг остига заҳар яширилгани ёки унинг шиширилган пуфакча эканлиги маълум бўлиб, бундан ҳайратга тушишади.

Агар бирон бир кичик инвестор нархи 10 доллар бўлган 1000та акция сотиб олиб, банкка 10000 доллар тўласа, банк унга 90000 доллар таклиф қиласди. Кейин, инвестор 1000та акция сотиб олиш ўрнига 10000та акция сотиб олади. Кейин вассасага солиш яна давом этиб, масалан, акциянинг нархи 1 долларга кўтарилади. Натижада, бу шахснинг фойдаси 10000 доллар бўлади ва банқдаги кредитдан ташқари ҳисоби 20000 долларни ташкил қиласди. Натижада, инвестор банқдан ўз пулидан тўққиз баробар кўп пул олиши мумкин. Яъни у 180000 доллар қарз олиш ҳуқуқига эга бўлади. Банк дастлаб унга 90000 доллар қарз берганлиги сабабли, у қўшимча 90000 доллар қарз бўлади. Энди ҳар бир акция 11 долларни ташкил этгани учун инвестор 8182та янги акция сотиб олади ва акциядорлик жамиятининг 18182та акциясига эгалик қиласди. Кейин, реклама орқали, ушбу акциядорлик жамиятига сармоя киритишнинг фойдалилиги тарқалади ва унинг акциялари қимматлашади. Агар акция нархи 2 долларга ошган бўлса, инвесторнинг умумий ҳисоби тахминан 236000 долларни ташкил

қилади ( $18182 * 13 = 236000$ ). Шундай қилиб, унинг жамғармаси банкдан бўлган қарзини ҳисобга олмагандан 56000 долларни ( $236000 - 180000 = 56000$ ) ташкил қилади. Шундан сўнг, инвестор банкдан ўз ҳисобидан 9 баробар кўп миқдорда, яъни 504000 доллар қарз олиш ҳуқуқига эга бўлади ( $56000 * 9 = 504000$ ). Банк аввал унга 180000 доллар қарз бергани боис, энди унга 324000 доллар ( $504000 - 180000 = 324000$ ) қарз беради. Бу пулга инвестор 13 доллардан янги 24923та акция сотиб олади ( $324000 : 13 = 24923$ ) ва жамиятнинг жами 43105та акциясига эгалик қилади. Натижада, унинг банкдаги жами пули 560000 долларни ташкил этса, ундан банкка тўлаши керак бўлган қарзи 504000 долларни, банкдаги нақд пули эса 56000 долларни ташкил этади. Шундай қилиб, кичик инвестор ўзининг дастлабки капиталидан (10000 доллардан) ташқари 46000 доллар фойда кўради. Албатта, бундай схема нодон кишиларни ва ҳатто бошқаларни ҳам қизиқтириши табиий.

Бундай пухта ва айёрлик билан яратилган схема ортида турган капиталистлар ўз акцияларидан қутулиш учун қулай фурсатни танлаб, одамларга уларни юқори нархларда сотиб олишни таклиф қилишади. Сўнг акцияларини сотиб акциядорлик жамияти билан муносабатларини узишади. Мана шу вақтдан бошлаб, акциядорлик жамияти ва унинг акцияларини реклама қилиш тўхтайди ва акциялар нархи аста секин пастлай бошлайди. Агар акциялар нархи тахминан бир долларга арzonласа, юқорида келтирилган инвестор акцияларининг нархи тахминан 517000 долларга тушиб кетади ( $43105 * 12 = 517000$ ). Унинг акциялари миқдори камайганлиги сабабли, унга банк томонидан берилган қарз миқдори умумий сумманинг ўндан тўққиз қисмини ташкил этиши, яъни 465000 доллар бўлиши керак бўлади ( $517\ 000 * (10/9) = 465000$ ). Бунгача банк 504000 доллар қарз бергани учун инвестордан у эга бўлмаган 39000 доллар фарқни талаб қиласди. Шундагина у бу рақамларнинг қайд этилган қуруқ рақамлардан бошқа нарса эмаслигини англайди. Инвесторнинг бунча пулни тўлашга қурби етмагани учун ўз акцияларини 12 доллардан сотишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, у банк олдидағи қарзини тўлаш учун 325та акцияни 12 доллардан сотади ( $3250 * 12 = 39000$ ).

Ушбу тез ва осон фойда кўришга ташна банклар ва жамиятларга ишонган ўн минглаб одамлар шу ҳолга учрайдилар. Бу билан нафақат одамлар қашшоқлашади, балки, бутун бир давлат

қулайди. Қолаверса, бутун бир давлатлар ўз корхоналари ва инвесторлари учун ушбу молиявий операцияларни амалга оширишни осонлаштирган, шунингдек, халқларнинг ер ости ва устидаги бойликлариға чанг солиш учун мавжуд ҳолатни баҳона қилиб олган давлатнинг чангалига тушади.

### **Тил бириктирувларни ривожлантириб, ҳалокатли талончилик ҳаракатларини күчайтириш**

Тезкор молиявий операцияларни амалга ошириш орқали катта фойда олишга бўлган ташналиқ бойларни катта молиявий фондларни ташкил этиш учун ҳамкорлик қилишга унади. Бундай фондлар уларга бозор ҳаракати ва нархларни фойданি кафолатлайдиган тарзда назорат қилиш имконини берар эди. Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари бошларида «Hedge Funds» деб номланган фондлар пайдо бўлди. Улар ҳар бири ярим миллион доллардан кам бўлмаган сармояга эга бўлган 500га яқин инвестор иштирок этадиган фондлардир. Уларнинг бошқаруви ҳаракатлари назорат қилинмайдиган ва ишларида айбланмайдиган бой тажрибали молиявий менеджерга топширилади. Унинг вазифаси – номидан кўриниб турганидек – фойдаси кафолатланган молиявий инвестиция фаолиятини амалга оширишdir. Пул, акциялар, фоизлар, нархлар ва иқтисодга алоқадор ишларда ҳийла-найранг қиладиган бундай фондлар бутун дунёда кўпайди. Уларнинг сони бўйича ишончли статистик маълумотлар бўлмаса-да, бироқ бундай фондлар ўн мингдан ортиқ, дея тахмин қилинади. Шундай қилиб, бундай фондларнинг яратилиши билан дунё реал ишлаб чиқариш иқтисодиётiga инвестиция ётқизилишини олдини олишга ва паразит иқтисодиётни күчайтиришга йўналтирилди.

Бу эса, нархларнинг кескин тебранишига, реал иқтисодиётдаги ишчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида, шунингдек, нореал паразит иқтисодиётдаги ишчилар ва чайқовчилар ўртасида ўйқотиш ва хавотирларга олиб келди. Бу бутун дунёни қамраб олган, дунёдаги ҳамма унинг зулми остида азоб чекаётган улкан бузғунчилик эди. Пул барқарорлигини йўқотиш хавфи, ҳамма нарса учун нархларнинг ўзгариши уларни ушбу хавфлардан сақланиш ва уларни енгиллаштириш йўлларини излаб топишга унади. Шундай қилиб, молиявий дериватив (Financial Derivatives) дея номланган савдо кенгайиб катталашди. Бу билан дунё даромади иқтисодиёт ва бозорларни назорат қилувчи бойлар хазинасига оқиб келадиган катта қиморхонага айланди.

## **Молиявий деривативлар дунёни қиморхонага айлантирган шайтоний васвасадир**

Молиявий деривативлар деганда асосий шартномаларга асосланган (иккинчи даражали) молиявий шартномалар тушунилади. Уларнинг предмети компаниялар акциялари ёки облигациялар каби инвестиция воситалари... ёки буғдой, темир, нефть, олтин ва пул етказиб бериш каби реал савдодир. Бу шартномалар товарни етказиб беришни ўз ичига олмайди ва товар бошидаёқ сотувчидаги бўлмайди. Балки, тўлов шартнома амалга оширилган пайтда бўлади. Бунда шартнома тузувчи томонлардан бири товарнинг шартномада белгиланган нархи билан шартномани амалга ошириш пайтдаги нархи ўртасидаги фарқдан фойда кўрган бўлади. Агар савдогар ёки пудратчи бир ойдан сўнг 1000 тонна темирни олувчига етказиб беришни ваъда қиласди ва уни бозордан тоннасини 1000 доллардан сотиб олади, деб фараз қилсак, нархларнинг ўзгариши ва уларнинг кўтарилишга мойиллиги уни темирни етказиб беришдан бош тортишга мажбур қиласди. Чунки у бундай ҳолатда зиён кўриб қолишдан кўрқади. Пудратчи бозордаги темирни етказиб бериш вақтида, масалан, 1 тонна темир нархининг 1100 долларгача кўтарилишидан кўрқиши ёки кутиши ва зиёнга учраши ёки келишувга риоя қила олмай қолиши мумкин. Ўша пайтда у зиёнга учрашдан сақланиб қолиш учун дериватив (иккинчи даражали шартномани тузишга мажбур бўлиб, шу шартнома асосида 1000 тонна темирни тоннасини 1000 доллардан сотиб олади. Бундай шартномада товарларни етказиб бериш (нархларнинг ўзгаришидан қатъий назар) дастлабки шартномада кўрсатилган миқдорга мувофиқ амалга оширилади. Агар товарни етказиб бериш вақтида 1 тонна темирнинг бозор нархи 1050 долларгача кўтарилса, у 50 минг доллар зиён қилиши мумкин.

Бундай шартнома ва опционлар (келишувлар) компаниялар акциялари, валюта курслари, фоиз ставкалари, товар ва хизматлар нархларида, шунингдек, хаёлга келиши мумкин бўлган турли операцияларда тузилди. Уларнинг ҳисоб-китоби мураккаб бўлгани учун катта муассасалар ташкил этилди. Ҳисоб-китоб қилиш, бозорларни ва нархлардаги ўзгаришлар жараёнини ўрганиш учун математика бўйича мутахассислар керак бўлди.

### **Ислом барча дериватив шартномаларни ҳаром қилган**

Бундай операцияларда товарга ҳам, пулга ҳам эгалик қилиш назарда тутилмайди ва товар мутлақо мавжуд бўлмайди. Шунинг учун улар ҳаромдир. Ҳатто ғарб ва унинг фикрлари олдида мағлуб бўлган баъзилар уларга фатво берган ёки уларни оқлаган бўлса ҳам, шаръан уларни қабул қилишга йўл йўқ. Улар гуноҳ ишлар устида ҳамкорлик қилиб, катта фондларни ташкил қилаётган ва улар орқали бозорларга кириб бораётган катта сармоядорлар ва уларнинг эксперtlари томонидан яратилган янгиликлардир. Уларнинг имконияти катта, тажрибаси ва таъсири кучли бўлгани учун бозор ҳаракатига таъсир ўtkазиб, маълум товарлар нархини кўтариш ёки пасайтириш орқали ўзгарувчан нархларни пайдо қилишади. Сўнг мамлакат бойликларини ва одамларнинг пулларини ўз фондларига тўкишади. Бунда уларга нуфузли капиталистик давлатлар бозор иқтисодиёти, эркин бозор, очиқлик ва инвестицияни рағбатлантириш номи остида иқтисодий ва молиявий қонун ва сиёsatларни жорий қилиш орқали ёрдам беради. Бундай паразит (текинхўр) иқтисод нарсаларнинг реал нархига, бинобарин, халқларнинг тақдирни ва бойликларига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётда бундай паразит фикрлар тарқалишининг оқибатларидан бири самарали иқтисодий фаолиятнинг қисқариши ва сезиларли даражада заифлашиши бўлди. Бу ҳолат катта бойларни тез ва кўп фойда олиш учун ушбу услублардан фойдаланишга ва уларнинг инсониятга олиб келадиган даҳшатли оқибатларини ҳисобга олмасликка унадади. Қолаверса, бу ҳолат уларни дунёдаги пулларни бир текисда ва доимий равишда ўз фондларига оқиб келадиган қилиш учун янги услубларни ўйлаб топишга, янги фикрларни яратишга қизиқтириди. Ишсизликка қарши кураш қандай иш бўлишидан қатъий назар ишчи пул топиши мумкин бўлган ҳар қандай иш ўринларини яратишни англатадиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, руҳий, маънавий ва ахлоқий қийматлар йўқолди. Одамларга зарардан бошқа нарса келтирмайдиган корхоналар кўпайди. Ҳолбуки, бундай корхоналар мавжудлигининг зарари ишсизлик, қимматчилик, пул курслари ва нархлар тебранишининг зараридан кўпроқ бўлиб, уларнинг зарари бутун дунёга таъсир қиласади.

**Капитализм ҳаддан ташқари қабиҳ ва ёвуз низом бўлиб, унинг мутлақ қулаши кундан-кунга яқинлашиб бормоқда:**

Бүгунги кунда олтин билан қопланмаган қофоз пулларга, дунёда кенг тарқалган судхўрликка ва акциядорлик жамиятлариға асосланган иқтисодиёт паразит молиявий иқтисоднинг реал иқтисод устидан ҳукмронлик қилишига олиб келди. У пул барқарорлигига зарба берди, дунёдаги иқтисодиёт ҳаракатини бузди ва очкўз пул китлари фойдасига катта йўқотишларни келтириб чиқарди. Бундан ташқари, олтин ва нефть каби товарлар ва булардан бошқа харидоргир товарлар нархини манипуляция қилиб, товарлар нархларида ва пул курсларида кутилмаган ўзгаришларни келтириб чиқарди. Буларнинг барчаси реал савдодан қўрқишига олиб келди. Шунинг учун реал иқтисодиёт паразит, хаёлий ёки рақамли иқтисодиёт фойдасига пасайиб кетди. Реал иқтисодиёт умумий иқтисодиётнинг 2 %дан камроғини ташкил қилаётган бир пайтда, паразит ва рақамли иқтисодиёт умумий иқтисодиётнинг 98 %дан ортиғини ташкил қилмоқда. Ўтган ўн йилликлар давомида иқтисодий инқизорзлар ва улкан йўқотишлар кузатилди. Бу ва бошқа фактлар дунё иқтисодиётининг портлаш ёқасида эканлигини кўрсатади.

Бу – капиталистик иқтисод низомининг бузғунчилиги ва у олиб келган бадбўйлик денгизидан бир томчидир. Шундай бўлса-да, ғарбга ва унинг низомлариға васваса бўлган айrim кишилар ва баъзи рувайбизалар бу низомни даҳолик, тараққиёт, илм ва бунёдкорлик маҳсули сифатида тилга олиб сайрашмоқда. Улар капиталистик иқтисодни сармоя – дейишмоқда, лекин аслида бу сармоя эмас, балки оддий халқни алдаш ва бойликларини талон-торож қилишдир. У алдов ва хаёлий савдодан бошқа нарса эмас. У қимор ўйинлари бўлиб, унинг қонунлари ишлаб чиқилган ва унинг учун бинолар, иншоотлар қурилган. Бу турдаги қимор кенг тарқалиб, ҳатто унинг глобал ва маҷаллий биржалари пайдо бўлди. Бу операциялар билан дунё катта қиморхонага айланди ва унда юзлаб миллиард пуллар ҳаракатланади. Бироқ улар нақд пул эмас, балки, қуруқ рақамлардан иборат. Шунинг учун бу операциялар молиявий деривативлар деб ва бу иқтисод паразит иқтисод деб номланди. У реал иқтисод билан ёнма-ён пайдо бўлиб, ривожланган бизнесдир. Бироқ, капиталистик низом келтириб чиқарган ўйин ва ҳйила-найранглар ушбу паразит иқтисодиётни реал иқтисодиётдан анча каттароқ бўлишига олиб келди. Унинг бузғунчилиги ва зарари одамларнинг пулларини ноҳақ ейиш ва бойликларини талон-торож қилиш учун дунёнинг

ҳар бир бурчагида ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олди. У барча одамларни ташвишга солди, уларнинг орасида ваҳима пайдо қилди ва тартибсизликларни келтириб чиқарди. Одамларни ҳақ-хуқуқларидан маҳрум қилиб, ҳар қандай шараф ва фазилатни йўқ қилди. Ушбу низомнинг зулми, ҳаётни барбод қилиб инсоннинг инсонийлигини йўқ қилиши шу даражага етиб бордики, бу ҳолат инсон уни бартараф эта олмайдиган фожиалар юз беришидан дарак бермоқда. Одамларни Аллоҳ нозил қилган шариат асосидаги ҳаётни қайта тиклаш, Унинг буйруқларига амал қилиб, қайтариқларидан қайтишгина бу фожиалардан қутқаради. Аллоҳ Таоло Рум сурасида айтади:

﴿وَإِذَا أَذْقَنَا النَّاسَ رَحْمَةً فَرَحُوا بِهَا وَإِنْ تُصْبِهُمْ سَيِّئَةً بِمَا قَدَّمُتْ أَيْدِيهِمْ إِذَا هُمْ يَقْتَنُونَ ﴾ أَوْ لَمْ يَرَوْ أَنَّ اللَّهَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَكَيْتَ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴾ فَكَاتِ ذَا الْفُرْقَى حَقَّهُ وَالْمُسْكِينُ وَابْنُ السَّيِّلِ ذَلِكَ خَيْرُ الْلَّذِينَ يُرِيدُونَ وَجْهَ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴾ وَمَا ءَاتَيْتُمْ مِنْ رِبَا لَيَرْبُوْ فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرْبُوْ عِنْدَ اللَّهِ وَمَا ءَاتَيْتُمْ مِنْ زَكَوْةً ثُرِيدُونَ وَجْهَ اللَّهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُضْعِفُونَ ﴾ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمْسِكُمْ ثُمَّ يُحِيكُمْ هَلْ مِنْ شُرَكَاءِكُمْ مَنْ يَقْعُلُ مِنْ ذَلِكُمْ مِنْ شَئِيْ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى عَنِّيْ شُرِكُونَ ﴾ ظَاهِرُ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ أَيْدِيُ النَّاسِ لِيُذِيقُهُمْ بَعْضَ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴾ قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُشْرِكِينَ ﴾﴾

«36. Қачон Биз одамларга бирон марҳамат топдирсак, улар бундан қувониб кетурлар. Агар уларга ўзлари қилган гуноҳлари сабабли бирон ёмонлик етса, бандогоҳ улар ноумидликка тушурлар. 37. Ахир улар Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишининг ризқини кенг қилишини ва (ўзи хоҳлаган кишининг ризқини) танг қилишини билмадиларми?! Албаттa бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 38. Бас қариндош-уруғга, мискин ва мусофирга (хайру-эҳсон қилиш билан) ҳақларини ато этинг! Аллоҳ юзини истайдиган кишилар учун мана шу энг яхши (ишдир). Ана ўшалар нажот топгувчиidlарлар. 39. Сизлар одамларнинг моллари ичida зиёда бўлиб (қайтиши) учун берган судхўрлик-фойдаҳўрликдан иборат бўлган пул-молларингиз (яъни совға-саломларингиз) Аллоҳ наздида зиёда (савоб) олишингизга сабаб бўлмас. Аллоҳнинг юзини-розилигини истаб ато этган закотдан

*иборат бўлган нарсаларингиз, бас ана ўша* (закот бергувчи кишилар ажру-савобларини) *бир неча баробар қилиб олгувчилардир.* 40. Аллоҳ сизларни яратган, сўнгра ризқурўзингизни берган, сўнгра жонингизни оладиган, сўнгра сизларга (қайта) ҳаёт берадиган зотдир. Сизлар (сиғинаётган) бутларингиз орасида мана шуларнинг бирор тасини қила оладиган кимса борми?! (Аллоҳ) уларнинг ширкларидан пок ва юксайдир. 41. Одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) оғат-балолар юз берди. (Бу бало ва оғатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тотдириб қўйиш учундир. 42. (Эй Мухаммад, мушрикларга) айтинг: «Ер юзида сайру саёҳат қилиб, илгари ўтганларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар! Уларнинг кўплари мушрик эдилар»» [Рум 36-42]

### Исломдаги иқтисод низоми башариятни қутқарувчи, ҳидоятга бошловчи Раббоний низомдир

Капитализм динни ҳаётдан ва давлатдан ажратган куфр ақидасидан келиб чиқсан низомдир. Шунинг учун ундан келиб чиқсан барча фикр ва қонунлар куфр низоми бўлиб, уларни олиш, татбиқ этиш ёки уларга чақириш ҳаром. Капитализмнинг акциядорлик жамиятлари Исломдаги ширкат аҳкомларига зид бўлгани учун шаръан ҳаром қилинган. Исломда ширкат «икки ёки ундан кўпроқ кишилар ўртасидаги шартнома бўлиб, улар фойдани қўлга киритиш мақсадида молиявий ишни амалга оширишга келишадилар». Ундаги шартнома шартнома тузувчиларнинг бири ёки ҳар иккиси томонидан бажариладиган ишга асосланиши керак. Ишни бажарувчи, баданни тамсил этувчи томон бўлмаса, шартнома тўғри бўлмайди. Акциядорлик жамиятига келсак, у икки ёки ундан ортиқ томонларнинг бирон бир молиявий лойиҳада ҳиссадор бўлиш шартномасидир. Ушбу шартномага кўра, ҳар бир томон ўз бойлигидан маълум миқдорда ҳисса қўшади ва лойиҳадан келган фойда ёки зарар teng тақсимланади. Ушбу турдаги шерикликда шаръий шартнома мавжуд бўлмагани сабабли, у асосидан ботилдир. Чунки шаръий шартномада ийжоб ва қабул бўлиши керак. Ушбу акциядорлар шартномасида эса, ийжоб йўқ, фақат икки томоннинг қабули бор. Шунингдек, шариатда шериклик шартларидан бири баданнинг бўлиши, яъни ишни бажарувчи томоннинг бўлишидир. Бошқача айтганда, ишни

бажарувчи шартномада томонлардан бири бўлиши керак. Акциядорлик жамияти шартномасига кўра эса, шартнома вакиллари пул қўшиш билан чекланади. Унда ишни бажарувчи ва таъминловчи томон шартноманинг вакили ҳисобланмайди. Шунинг учун акциядорлик жамияти шартномасида шартноманинг рукни ҳисобланган «ийжоб» бўлмагани сабабли, шариат наздида у ботилдир. Ислом бундай шартномаларни илдизи билан йўқ қилди. Шунингдек, Ислом акциядорлик жамиятларини ва уларнинг акцияларини сотиб олишни ҳамда улардан келиб чиқадиган «опцион шартномалардан» фойдаланишни ҳаром қилди.

Шунингдек, Ислом ўз низоми ва аҳкомлари билан ушбу шартномалардаги бало-оғатларнинг асоси бўлган рибони илдизи билан йўқ қилди. Унинг фоизи оз ёки кўп бўлишидан қатъий назар, уни қатъян ҳаром қилди. Рибодан келган пулга эгалик қилишга хеч ким ҳақли эмас ва бу пулларнинг эгалари маълум бўлса, уларга пуллари қайтарилади. Рибонинг гуноҳи оғир бўлгани учун Аллоҳ рибо еювчи судхўрни «жин чалган мажнун» дея сифатлайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَوًا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَحَبَّطُهُ الشَّيْطَنُ مِنَ الْمَسِّ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَوِ وَأَحَلَ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الرِّبَوَ فَمَنْ جَاءُهُ مَوْعِظَةً مِنْ رَبِّهِ فَانْتَهَى فَلَهُ وَمَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأَرْتَهُ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِيلُونَ﴾

«Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Байъ (олди-сомди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?», деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга Парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топширилади). (Яни ўзи хоҳласа афв қиласар). Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар» [Бақара 275] Рибонинг ҳаромлиги қатъий ва гуноҳи оғир бўлгани учун Аллоҳ рибо еювчига уруş эълон қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقَىٰ مِنَ الرِّبَوْا إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴾فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا فَأُذْنُوْا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِن تُثْبِتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴾

«Эй мүминлар, Аллоҳдан құрқынғыз ва агар чиндан мүмин бўлсангиzlар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яну

одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз). Энди агар (фармонимизни) қилмассангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга – золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз» [Бақара 278-279]

Акциядорлик жамиятидаги шартномалар ва бундай жамиятларнинг масъулияти чекланганлиги, шунингдек, сармоядорларни ҳимоя қилувчи банкротлик тўғрисидаги қонунлар шариат аҳкомларига бутунлай зид келувчи ҳаром қилинган қонунлардир. Банкротлик тўғрисидаги қонунлар одамларнинг пулларини талон-торож қилиш учун сармоядорлар ўйлаб топган қонунлардир. Масалан, сармоядорларнинг ўз корхоналари зиёнга учрагани ва компаниялари банкрот бўлганини эълон қилиши натижасида қарз берганлар ва бошқа ҳақдорларнинг пуллари зое кетади. Шариат эса, ҳақдорларнинг ҳаққини камайтирмасдан тўлиқ адо этишни вожиб қиласди. Ҳақдорларнинг ҳаққидан юлиб қолиш жоиз эмас. Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَخْدَى مِنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بُرْيَدُ أَذَاءَهَا أَذَى اللَّهَ عَنْهُ، وَمَنْ أَخْدَى يُرْبِدُ إِتْلَاقَهَا أَتْلَقَ اللَّهُ عَلَيْهَا»

«Ким одамларнинг мол-пулларини қайтариб бериш ниятида олса, Аллоҳ унинг қайтариб беришига ёрдам беради, ким йўқ қилиш ниятида олса, Аллоҳ уни йўқ қиласди». Аҳмад Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«لَئُوْدُنَ الْحُقُوقَ إِلَى أَهْلِهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّىٰ يُقْتَصَ لِلشَّاءِ الْجُمَاءِ مِنَ الْفُرْنَاءِ تَنْطَهُهَا»

«Қиёмат кунида ҳақлар ўз эгаларига қайтарилади, ҳатто шохсиз қўй учун уни сузган шохли қўйдан қасоси олинади». Росулуллоҳ ﷺ ҳақнинг шу дунёда тўлиқ адо этилиши вожиблигини, ким уни шу дунёда адо этмаса, қиёматда адо этишини таъкидламоқдалар. Бу одамларнинг ҳақларини еганлар учун огоҳлантирувдир. Бой кишининг қарзини тўлашни кечиктириши зулм ҳисобланади. Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ:

«مَطْلُعُ الْغَيْرِ ظُلْمٌ»

«Бой кишининг (қарзини тўлашни) кечиктириши зулмдир», деганлар. Қарзни тўлашни кечиктириш зулм бўлар экан, одамлар ҳаққини ейиш ва қарзни тўламаслик қандай бўлади?! Бу янада оғирроқ зулм бўлиб, унинг азоби ҳам қаттиқ эмасми?! Шунинг учун ҳақдорлар ва қарз берганлар ҳаққини адо этишда,

акциядорлик жамияти зиёнга учраганидан кейин, унда қолган нарсаларнигина бўлишириб беришга чекланиш ҳаромдир. Уларнинг барча ҳақлари камайтирилмасдан берилиши вожиб.

Шунингдек, юқорида биз айтиб ўтган мажбурий пул низомини ҳам Ислом ҳаром қилган. Ислом олтин низомини қабул қилиб, олтин ва кумушни товар ва хизматлар нархи учун ўлчов қилган.

Мусулмонларни ва бутун дунёни капиталистик иқтисод низомининг бузғунчилигидан ва үнинг ёвузликларидан қутқарувчи ягона низом Ислом низоми ва ундан балқиб чиқсан исломдаги иқтисод низомидир. Исломдаги иқтисод низоми бутун инсониятни, мусулмонларни ҳам, мусулмон бўлмаганларни ҳам, камбағалларни ҳам, бойларни ҳам қутқариб, капиталистларнинг зулми ва зўравонлигига чек қўяди, қашшоқликни тутгатади. Пул китларининг одамлар ҳаётини жаҳаннамга айлантирган ва инсоний қадриятларни йўқ қилган шайтоний ўйинларига барҳам беради.

Капиталистлар ўзлари учун икки танловдан бирини танлашдан бошқа чора йўқлигини билишади. Уларнинг танлови: ё бошқа мамлакатларни куч билан мустамлака қилиш ёки ер юзидан йўқ бўлиб кетишдир. Шу сабабли бутун дунё капиталистлари Исломнинг юксалишига ва Ислом давлатининг барпо этилишига йўл қўймаслик учун бор имкониятларини ишга солишмоқда. Чунки Ислом давлати уларнинг ҳукмронлик қилишига ва мустамлакачилигига чек қўйиб, капиталистик мабдани ва үнинг низомларини илдизи билан йўқ қиласди. Ислом давлати барпо этилиб, Исломдаги иқтисод низоми татбиқ этилгач, Ғарб низомлари ичкаридан парчаланади ва уларнинг иқтисодий мустамлакачилиги табиий равишда йўқолади.

Шунинг учун Исломдаги иқтисод низомини, шунингдек, үнинг иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи Раббоний аҳкомларини баён қилиш куфрга қарши фикрий кураш олиб боришнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бундан ташқари, капиталистик низомнинг яроқсизлигини, унга чақирувчиларнинг хатоларини, шунингдек, Ғарбнинг фикрий ҳужуми, малай ҳукмдорларнинг уринишлари ҳамда ёлланма уламоларнинг фатволари туфайли кириб келган нотўғри фикрларни фош этиш зарур. Сайидимиз Мұхаммадга, У зотнинг оиласи ва асҳобларига ҳамда қиёматга қадар у зотга эргашувчиларга салоту саломлар бўлсин. □

## ТАФАККУРИНИНГ ҚОРА ҚУТИСИ (2)

Соир Аҳмад Салома

Бу – демократик, илмоний, либерал ва капиталистик мабда моҳиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотнинг иккинчи қисми. Ушбу мабданинг асл моҳиятини ўрганиш давомида у таянган фикрий асосларга зид бўлган жиҳатлар аён бўлди. Бу жиҳатлар унинг гносеологик қарама-қаршиликларини кўрсатди. Шунингдек, демократия ва илмонийликнинг жамиятда адолатни рўёбга чиқарадиган ёки одамларга ҳуқуқларини баён қилиб, тартиглаштириб берадиган ёки давлатнинг барпо этилишидан кўзланган жамоат манфаатини кўрсатиб берадиган бирон бир қонунни чиқара олмаслигини кўрсатди. Бунга қўшимча, яхшилик ва ёмонликни, тўғри ва нотўғрини белгилаб берадиган бирорта ҳам қонун чиқара олмаслиги аён бўлди. Ўтган сонда замонавий давлатнинг тўртта дилеммасини баён қилган эдик. Биринчи: бир томондан инсон билан унинг ҳаётдаги роли, иккинчи томондан у билан ҳаёт ўртасида фикрий бўшлиқ пайдо бўлиши. Иккинчи: Ҳокимиятнинг қонунийлиги дилеммаси (унинг инстанцияси ва манбаи). Учинчи: Халқнинг конституция ва қонунларга бўйсунишига қандай ҳуқуқий асос бор?! Тўртинчи: Мутлақ адолатга эришишни имконсиз қилиб қўядиган доимий ўзгарувчан қонунчилик дилеммаси. Ушбу қисмда демократик, либерал ва илмоний низомнинг пойdevori заифлиги ва қонун чиқаришга яроқсизлиги ҳақида якуний хулосани чиқариш билан унинг бошқа дилеммаларини баён қиласиз. Яъни бу мабданинг халқ суверенитети ва иродасини ифодаламаслиги ҳамда унинг конституция ва қонунларига одамларнинг бўйсунишига ҳуқуқий асос йўқлиги ҳақида айтамиз. Якуний хулосада, инсоният ҳаётини тартибга келтирувчи қонунларни чиқаришни Раббоний шариатга топшириш энг тўғри ечанини баён қиласиз.

**Бешинчи: Турмуш тарз ва мұносабатларнинг қонунларни чиқариш учун асос бўлишга яроқли бўлган ўлчовларни белгилай олмаслик дилеммаси:**

Демократик илмоний низом соғ моддий дунёқарашдан келиб чиқиб, метафизика (табиат ортидаги (кўринмайдиган) нарсалар) билан алоқани узди. Чунки бу низом қонун ва фикрларни «яхшилик ва ёмонлик, «чиройли ва хунук», «савоб ва жазо» тушунчалари билан боғлаб турувчи риштани узиб қўйди. Яхшилик ва ёмонлик тушунчалари моддий тушунчалар эмас. Уларни ҳис

қилиш ва тажрибага бўйсундириш ҳам мумкин эмас. Демак, «ахлоқий виждон» ёки «инсонийлик» моддий бўлмаган тушунчалар экан, илмонийлик уларни қандай қилиб ўрганади ва шахс турмуш тарзининг ахлоқий асоси сифатида белгилайди?

Бетарафликни таъминлаш учун қонунлар билан ҳар қандай диний, урфий ёки ахлоқий асослар ўртасидаги, шунингдек, қонунлар билан рўёбга чиқарилиши ирода қилинган қийматлар ўртасидаги алоқани узиш муаммони янада чигаллаштириди. (Фақат соғ моддий қиймат (манфаатпарамастлик)гина қолдирилиб, унинг нормаларини ҳам белгилай олишмади. Оқибатда роҳат-фароғат, ҳашаматли ҳаёт ва эркинлик турмуш тарзга баҳо бериш асосига айланди). Улар ахлоқ чегараларини белгилаш ўрнига, ишларнинг натижаларига эътибор қаратиб, шу натижалар асосида хатти-ҳаракатларни ўлчашди. Шунга мувофиқ, яхши натижада берган иш, яхши иш деб саналди. Бироқ маълум бир натижанинг яхши ёки ёмон эканлиги қайси ўлчов асосида белгиланади? Бу саволга жавоб беришда, улар моддий манфаат (утилитаризм) тушунчаси билан чекланишди. Ғарб ҳазорати баҳт тушунчасини белгилашда айни шу асосга таянади. Шунингдек, жисмоний лаззат (гедонизм) ва завқ тушунчалари ҳам унга боғланади. Аммо биз биламизки, прагматик утилитаризмнинг ахлоққа татбиқ этилиши ахлоқий қадриятни йўқ қиласди. Фойда ва зарар тушунчалари вазиятга қараб ўзгариб туради. Масалан, айни бир ишнинг ўзи бир киши учун фойдали, бошқаси учун зарарли бўлиши ёки бир вақтда фойдали бошқа вақтда зарарли бўлиши мумкин. Шунингдек, бир иш вақтинча фойдали бўлиб, ортидан зарарга айланиши ҳам мумкин. Демак, фойда тушунчаси жамиятни бошқарадиган низомнинг асосий мезони бўлишга ярамайди. Чунки бундан қайсиdir бир ахлоқий низомни бошқасидан устун қўйиш келиб чиқади ҳамда ҳукмларни тартибга солишда асос бўлган ўлчовлар бекор бўлиб қолади. Натижада, бирор масала бўйича мулоҳаза юритиш ва ҳукмларни амалга оширишга ҳисса қўшадиган қадриятларни ривожлантириш имконсиз бўлади.

Шунинг учун илмонийликда фикрий ўзгаришларнинг бўлиши табиий кўриниш эканлигига гувоҳ бўламиз. Илмонийлик биринчи навбатда коинот хўжайини деган эътиборда инсонни марказлаштиришдан ва табиатни унга бўйсундиришдан бошланди. Кейин, яна табиатни марказлаштиришга ўзгариб, инсонни унга ва

унинг ўзгармас қонунларига бўйсундирди. Шундан сўнг марказлаштириш ғояси рад этилди, оламнинг ўзгариб туриши ва инсоннинг йўқ бўлиб кетиши тан олиниб, инсон ва табиатни эркин бозор ғоясига бўйсуниши амалга оширилди. Табиат ва инсоннинг улуғлиги бекор қилиниб, улар қудратлилар томонидан ўз манфаатларига кўра фойдаланиладиган материя сифатида қабул қилингандан сўнг, бу маъноларнинг ҳар қандай чегара ва қонунлардан ажратилгани, кўплиги ва хилма-хиллиги, шунингдек, «нисбийлик» низомининг беқарорлиги ошкор бўлди. Бу фикрлар «дарвинизм» назариясига асосланган бўлиб, улар кучли инсон билан заиф инсон ўртасидаги курашга олиб борди. Натижада улар томонидан мустамлакачилик сиёсати амалга оширилиб, дунё мамлакатлари кучли мустамлакачи ва заиф қараб давлатлардан иборат икки лагерга бўлинib қолди. Шунингдек, инсоний тафовутлар туфайли ирқий урушлар ҳамда инсон билан табиат ўртасидаги кураш келиб чиқди.

Илмонийликда ахлоқни рўёбга чиқарувчи ҳокимият йўқ. Чунки дин йўқ бўлган ёки йўқ қилинган жойда ҳамма нарса мубоҳ саналади ва ахлоқий қийматларни баён қилиб берадиган ёки келтириб чиқарадиган фикрий ўлчовлар бўлмайди. Илмонийлик бирон бир нарсани қилиш ёки қилмасликни баён қилиб берадиган талқиндан ва яхшилик билан ёмонликни фарқлаб берадиган ўлчовдан холи. У инсон амаллари учун ўлчов қилиб олинадиган қийматларни ҳам белгиламайди.

Фарб низоми ҳақдан ботилни, яхшиликдан ёмонликни ажратувчи фикрий ва ақидавий қоидаларни бекор қилганидан кейин, муаммоларни ҳал қилишга ҳамда умумий манфаатларни белгилашга яроқли бўлган қонунларни тўғрилигини кафолатловчи асосий мезонларни белгилашда муваффақиятсизликка учради. Чунки ҳақиқат ва тўғрилик масалалари экспериментал далиллар ёки мантиқ билан аниқланган илмий ёки мантиқий атамалар эмас, балки диний қадриятлар ва анъаналарга асосланган ахлоқий атамалардир. Баъзида кўпчилик бирлашиб, тизимли сиёсий ҳаракатлар орқали бу масала бўйича «расмий» қарор қабул қилиши мумкин. Бироқ, бундай қарор жамиятдаги бошқа одамлар учун, шунингдек, ирқ, миллат, жинс ёки дин вакиллари бўлган озчиликлар учун зарарли бўлади. Фарб низоми жамиятни бошқарадиган ижтимоий қийматлар учун керакли бўлган аҳком ва қонунларни амалга оширувчи ўлчовларни кафолатлашда ҳам

муваффақиятсизликка учради. Ижтимоий мақсадларни индивидуал танлов доирасидан ташқарида белгилайдиган оқилона ва мантиқий қоидалар мавжуд бўлмаган пайтда, бу танлов шахснинг ўткинчи манфаатлари ва истакларини рўёбга чиқаришга асосланади. Бу эса, индивидуал танловлар билан шахсларнинг ижтимоий турмуш тарзи ўртасидаги ўйғунликни, шунингдек, жамоат бирлиги ва хавфсизлиги сақланишини кафолатламайди. Бундай ҳолатда, алоҳида шахслар ёки кўпчиликнинг мақсадларини ифодаловчи ягона ечим бўлмайди. Натижада муаммолар кўпайиб, уларнинг ечимлари ҳақидаги фикрлар хилма-хил бўлиб боради. Шундай қилиб, шахслар ва жамият манфаатлари ўртасида бўшлиқ пайдо бўлади.

Ғарб низоми ҳеч қандай ақлий асосга таянмасдан кўпчиликнинг қарорлари маънавий жиҳатдан тўғри деб ишонади. Шунинг учун халқقا, бошқача айтганда, халқ вакиллари ёки уларнинг кўпчилигига хатодан холи деган сифат берилди ва халқ вакиллари кўпчилигининг истаги кенг жамоатчилик истаги сифатида баҳолана бошлади. Воқеий натижалар эса, бу қарорларнинг қарама-қарши ўзгаришларга мұхтожлигини кўрсатди. Шундай қилиб, жамият тажриба майдонига айланди. Аслини олганда, кўпчилик ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди ва кўпчилик қарори жамият манфаатининг ишончли кафолати бўла олмайди. Халқ суверенитети тамойилини ўрганадиган бўлсак, унинг мақсади зулм ёки ҳокимият монополиясини олдини олишни кафолатлаш ва ҳокимият ваколатларига чеклов қўйиш эмаслигини биламиз. Чунки бу тамойил амалда қўлланган пайтида буларнинг ҳеч бири амалга ошмайди. Аксинча, унинг амалда қўлланиши шахснинг эркинликлари ва ҳуқуқлари чекланишига ҳамда жамоат манфаатининг парламентдаги кўпчилик истагига бўйсундирилишига олиб келади.

**Олтинчи: давлат жамоат манфаатларига ойдинлик киритмай туриб, уларни қандай ҳимоя қиласиди?**

Демократик (илмоний) либерал низом жамиятдаги кўпчиликнинг фикрини акс эттирувчи жамоат манфаатини белгилашда муваффақиятсизликка учради. Сиёсий тизимлар томонидан қабул қилинган «жамоат манфаати»ни акс эттирувчи қонунлар аслида кенг жамоатчиликнинг эмас, балки қонун чиқарувчи органларнинг фикрларини акс эттиради. Илмоний

низом қонунларни қабул қилиш ва «жамоат манфаатлари»ни белгилашда черков томонидан қабул қилинган «илоҳий ҳуқуқ» атамасига альтернатива бўлган атамаларга таянди.

Улар томонидан қабул қилинган атамалар:

1 – Жамият ва ҳукуматларнинг аввалги фаразий нормал ҳолати:

Уларнинг фикрича, жамият ва ҳукуматлар бу ҳолатдан чиқиб, ижтимоий шартнома орқали ўзаро муносабатларни тартибига келтириб, бирлашган.

2 – Табиий ҳуқуқ, яъни ҳар бир инсонга берилган эркинлик:

Уларнинг даъво қилишича, инсон омон қолиш ёки ўзининг табиий хусусиятини сақлаб қолиш учун «соғлом ақл»га (улар томонидан қабул қилинган атама) мувофиқ равишда ўзининг табиий имкониятларидан, ваколатидан ва имкониятидаги воситалардан фойдаланади.

3 – Позитив фуқаролик қонунига мүқобил бўлган «табиий қонун»:

Яъни табиатга мувофиқ келадиган «соғлом ақл» ёки барча жамиятлардаги ҳамма шахсларга мос келиши керак бўлган, ёзилмаган ўзгармас қоидалар мажмуи. Чунки улар ўз тасаввурларига кўра, қонун манбаси табиатнинг ўзидан топилади. Уларнинг фикрича, бу адолат ва тенглик фикрлари каби ҳамма жойда ва ҳар доим амал қилиниши керак бўлган ахлоқий норманинг бир тури. Уларнинг ҳисоблашича, қонуннинг бундай тури инсон томонидан яратилмайди, балки унинг табиатига ўрнашган бўлади.

Улар ҳуқуқлар одамлар қабул қилган ҳазорий ва сақофий тушунчаларга кўра белгиланишини, шунингдек, «табиий ҳуқуқ» инсон билан бирга туғилмаслигини эътибордан четда қолдиришди. Ҳазорат ўзи қабул қилган тушунча ва низомлари билан, бу низомларнинг инсон табиатига қанчалик мос келиши билан ажralиб туради. Шунингдек, у одамларнинг узвий эҳтиёжлари ва ғаризаларини тўғри тартибида келтиришга қодирлиги ёки қодир эмаслиги билан ҳам ажralиб туради. Аслини олганда, ҳазорат шахсий ва ижтимоий мақсадларни амалга ошириши, ҳуқуқларни белгилаб тартибида келтириши, шунингдек, жамиятда адолат ўрнатиши керак.

Улар қонунларнинг давомий ўзгариши мутлақ адолатга эришишга зид эканлигини ҳам эътибордан четда қолдиришди. Шунинг учун «табиий қонун» дея номланган тушунча ҳеч қандай

маънога эга эмас. Манфаатлар ўртасидаги фарқ, уларни қўлга киритиш усулларининг хилма-хиллиги ва манфаатларни қўлга киритиш йўлларини тартибга келтиришда одамлар ўртасида қарама-қаршиликнинг мавжудлиги «табиий тенглик» тушунчасини йўқقا чиқаради. Шунингдек, одамларнинг тафаккури, истак ва майллари ўртасидаги фарқ, шунингдек, сақофатларнинг таъсири каби бир қанча омиллар туфайли «соғлом ақл» тушунчаси ўз кучини йўқотади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ғарб низоми «умумий ирода»ни белгилашда ҳам муваффақиятсизликка учради. Улар жамоат манфаати «умумий ирода»га асосланиши лозим, деган назарияни илгари суришар экан, «умумий ирода» кўпчиликнинг ёки маълум бир гуруҳнинг иродаси эмас, балки бутун жамиятнинг иродаси, деб айтишди. Бу фикр ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўювчи шахсларнинг турли рақобатдош истакларини рад этиш натижасида пайдо бўлди.

Бу фикрга чуқурроқ назар ташласак, одамларни бирлаштирувчи умумий манфаатлар бутун жамиятни қаноатлантирадиган ечимларга мухтож эканига гувоҳ бўламиз. Бироқ, бу ечимларнинг шахс ва жамиятга мос келиши... муолажа ва қонунларнинг тўғрилиги... бу ечимлар маҳсулининг яхши ёки ёмон, тўғри ёки нотўғри, чиройли ёки хунук бўлиши... бу ечимлар орқали ҳуқуқларнинг белгиланиши, рўёбга чиқарилиши ва тартибга келтирилиши... буларнинг барчаси энг мухим масаладир. Бундай ечимлар «умумий яхшиликдан» ёки «соғлом ақлдан» келиб чиқмайди. Агар бу ечимлар илоҳий шариатдан олинмайдиган бўлса, (худди банк қарздорлар устидан, капиталистлар оддий ишчилар устидан ҳукмронлик қилгани каби) кучлиларнинг заифларни эксплуатация қилишига... жамиятнинг асоссиз урфодатларга амал қилишига... заифлар, қуллар ва аёлларга нисбатан зулм ва зўравонликнинг кучайишига... зино ва гомосексуализм каби иллатларга эркинлик берилишига олиб келиб, жамият фаровонлигига хавф туғдиради. Шунинг учун агар бу ечимларни белгилаш одамлар томонидан ўйлаб топилган қонунларга ташлаб қўйилса, уларнинг тўғрилигига кафолат йўқ. Қолаверса, «умумий иродани» воқеликда гавдалантириш кайфиятига ҳам назар ташлайдиган бўлсак, унинг янада катта муаммо эканлигига гувоҳ бўламиз. Зеро, одамларнинг ўзларига фойдали ёки фойдасиз

бўлган нарсаларни белгилаш учун бир жойга йиғилиши мумкин бўлмаган ишдир. Парламент кўпчиликнинг фикрини гавдалантиради дейиш ҳам чалғитишдан бошқа нарса эмас. Чунки парламент кўпчиликнинг ҳам, халқнинг ҳам фикрини акс эттирмайди.

Келишилган умумий яхшиликка ёки амалга ошириш кўзланган умумий манфаатга асосланмаган умумий ирода ҳақиқий эмас. Айниқса, бугунги кунда одамлар орасида яхшилик, манфаат ва муаммоларнинг ечими ҳақида қарашлар тарқоқ бўлиб, жамоий одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ҳақида ягона кўз-қараш мавжуд эмас. Булар ҳақидаги ягона кўз-қараш илмоний-демократик жамиятнинг асоси бўлган плюрализмга зид келади ҳамда жамиятни маълум бир ақидавий ёки ахлоқий қадриятларга чеклаб қўяди. Шунинг учун демократик жамиятда жамоат манфаатини белгиловчи ва қонунлар учун асос бўлган «умумий иродани» амалга ошириш мумкин эмас.

«Умумий яхшилик», «соғлом ақл», биродарлик, эркинлик ва тенглик тушунчалари зулмга чек қўйиб, адолат ўрнатадиган, инсониятга баҳт келтирадиган, шунингдек, ижтимоий қадриятларни амалга оширувчи ечим ва қонунларни кафолатлашга яроқли бўлган фикрий ўлчовларни белгиламайди. Булар ноаниқ терминология доирасида қолдирилган. Баъзилар яхши, манфаатни рўёбга чиқаради деб ҳисоблаган ишни, бошқалар аниқ ёмон ва зарар деб билади. Ёки бу иш баъзиларнинг ҳавоий-нафсига тўғри келмайди. Албатта, қонун чиқаришдан мақсад шунчаки бирон бир қонунни чиқариш эмас, балки қонуннинг тўғрилигини, шунингдек, унинг инсоний хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ муаммоларни тўғри ҳал этиш қобилиятини таъминлашдир. Қонун чиқаришнинг ташқи омиллари кўп қиррали ва мураккаб бўлгани учун инсоний ақл уларнинг барчасини қамраб ололмайди. Баъзида ҳавоий-нафс инсон ақлини зинога ва маст қилувчи ичимлик ичишга ундаши мумкин. Шунинг учун инсон ақлидан келиб чиққан қонун тўғри бўлмайди. Инсон табиати ва унинг майл-истакларига кўплаган ташқи сақоғий омиллар таъсир кўрсатгани учун мусулмоннинг табиати билан фарблик одам табиати бир-биридан фарқли бўлади. Одамларнинг ақли ҳам кучли ёки заифликда, ишларни чуқур ёки саёз тушунишда бир-биридан фарқ қилгани учун у барча ҳолат ва шароитларга мос келадиган ҳукмни чиқара олмайди. Чунки ақл одамларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир этувчи ташқи (файбий)

омилларни билмайди. У нарсаларга объектив эмас, балки субъектив қарайди ва ақл томонидан қабул қилинган ечимлар вақт ўтиши билан нотўғри бўлиб чиқади. Қолаверса, маълум нуқтаи-назардан келиб чиқиб ақл томонидан қабул қилинган ечим, бошқа нуқтаи-назардан қараганда нотўғри бўлади. Шунингдек, ақл бирон бир ишни фойдали деб билса, бошқа нуқтаи-назардан олиб қараганда у заарли бўлади. Чунки ақл ишларнинг сабаб ва натижалари ҳақида мутлақ билимга эга эмас. Шунинг учун инсон томонидан ўйлаб топилган қонунлар қарама-қаршиликларга тўла бўлиб, доим ўзгартирилишга муҳтож. Иш-ҳаракатларнинг ўзига қараб яхши ёки ёмон деб баҳолаш мумкин эмас. Чунки иш-ҳаракатларга яхши ёки ёмон деб баҳо бериш ташки омилларга, яъни низомга боғлиқ. (Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, одамлар томонидан ўйлаб топилган низом муаммоларни ҳал қилиш ва ишларга яхши ёки ёмон деб баҳо беришга яроқсиз бўлиб, бу масалада фақат илоҳий низомга бўйсуниш керак).

Уларнинг мабдаси давлат шахс учун барқарорлик, хавфсизлик ва тартиб-интизомни амалга ошириб бериши учун шахснинг мутлақ эркинлигидан воз кечилиши лозим, деган асосга қурилади. Яъни эркин ирода умумий иродага бўйсундирилган. Шунингдек, жамоат манфаати якка шахс манфаатидан устун қўйилган. Ҳокимият давлат қўлида бўлиб, унга ҳамма бўйсунади, ундан қўрқади ва у энг қудратли ҳукмрон кучдир. Улар айтган: «инсониятнинг ёвуз табиати»га бўйсунмаслик учун ижтимоий шартнома орқали тузилган «қонсиз келишувлар» қуруқ гапдан бошқа нарса эмас.

Табиий ҳолат, табиий ҳуқуқ, табиий қонун ва умумий ирода каби ушбу тушунчаларнинг барчаси тарқоқ, ноаниқ ва қарама-қаршиликларга тўла бўлиб, доимо таъвил ва ўзгаришларга дучор бўлади. Шунинг учун қонун чиқарувчилар бу тушунчаларни муайян чегаралар билан назорат қила олмайдилар. Чунки одамларнинг ақллари кўпчилик ишонадиган умумий манфаатни акс эттирувчи ягона ечим атрофида бирлаша олмайди!

Шунинг учун «умумий ирода» тушунчаси воқеликда ўз ўрнини топмади. Жамиятдаги муносабатлар одамларнинг хоҳишистакларини ўрганиш асосига қурилмади. Фақат бир томоннинг таклифи қабул қилиниб, «халқ иродаси» деган баҳона билан ўша

таклиф бошқаларга юкланди. Демократик илмоний мамлакатларда ҳукмрон сиёсий партиялар ва капиталистлар томонидан қабул қилинган қонунлар «умумий халқ иродаси» сифатида тасдиқланади.

Илмонийлар «диннинг жамият ва давлатга ҳар қандай тасаввурларни сингдиришига йўл қўймаслик ҳамда давлатнинг ролини фақат жамиятни бошқаришга чеклаш лозим» деган асосдан келиб чиқиб фикрлайдилар. Уларга кўра, Гоббс айтганидек, давлат ўзини қайсиdir бир эътиқодни сингдириш ва бирон бир феъл-атворни тақиқлаш билан ҳолдан тойдирмаслиги керак. Улар бу вазифани давлатнинг зиммасига юклайдилар. Агар шундай бўлса, конституция ва қонунлар роли билан давлатнинг ролини қандай мувофиқлаштириш мумкин?

Аслини олганда, биз табиий ҳуқуқ назариясининг охири йўқ доимий қарама-қаршиликларда ифодаланганини кўрамиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу каби қонунлар давлат томонидан мажбуран жорий қилинмагунча бирон бир ечимни бермайди. Шунингдек, бу турдаги қонунлар умумий иродани ва халқ суверенитетини ифодаламайди.

### **Еттинчи: Демократик давлатнинг либерализм билан гносеологик қарама-қаршилигига гавдаланган дилеммаси**

Либерал демократия номи остида икки ғоянинг (либерализм билан демократиянинг) сиёсий бирлашуви улкан қарама-қаршиликка олиб келди. Чунки демократия қонунлар чиқариш, уларни қўллаш ва улар асосида ҳукм чиқаришда кўпчиликнинг фикрига таяниш демакдир. Либерализм эса бунинг аксидир. Унинг фикрий асоси индивидуаллик, озчилик ва эркинликларга таянади. Либерализм шахс эркинлигини фикр ва қонунларнинг асоси деб билади. Ушбу икки ғоянинг бирлаштирилиши ҳамда либерализмнинг демократиядан устун қўйилиши демократияни асоссиз, бўш ва ўлик ғояга айлантириди.

Фарб низоми ҳеч қандай қонуний ва маънавий асосни келтирмаган ҳолда, озчилик кўпчиликнинг фикрига (демократияга) бўйсуниши керак деган ғояни илгари сурди. Кейин, озчиликнинг фикрини (либерализмни) кўпчиликка юклаши билан ўзи илгари сурган ғояга қарши чиқди. Бунинг оқибатида, ҳеч қандай қонуний ва маънавий асосларсиз одамларнинг шахсий манфаатлари ва эркинлиги устувор бўлиб қолди.

Ғарб низоми либерализм фалсафасини шахснинг турмуш тарзини белгилайдиган жамоий муштарак қадриятларни рад этиш асосида қурди. Чунки либерализм ижтимоий қадриятларни қарор топтириш натижасида вужудга келадиган ижтимоий жипсликка йўл қўймасликка, шунингдек, шахслар томонидан қабул қилинган турмуш тарзини жамиятга сингдирмасликка асосланади.

Ғарб либерализми қарашларига кўра, жамият – алоҳида шахслар ва озчиликлар йиғиндинисидир. (озчилик сон жиҳатидан эмас, балки таъсир ва қувват жиҳатидан). Аёллар, ногиронлар, гомосексуаллар, мұхожирлар, қора танлилар, чақалоқлар, қариялар, диний ва этник гурӯҳлар, ишчилар ва жамиятнинг бошқа қатламлари «озчилик» деб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳуқуқларга эга, аммо уларнинг ҳеч бири кўпчилик ҳисобланмайди ҳамда бошқарув ва қонун чиқариш жараёнига таъсир ўтказолмайди. Бу эса гносеологик демократия тамойилларига зиддир. Шахслар манфаатларини инкор этиб, уларни кўр-кўрона кўпчилик иродасига эргашишга мажбурлайдиган демократия билан жамиятни алоҳида шахслар йиғиндиси сифатида кўриб, шахсга жамоавий қадриятларни сингдиришни рад этувчи либерализм ўртасида қандай қилиб муросага келиш мумкин? Демократия индивидуализмга ва озчиликтинг ҳукмронлигига қарши туради. У кўпчиликнинг иродасига қарши келган ўринда шахслар ёки озчиликлар ҳуқуқларини бекор қилиб, кўпчиликка бўйсунишга мажбурлайди ва шахслар эркинлигини чеклайди. Либерализм эса кўпчиликнинг қонун устуворлигини монополия қилишини тақиқлайди, шахс эркинлиги ва унинг ҳуқуқларига урғу беради ва шахсларнинг кўпчилик иродасига бўйсунишини тақиқлайди. Шундай экан, ушбу икки қарама-қарши йўналишни бирластириш мумкинми? Стюарт Милл ўн саккизинчи асрга хос демократик тенденцияларни қабул қилишдан бош тортганидан кейин шундай деган эди: «Демократик давлатда эркинлик муаммоси тез ошиб боради... Ҳукумат қанчалик демократик бўлса, шахслар эркинлиги шунчалик камаяди». Бутун эътиборни индивидуализмга ва озчиликлар мағкурасига қаратган мамлакатда ижтимоий бўлининшнинг келиб чиқиши муқаррар. Чунки бундай мамлакатда жамиятни умумий қонунлар ва қоидаларга риоя қилишга мажбуrlаш учун мўлжалланган институтлар мавжуд эмас. Натижада, сиёсий

майдон сиёсатчилар, капиталистлар ва нуфузли кишиларнинг қўлида қолиб, улар жамиятга ўзлари хоҳлаган нарсани жорий қиласидилар.

**Саккизинчи: Демократик низом ҳокимиятнинг озчилик қўлида қолишига ва озчиликнинг эксплуатациясига тўсқинлик қила олмади**

Демократик низом ҳокимиятни уч тармоқقا бўлишда мувваффақиятсизликка учради. Натижада, ҳокимият амалда озчиликнинг қўлида қолди. Доктор Мұхаммад Муфтий ва доктор Сомий Вакиллар бу ҳақда шундай дейдилар: «Мустабидлик муаммоси ваколатларнинг бир қўлда сақланиб қолишидан келиб чиқмайди, балки Фарб тафаккурида барқарор қонуний қоидаларнинг йўқлиги сабабли келиб чиқади. Чунки бунинг натижасида қонунчилик ва уни ижро этиш ишлари якка шахснинг ёки ҳукмрон гурӯҳнинг қўлида қолади. Улар эса қонунларни қабул қилишдан ўз манфаатларини рўёбга чиқариш воситаси сифатида фойдалана бошлайдилар. Натижада, якка шахслар мустабидлиги келиб чиқади».

Ислом шариатига келсак, у ҳаётнинг барча соҳалари учун барқарор низом ва қонунларни олиб келган. Шунингдек, у ҳукмдорни белгиланган қонунларни бузишдан огоҳлантириб, агар уларни бузса, ҳукмдорнинг шариат асосидаги бошқарувчи мақомидан маҳрум этилишини таъкидлаган. Бундай ҳолатда мусулмонлар «ҳаром ишларда золим ҳукмдорга итоат қилинмайди» деган қоидага кўра, унга итоат қилмайдилар ва уни ҳаққа чақирадилар ёки очиқ куфр кўринса, унга қарши чиқадилар. Бундан ташқари, шариат фуқароларга ҳокимни мұхосаба қилиш ва унинг мункарини инкор этиш ҳуқуқини ҳам берган.

Агар Фарб мамлакатларидаги низомларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, ҳокимият парламентда кўпчиликни ташкил этган ҳукмрон партиялар қўлида эканига гувоҳ бўламиз. Чунки уларда парламент (қонун чиқарувчи ҳокимият) ва ижро этувчи ҳокимият ҳукуматни ташкил этади. Улар ўз бошқарувлари даврида қонунларни қабул қилиш ва уларни ижро этиш орқали мамлакатнинг барча ресурсларини бошқарадилар. Демак, мамлакатда ҳокимият қонун чиқариш ва уни ижро этиш жиҳатидан ҳукмрон партиянинг қўлида бўлади.

Улар томонидан ташкил этилган ҳокимиятнинг уч тармоғи, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари бир-биридан

мустақил эмас. Суд органлари ходимларини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этишда ижро этувчи ҳокимият энг мұхим ролни үйнайды. Шу сабабли, ижро этувчи ҳокимият томонидан тайинланған судьялар аксарият ҳолларда тұлық мустақил бўлолмайди ва уларнинг мустақил бўлишига ҳам кафолат йўқ.

Бундан ташқари, мамлакат конституциясининг ўзи қонун чиқарувчи қўмита вакиллари ва судьялар гурӯҳи томонидан қабул қилинади. Улар ўз навбатида конституцияни тасдиқлаш учун парламентга мурожаат қилишади. Бу эса, ҳокимият тармоқларининг бир бирига аралашишига учун шароит яратади. Чунки конституцияни қабул қилишда судьяларнинг аралашуви суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимиятга аралашувиdir.

Шунингдек, конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган қонунларни қайта кўриб чиқиш ва конституцияга зид бўлган қонунларни тақиқлаш ҳуқуқига эга. Бироқ қонун чиқарувчи ҳокимият ўз мақоми бўйича суд ҳокимиятидан юқори бўлиб, қабул қилинган қонунлар ижросини ижро ҳокимияти орқали назорат қиласиди. Конституциявий суд барча судьяларнинг энг юқори даражасидир. Қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган қонунларнинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги якуний қарор конституциявий суд томонидан қабул қилинади. Қонунларнинг ижро қилувчи ҳокимият томонидан ижро қилинишини ҳам у назорат қиласиди. Конституциявий суд ижро қилувчи ҳокимиятга ишонч билдирамаса, ҳукумат истеъфога чиқишига мажбур бўлади. Шунинг учун қонун чиқарувчи ҳокимият ишончига мұхтож бўлган ҳукумат ҳеч қачон мустақил бўла олмайди.

Ҳокимиятнинг тармоқларга бўлинниши жавобгарлик тамойилини йўқ қиласиди. Натижада, муаммо юзага келганда, ҳар бир ҳокимият жавобгарликдан қочади ва мұаммода бошқа ҳокимиятни айблашга, шунингдек, масъулиятни ўзидан бошқасига юлашга ҳаракат қиласиди.

**Бешта афсонавий сафсата: гигантлар (девлар), фениклар, сув парилари, фуқаролик давлати ва кўп сонли дунё!**

Қадимда араблар: учта афсонавий сафсата бор, улар: девлар, фениклар ва вафодор дўст – дейишган. Ҳозирги кунда уларнинг орасидан «вафодор дўст» чиқариб юборилди ва унинг ўрнини сув париси, кўп сонли дунё назарияси ва фуқаролик давлати

түшунчаси эгаллади. Бу билан афсонавий сафсата бешта бўлиб қолди. Афсонавий сафсатанинг бешинчиси шундан иборатки, фуқаролик давлат ёки замонавий давлат ўзининг интеллектуал асосларига таяниб, уларни рўёбга чиқаришидир. Бошқача айтганда, демократия, илмонийлик, либерализм ва капитализм низомларининг мафкуравий асосда бир-бирига зид келмайдиган давлатда бирлашиши афсонавий сафсатага айланди. Уларнинг бирлашиши ҳаётда катта мақсадлар қўйишда, мафкуравий асосдаги низомларни яратишда, ҳокимиятни халқ қўлига топширишда, қонуний давлат барпо этишда ва кучлилар томонидан заифларнинг ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслиқда муваффақиятсизликка учради.

**Хуроса:** Демократик, илмоний ва либерал низомлар иллюзияларга асосланади. Улар тўғри қонунларни ишлаб чиқиш учун яроқсиздир ва мафкуравий асосда бир-бирига мос келмайди. Бундан ташқари, улар ҳаётда мавжуд бўлишга ҳақли эмас. Зоро, улар ҳокимиятни жамиятдаги нуфузли қатлам манфаатларига хизмат қиласиган сиёсий партиялар қўлига топшириб, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истак ва манфаатларини рад этишди. Улар ўзлари тузган конституцияларга ва ўзлари қабул қилган қонунларга халқларнинг бўйсуниши учун қонуний асос келтира олишмади. Натижада, буларнинг барчаси тўғри асосга қайтиш зарурлигини келтириб чиқарди. Ушбу тўғри асос – башарият ҳаётини тартибга келтирувчи қонунларни белгилашни Раббоний шариатга топширишдир. □

## **РОСУЛУЛЛОХ НИНГ ҚАБИЛАЛАРДАГИ КУЧ-ҚУДРАТ ВА ҲИМОЯ АҲЛИДАН НУСРАТ ТАЛАБ ҚИЛИШЛАРИ ВА АЙНИ ДАМДА БУНГА ЭРГАШИШНИНГ ВОЖИБЛИГИ**

**Муборак ибн Аҳмад Яҳё – Яман**

Росууллоҳ  Тоифдан қайтганларидан кейин ҳаж мавсумида араб қабилаларига мурожаат қилдилар. Уларга Исломни тушунтириб, унга даъват қилдилар ва Аллоҳнинг каломини етказиш учун улардан ёрдам сўрадилар. Росууллоҳ  қабилалар тўпланадиган ҳаж ва тижорат мавсумларида фаолликни кучайтирар эдилар.

Росууллоҳ  мақсадларни аниқ белгилаб, пухта сиёсий даъват режасига мувофиқ иш тутар эдилар. У зот қабилалар ичидаги ҳурматли, куч ва ҳимояга эга бўлган раҳбарлар билан учрашардилар. Абу Бакр, Али ибн Абу Толиб каби маърифатли, арабларнинг насаблари ҳамда қабилаларнинг тарихи ва наслини биладиган саҳобаларни ўзларига ҳамроҳ қиласар эдилар. Улар қавм етакчиларида шундай саволларни беришар эдики, ундан уларнинг ёрдам ва бошпана беришга қанчалик лаёқати борлигини билиб олишар эди. Росууллоҳ  қавмга даъват қилишларидан олдин, қабила етакчиларига: Ҳимоя қилишга кучингиз етадими? Уруш ҳақида нима дейсизлар? Сонингиз қанча? каби саволларни беришар эди.

Росууллоҳ  араб қабилаларини даъват қилишда Кинда қабиласидан бошладилар, кейин Калбга бордилар ва (Бану омир, Фассон, Бану Фазора, Бану Мурра, Бану Ҳанифа, Бану Салим, Бану Абас, Бану Наср, Бану Саълаба ибн Акоба, Бану Хорис, Бану Каъб, Бану Узра, Қайс ибн Хотим, Абул Ясар Анас ибн Абу Рофеъ) қабилаларига бордилар. Росууллоҳ  уларга: Ким мени ўз қавмига олиб бориб, Роббимнинг рисолатини етказгунимча мени ҳимоя қиласди? Чунки Қурайш мени Роббимнинг рисолатини етказишмдан тўсди, дер эдилар. (Аҳмад, З-жилд, 492, 493-саҳифалар) Ибн Ҳишом (2-жилд, 64-саҳифа).

Дарҳақиқат, Росууллоҳ  бу йўлда оғир қийинчиликларга йўлиқдилар. Термизий Жобир ибн Абдуллоҳдан шундай ривоят қиласди: Пайғамбаримиз  мавқифда (Маккадаги одамлар тўпланадиган жой) туриб: «**Мени ўз қавмига олиб борадиган одам борми? Қурайш мени Роббимнинг рисолатини етказишдан тўсди**», дер эдилар. (Термизий, Ибн Можжа, Абу Довуд). У зот

қабилаларга тез-тез бориб, уларни даъват қиласы, улар эса хұнук суратда рад этиб, у кишига озор беришарди. Улар: Бу одамни қавми яхши билади, үз қавмини бузған одам бизни ислоҳ қиласиди – деб инкор этишарди. Қурайшнинг зиёратчилар орасыда тарқатған мишмишлари кенг күламли бўлиб, бу Росууллоҳ ﷺни безовта қиласы эди. Табароний Кабирда Мудрик ибн Мунисбдан, у отасидан, у эса бобосидан шундай ривоят қиласы: Мен Росууллоҳ ﷺни жоҳилият даврида шундай деб айтаётгандарини кўрганман: «Эй одамлар, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ денг, нажот топасиз. Шунда кимдир у зотнинг юзига тупурди, кимдир у зотга тупроқ сочди ва кимдир куннинг ярмигача ҳақорат қилди. Шунда бир аёл идишда сув келтирган эди, У зот юз ва қўлларини ювиб, унга, эй қизим, отангнинг мағлуб бўлиши ёки хорланишидан қўрқма, дедилар. Мен: Бу ким деган эдим, улар: Бу Росууллоҳ ﷺнинг қизи Зайнаб, у итоатли аёл дейишди. (Бухорий, Тарихул Кабир 4-2-14, Табароний, Мўъжамул Кабир, 21-6). Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаблар (уларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин) Росууллоҳ ﷺга кўп озор беришган.

**Росууллоҳ ﷺ қабилалар орасидан ўтаётгандарида мушрикларнинг фитналарига жавоб бериш учун бир қанча усусларни қўлладилар, уларни қўйида келтирамиз:**

– Қабилалар билан бўладиган учрашувларга мушриклар тўсқинлик қилмаслиги учун улар билан тунда учрашар эдилар. Дарҳақиқат, Авс ва Ҳазраж билан ҳам тунда учрашиб, биринчи ва иккинчи Ақаба байъатлари бўлган эди.

– Росууллоҳ ﷺ қабилаларнинг яшаётган жойига борар эдилар. Масалан, Бану Калб, Бану Ҳанифа ва Бану Омирнинг яшаётган жойига бордилар. Бундан мақсад, қабилалар билан муносиб тарзда музокара олиб бориш учун Қурайшнинг шовқин-суронидан қочиш эди.

– Ёрдамчилар билан бирга юриш: Абу Бакр ва Али ؓлар Росууллоҳ ﷺнинг айрим қабилалар билан бўлган музокараларида у кишига кўмак беришар эди. Эҳтимол, уларни чақиришдан кўзланган нарса ўзини ёлғиз деб ўйламасликлари ҳамда үз қавмининг шарафлилари ва яқинлари орасидан ёрдамчилари йўқ, деб, гумон қилмасликлари учун бўлгандир. Бундан ташқари, улар арабларнинг насиби ва қабилаларнинг

наслини яхши билишар ва даъват юкини күтариши учун уларнинг энг афзалини танлашар эди.

— Қабиланинг ҳимоя қила олишига ишонч ҳосил қилиш: Қабилаларнинг хавфсизлик жиҳатини ўрганиш учун, уларни даъват қилишдан ва ҳимоя қилишни сұрашдан олдин, уларнинг күчи ҳақида сұрап әдилар. Бу душманларни даҳшатга соладиган, дин ва даъватни ҳимоя қиладиган, уни тарқатиш юкларини ўз зиммасига оладиган, унинг йўлидаги тўсиқларни бартараф этадиган моддий ва маънавий тайёргарлик масаласи сифатида даъватни ёвузлик ва ботил кучлардан ҳимоя қилиш учун зарурдир.

**Росууллоҳ  Бану Омир ибн Саъсаа билан бўлган музокараси:**

Сақиф қабиласи Росууллоҳ  даъватини рад этганидан кейин, Росууллоҳ  улар билан келишмовчиликда бўлган Бану Омир билан иттифоқ тузишни режалаштирдилар. Росууллоҳ  Бану Омирни кучли ва мустаҳкам эканини ҳамда худди Қурайш, Хузоа ва Сақиф каби эркин, бировга солиқ тўламайдиган ва подшоҳга бўйсунмаган беш қабиладан бири эканини билар эди. Буни сийрат китоблари муаллифлари ривоят қилганидек Байхара ибн Фироснинг қуидаги гапидан билиб олсанк бўлади: «Аллоҳга қасамки, агар мен бу йигитни Қурайшдан ўзимга оғдириб олсан, у билан бутун арабларни бўйсундириб олар эдим», деди. Сўнгра: «Агар биз бу ишда сенга сўз берсак ва Аллоҳ сени қарши чиққанлар устидан ғолиб қилса, ҳукмронлик сендан кейин бизнинг қўлимизда бўладими?» деб, сўради. Росууллоҳ : «**Бу дин Аллоҳники, уни хоҳлаганига беради**», дедилар. Шунда у: «Сен ўзингдан олдин арабларга бизни нишон қилмоқчимидинг? Аллоҳ сени ғолиб қилсаю ҳукмронлик биздан бошқаларники бўлса, сенинг бу ишингга бизнинг эҳтиёжимиз йўқ», деб, юз ўгириди. (Иbn Ҳишом, 2-66, Абу Нуайм, Далоил, 215, Ибн Саъд, Мухтасар. 216-1, Табарий, Тарих).

**Бану Шайбон билан бўлган музокаралар:**

Али ибн Абу Толиб шундай ривоят қилади: Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарини араб қабилаларига мурожаат қилишига буюргач, мен у киши билан бирга чиқдим... Сўнг бизни тинч ва жиддий ҳолатдаги бир мажлисга олиб борди. Абу Бакр уларга салом бериб, шундай деди: Кимсизлар? Улар: Шайбон ибн Саълаба деб жавоб беришди. Шунда Абу Бакр Росууллоҳ  ўгирилиб: Ота онам сизга фидо бўлсин, булар энг сара одамлар. Уларнинг

орасида тил ва чиройда одамлардан юқорироқ Мафруқ исмли киши бор. Унинг икки кокили тиззасига тушиб туради деди. Мафруқ ўшанда Абу Бакрга яқин жойда ўтирган эди. Абу Бакр уларга: Сонингиз қанча деди. Шунда Мафруқ: Биз мингтадан кўпмиз ва минг киши озчиликдан енгилмайди, деди. Абу Бакр кучингиз қанча деган эди, Мафруқ: Биз душманимиз билан учрашганимизда қаттиқ ғазабланиб, ўлгунча уришамиз. Болалардан кўра отни, эмлашдан (дори-дармондан) кўра қуролни яхши кўрамиз. Аллоҳнинг нусрати бир марта бизнинг фойдамизга бўлса, бошқа марта зиёнимизга бўлади, деди. Сўнг: Сизлар Қурайшлик эмасмисиз? – деб сўради. Шунда Росууллоҳ : Мен сизларни Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва унинг шериги ҳам йўқ эканига ҳамда мени Аллоҳнинг қули ва Росули эканимга гувоҳлик беришингизга чақираман. Шунингдек, менга бошпана ва ёрдам беришга даъват қиласман. Чунки Қурайш Аллоҳга қарши чиқиб, Росулини ёлғончига чиқарди, Ҳақ ўрнига ботилни танлади. Аллоҳ беҳожат ва мақтовли зотдир, дедилар. Шунда Мафруқ: Эй Қурайшлик биродар яна нимага чақирасан, Аллоҳга қасамки, мен бундан кўра чиройлироқ сўз эшитмаганман, деди.

Росууллоҳ  қуйидаги оятни ўқидилар:

**﴿فُلْ تَعَالَوْ أَتَلُ مَا حَرَمَ رَبُّكُمْ عَلَيْكُمْ لَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِأَنْوَلَدِيْنِ إِحْسَنًا وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِنْ إِمْلَاقِنَّ تَحْنُ نَرْزُقُكُمْ وَلَا تَقْرَبُوا الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنٌ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفَسَ الَّتِي حَرَمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِيقِ ذَلِكُمْ وَصَنْكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾**

«Айтиңг: «Келинглар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай. У зотга бирон нарсани шерик қилмангиз: ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камбағалликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз — Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантиурмиз — фаҳш ишларининг ошкорасига ҳам, маҳфийсига ҳам яқинлашмангиз; Аллоҳ (ўлдеришини) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз, магар ҳақ билан (яъни қасос олиш учун ё муртад бўлгани ёки зино қилгани учун шариат ҳукми билан ўлдеришингиз мумкин). Шояд ақл юргизарсиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди»

[Анъом 151]

Шунда Мафруқ: Аллоҳга қасамки, гўзал хулқ ва чиройли амалга чақирдинг. Сени ёлғончига чиқариб, сенга қарши чиқкан қавм тұхмат қилибди, деди. Сўнг масалани Ҳонеъ ибн Қубайсага ҳавола

қилиб, бу Ҳонеъ оқсоқолимиз ва динимиз етакчиси, деди. Шунда Ҳонеъ: Эй Қурайшлик биродар сўзингни эшиптим. Агар биз боши ҳам, охири ҳам йўқ бўлган бир ўтиришдаёқ динимизни тарк этиб, сенинг динингга эргашсак, бу тубан фикрлаш ва оқибат ҳақида ўйламасликдир. Одам шошилганда тойилади, биз оптимиздагиларга қарши иттифоқ тузишни ёмон кўрамиз ва қайта-қайта фикр юритамиз. Сўнг Масаний ибн Хорисани ҳам иштирок этишини хоҳлаб: Бу Масаний оқсоқолимиз ва ҳарбий етакчимиз, деди. Шунда Масаний – У кейинроқ Исломни қабул қилган – шундай деди: Эй Қурайшлик биродар сўзингни эшиптим, унинг жавоби Ҳонеъ ибн Қубайсанинг динимизни тарк этиб, сенинг динингга эргашиб ҳақидаги жавобидир. Чунки биз икки сув; Ямома ва Сумома оралиғига келиб жойлашганимиз, деди.

Шунда Росууллоҳ : Бу икки сув деганинг нимаси? – деб сўрадилар. Масаний: Кисронинг дарёлари ва арабларнинг сувлари. Аммо Кисро дарёларига келсак, бу ишга қўл урган кишининг гуноҳи кечирилмайди. Чунки биз бу ерга келиб ўрнашганимизда Кисро билан янгиликка қўл урмаслик ва бидъатчига бошпана бермаслик бўйича ваъда берганимиз. Эй Қурайшлик биродарим менинг фикримча сен айтиётган гап подшоҳларга ёқмайди. Агар арабларнинг сувлари томонни назарда тутаётган бўлсанг, биз сенга бошпана ва ёрдам берамиз, деди. Шунда Росууллоҳ : Чиройли рад этдингиз ва тўғрисини айтдингиз, лекин бу динга уни барча томонларини хавфсиз қила оладиган кишигина ёрдам бера олади. Агар Аллоҳ Таоло яқин кунларда сизларга уларнинг ерлари ва юртларини мерос қилиб, аёлларини сизнинг ихтиёргизга берса, Аллоҳни ширкдан поклаб, унга ибодат қиласизми? – дедилар. Шунда Нўймон ибн Шарик: Эй Аллоҳим, сен учун шундай қиламиз, деди. (Абу Нуайм, Далоил Набавва, 214).

Буларнинг барчасидан биз Росууллоҳ  даъват ва даъватчиларни ҳимоя қилиш ҳамда даъват одамлар орасида зарарсиз юришини таъминлаш учун нұсрат сўраганларини кўрамиз. Бу, шунингдек, бутун дунёда яхшилик ва ҳақиқат ҳукмрон бўлиши ва адолатга эришиб учун Ислом шариатини татбиқ этиш ва уни барча соҳаларга қўллаш ва ҳокимият жиловини олиш учун зарурий тартиб бўлганини ҳам кўрамиз. Бундан ташқари, Росууллоҳ  нинг ҳокимиятни қўлга киритишдаги тариқатлари

бўлганини биламиз. Агар дикқат билан қарасак, қуйидагиларни топамиз:

- Нұсрат сўраш Аллоҳ Таолонинг амри билан бўлган.
- Нұсрат сўраш Пайғамбаримиз ﷺ аёли Хадичани йўқотганларидан, шунингдек, Қурайшдан ва унинг озорларидан ҳимоя қилаётган амакиси Абу Толибни йўқотганларидан кейин бошланди. Чунки даъватни олиб чиқаётган киши озор туфайли фаол ҳаракат қила олмайди ва муносиб мұхит тайёрлай олмайди.
- Росууллоҳ 独一无 нұсратга тайёр бўлган ҳар қандай кучларнинг бирортасига ҳам мукофот тариқасида бошқарув ва ҳукмронлик беришдан бош тортдилар. Чунки исломий даъват Аллоҳга бўлган даъватdir. Бу даъватга ишонган ва нұсрат беришга тайёр бўлган киши учун асосий шарт Аллоҳ учун холис бўлишидир.

Шунга кўра, Ислом фарзандларидан бўлган азизларимиз, даъватчи ўзини шунга асослаши керакки, даъват йўли мashaққатларга тўла. У биздан саъй-ҳаракат, ихлос, матонат ва тиришқоқлик талаб қиласи. Чунки у Аллоҳ Таолонинг розилигидир, яна у охиратда кенглиги еру осмонларча бўлган жаннатdir. Бу дунёни тарқ этишдан олдин шошилинг. Чунки унда киши Эй Роббим мени қайтаргин, тарқ этган солиҳ амалларни қилиб олай, деб, орзу қиласи. Бизда ҳали вақт ва тиниқ ёруғлик бор, Аллоҳ тавфиқ эгасидир. Аллоҳ Таолодан бизни ваъда қилинганидек Исломий давлатни барпо этишга ҳисса қўшадиганлардан қилишини, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлати дунё узра ҳукмрон бўлишини сўраймиз. Шунда у адолатни рӯёбга чиқаради, Аллоҳнинг шариатини ёяди ва мазлумларга ёрдам беради. Аллоҳ бу давлат орқали Ислом ва мусулмонларни азиз қиласи. Саййидимиз Мұҳаммад, у кишининг оиласи ва саҳобаларига салот ва салавотлар бўлсин ва қиёмат кунигача баракот берсин. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>(Исроил)лик журналист: Ливан билан газ келишуви тайёр ва эълонни күтмоқда</b>		
<p>(Исроил)лик журналист, араб давлатлари масалалари бўйича эксперт Смадар Перри «Едиот Ахронот» газетасида чоп этилган ва (Араб 21) ахборот агентлиги томонидан таржима қилинган мақоласида америкалик яҳудий воситачи Амос Хоҳштейннинг Ливан билан (Исроил) ўртасидаги газ конларини тақсимлаш бўйича музокараларни давом эттираётгани ҳақида ёзди. У ўз мақоласида «Кареш» кони (Исроил)га, «Кана» кони эса Ливан ҳукуматига ўтишини, Хоҳштейн бу масалани атайлаб сояда ушлаб турганини (очиққа чиқармаётганини) таъкидлади. У яна қуидагиларни таъкидлади: нефть конларини фаоллаштириш бўйича «келишув» келаси йилнинг биринчи нояброда (Исроил) кнессетига бўлиб ўтадиган сайловга, шунингдек, Ливан президенти Мишел Ауннинг олти йиллик ваколати тугагунга қадар қолдирилган. Бу масаладаги қўшимча томон Ҳизбуллоҳ бўлиб, у нафақат барча тафсилотларни кузатиб боряпти, балки охирги кунларда Кариш операциясини амалга ошириши мумкинлиги билан таҳдид қилмоқда. Эрон Ҳизбуллоҳ ортида туриб, қурол ва пул ўтказишга ваъда берган. Бу ерда умумий масала мавжуд: (Исроил)да кейинги бош вазир ким бўлиши номаълум. Шундай қилиб, Ливандан президентлик лавозимига кимнинг кўпроқ овоз олиши ҳам савол остида. (Исроил) Ливан бош штаб бошлиғи Жозеф Аунни идеал номзод сифатида кўради. Маълумки, у (Исроил билан келишувга рози бўлади ва сиёсий жиҳатдан янада кўпроқ келишувларга бориши ҳам мумкин».</p>		
<p>Газета қуидаги саволларни ўртага ташлайди: «Биз кимга ишонамиз? Келишувни амалга оширишдан олдин Исроил учун ёмон сюрприз бўлиши тўғрисида таҳдид қилган Насруллоҳгами? Ёки ливанликларни огоҳлантирган, лекин Ҳизбуллоҳни назарда тутган Исроил хавфсизлик вазири Бенни Ганцгами? Ёки Садрга карталарни яқин тутадиган ва ўзини жуда оптимист деб эълон қилишдан манфаатдор Амос Хоҳштейнгами?».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Шу кунгача (Исроил)ни тан олиш турли хил, жирканчли кўринишларда бўлиб келди. Бу хабар Эрон Ҳизби (Ҳизбуллоҳ)нинг (Исроил)ни тан олиши қандай кўринишида</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
бўлишини кўрсатмоқда. Энди Ҳизбуллоҳнинг (Исройил) давлатчилигига қарши кураши чегаралар устидаги курашга айланади.		
<b>Ҳиндистонда «Болливуд»дан мусулмонларга қарши ташвиқот қуроли ўрнида қандай фойдаланилади?</b>		
<p>Американинг «Global Village Spice» веб-сайти Исломободдаги стратегик тадқиқотлар институти илмий ходими Маҳмуд Али томонидан тайёрланган ҳисботни чоп этди. Унда муаллиф Ҳиндистондаги диний экстремистлар ва ўта миллатчилар ҳақида гапириб, улар Ҳиндистондаги мусулмонлар ва бошқа озчиликларга нисбатан ўзларининг асоссиз ваҳшийликлари ва зўравонликларини оқлаш учун оммавий ахборот воситаларидан ташвиқот воситаси сифатида фойдаланаётганларни ҳақида ёzáди. Араб 21 томонидан таржима қилинган ҳисботда айтилишича, сохта янгиликларни яратиш, шакллантириш ва тарқатиш нуқтаси назаридан Ҳиндистон сохта телевизион фабрикага айланиб қолган. Шунингдек, ҳозирда бош вазир Нарендра Моди тарғиботнинг бир қисми сифатида оммавий ахборот воситалари ва кино индустриясидан мусулмон озчиликларни жирканчли ва бузук деб кўрсатиш учун фойдаланмоқда. Унда айтилишича, Болливудда бутунлай аксилмусулмон ҳамда насроний ривоятлар ва «тарихий воқеалар»га асосланган, томошабинларнинг миясини ювиш ва кўпчиликни озчилик қурбони эканлигига ишонтиришга қаратилган фильмларнинг узоқ рўйхати мавжуд. Бхаратия Жаната партияси ҳукумати, Ҳинд миллатчи мафкурачилари ва уларнинг диний экстремистик етакчилари фашистлар Германияси изидан боришмоқда. Уларнинг Болливуд фильмларида озчиликларни нишонга олиш йўналишининг кучайиши мамлакатда бўлинishi кучайтиради холос.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Ҳиндистон ўзининг мусулмонларга қарши ирқчилик сиёсатида (Исройил) ҳуқмдорлари билан ҳамкордир. Ҳиндистонда ўн миллионлаб мусулмонлар яшashi эътиборга олинса, бу шиддатли кампаниялар кенг тарқалган фитна лойиҳасидан бошқа нарса эмаслиги ва бу Исломга қарши глобал урушнинг бир қисми экани очиқ кўринади.</p> <p><b>Гаарец: Фаластиин маъмурияти хавфсизлик кучлари Иорданияда Америка назорати остида тайёргарликдан ўтган</b></p> <p>(Исройил)нинг Гаарец газетаси нашр қилган мақолада журналист Амос Харел Фаластиин маъмурияти хавфсизлик кучларининг яқинда Иордания пойтахти Аммонда Америка назорати остида</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>тайёргарлиқдан ўтганини маълум қилди. Газета маълумотига кўра, «Фаластин хавфсизлик кучлари менталитетининг ўзгариб бориши «Исройл» хавфсизлигига ташвиш туғдирмоқда. Чунки уларнинг Ғарбий соҳилдаги қаршилик кучлари жангарилари билан бир томонлама алоқада бўлиши «Исройл» билан мувофиқлаштириш ишларининг заифлашишига ҳисса қўшмоқда». Газета яна қўйидагиларни ҳам маълум қилди: «Яқинда (Исройл), Фаластин маъмурияти ва Қўшма Штатлар Фаластин хавфсизлик кучлари салоҳиятини ошириш бўйича кейинги қадамларни мухокама қилишди. (Исройл) Фаластин хавфсизлик кучларининг қуролли гуруҳларга қарши кучини ошириш учун унга қурол ва ўқ дориларни ўтказиш учун қулайликлар яратишни истисно қилмайди. Шунингдек, Ҳамас ва исломий жиҳоднинг қуролли қаршилик жангчилариға қарши курашга жўнатиш учун яхши тайёргарлиқдан ўтган ва яхши қуролланган махсус Фаластин кучларини ташкил қилиш ғояси ҳам таклиф қилинган». Мақолада Фаластин маъмурияти ва (Исройл) ўртасида хавфсизлик бўйича юқори даражадаги учрашувларнинг давом этиши ҳақида ҳам сўз боради. Газета ҳозирги вазиятни сарҳисоб қилар экан, (Исройл) форумлари Фаластин хавфсизлик хизматлари билан ишлаш бўйича ягона нуқтаи назарга эга эмаслигини айтади. Шунингдек, у билан мувофиқлаштиришни давом эттириш учун унга кўпроқ салоҳиятлар бериш ёки бунга эътибор бермаслик ҳамда Ғарбий соҳилда кенг қамровли хавфсизлик амалиётларини бошлаш ҳақида турлича фикрлар мавжудлигини эслатади.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу нафақат Фаластин, балки барча исломий юртлардаги режимларнинг аҳволи. Фаластин маъмуриятининг ошкора қилаётган хиёнатлари сон-саноқсиз бўлиб, яширин тарзда амалга ошираётгандарни бундан ҳам кўпроқдир... Одамларнинг шаъни ва ҳуқуқларига тажовуз қилгандарни учун жавоб берадиган кун келади.</p>		
<p><b>(Исройл)нинг Сисий борасидаги ташвиши... «Едиот»: «Кутиш лозим»</b></p>		
<p>Иброний тилда чиқадиган газета турли (Исройл) форумлари орасида Миср режими раҳбари Абдулфаттоҳ Сисийнинг Мисрни йирик инқизолар туфайли бошдан кечираётган аҳволидан ташвишланаётгани ҳақида ёзди. Ибронийча «Едиот Ахронот» газетаси исройллик журналист, араб ишлари бўйича эксперт Смадар Пере томонидан ёзилган таҳририй мақолада шундай деди: «Сисийнинг 2022 йил 9 июлдаги нутқи унинг саккиз йиллик</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>бошқаруви давридаги нутқларининг энг оғир, даҳшатли ва хунукларидан бири бўлди». У Нил дарёси мамлакатлари азият чекаётган кўплаб муаммоларни таъкидлаб, аччиқ воқелик ҳақида гапирди. Жумладан, Россия ва Украина томонидан буғдой етказиб беришнинг тўхташи, Миср жунайҳининг қадрсизланиши, туризм соҳасининг пасайиб кетиши ҳақида айтди... Газета Сисийни ҳимоя қилар экан, «Сисий ўнлаб миллион долларларни нотўғри жойларга сармоя сифатида ётқизган. У ёлғончи, ўз мансабидан фойдаланиб, стол остидан пул талаб қилишни билади. Шунингдек, уни ўз халқининг зиёнига тарқатади», деб даъво қилаётганлар борлигини таъкидлади. Газета яна «Мисрдек камбағал давлатга ечим топиш мушкул» деб таъкидлади.</p>		
<p>Газета: Истроил Миср (Сисий)га ёрдам бериш учун нима қила олади? – деб савол беради-да, «Фақат кутиш лозим, бундан бошқа ечим йўқ» деб жавоб беради. Унинг қўшимча қилишича, «Аҳолиси тахминан 107 миллион кишилик мамлакатга ёрдам бера олмаймиз... Биз энг юқори даражада ҳамдардлик билдира оламиз. Биз ҳужум қилмаслигимиз мақсадга мувофиқдир. Қоҳира Тель-Авив ўртасида сиёсий инқироз бўлган тақдирда ҳам, Истроил сабрли бўлиши ва ўзлари кўриб турган босимни тушуниши керак». Газета давом этар экан, «Суҳбатлашиш мумкин бўлган ёлғиз қўшни бу Сисий ва унинг ўнг қўли бўлган разведка вазири Аббос Камолдир». Унинг таъкидлашича, Сисий бугун Қатарга «Иқтисодий ёрдам сўраш учун келади ва Истроил Сисийнинг Форс кўрфазига сафари муваффақиятли якунланишига умид қилиши керак». Газета бунда Миср инқирозининг оқибатлари ҳақида огоҳлантириб, «Миср инқирози биз учун ҳам жуда ёмон сценарийдир» деди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Аллоҳ Таоло мусулмонларга энг душман қавм деб таърифлаган яхудийларнинг Сисийга гувоҳлик бериши ва қайғургандаридан келиб чиқиб, унга ёрдам бериши Аллоҳ ва Уммат наздида Сисийга қарши гувоҳлик беришидир.</p>		
<p style="text-align: center;"><b>Ўн йиллик узилишдан сўнг Ҳамас Сурия режими билан муносабатлари тикланганини эълон қилди</b></p>		
<p>Ҳамас Исломий қаршилик ҳаракати «Сурия режими билан кучли алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш»ни эълон қилди. Ҳаракат расмийларига кўра, бу эълон «Умматга ҳамда унинг муаммоларини, энг муҳими, Фаластин масаласини ҳал этишга хизмат қилиш учун Қардош Сурия билан алоқаларни тиклаш» доирасида бўлган. Ҳаракат баёнотида айтилишича, у «қардош Сурияга қарши сионистик</p>		

тажовузнинг давом этиши, бомбардимон қилиш, үлдириш ва вайрон қилиш ҳамда уни бузиш, бўлиб ташлаш, парчалаш ва унинг фаол тарихий ролидан узоқлаштиришга уринишларнинг кучайишини, айниқса, Фаластин масаласи даражасида эътибор билан кузатмоқда». Унинг қўшимча қилишича, «Сурия ўнлаб йиллар давомида бизнинг Фаластин халқи ва унинг қаршилик ҳаракатларини ўз бағрига олиб келди. Бу эса у дучор бўлаётган шафқатсиз тажовуз фонида у билан бирга бўлишни талаб қиласди».

«Биз араб давлатлари ва бутун Ислом Уммати билан, шунингдек, сионизмга қарши курашимизни қўллаб-қувватловчи барча томонлар билан муносабатларни ривожлантириб, мустаҳкамлашни истаймиз. Бу бизнинг ўзгармас стратегиямиздир. Фаластин халқини ҳамда унинг адолатли мақсадларини доимо қўллаб келган Сурия араб республикаси раҳбарияти ва халқига миннатдорчилик билдирамиз. Суриянинг араб ва Ислом халқларидаги роли ва мавқенини қайта тиклаб олишини ҳамда Сурия барқарорлиги, хавфсизлиги, фаровонлиги ва тараққиёти йўлидаги барча самимий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Сионистларнинг Сурияга қарши такrorий тажовузини кескин қоралаймиз. Сурия ерлари ва халқларининг бирлиги бўйича унинг қатъий позициясини тасдиқлаймиз ва биз ҳар қандай хурофотларни рад этамиз. Ислом Уммати манфаатларини рўёбга чиқариш, унинг муаммоларини ҳал этиш учун ички курашларга чек қўйиш, шунингдек, курашувчи томонларни диалог йўли билан муросага келтириш лозим. Умматимизни бўлиб парчалашни, бойликларимизни талон-торож қилишни мақсад қилган ғаразли сионистик хийлалар қаршисида миллийлик, араблик ва исломийлик жиҳатларидан битта сафда туришимиз керак», дейилади баёнотда. Ўтган июн ойида Анадолу ахборот агентлиги фаластинлик манбадан иқтибос келтирган ҳолда, Ҳамас ва Сурия режими ўн йиллик узоқлашувдан сўнг янги саҳифа очиш ва муносабатларни тиклашга ҳозирлик кўраётгани ҳақида хабар берган эди. Ҳамас раҳбарияти 2011 йил мартада Сурия қўзғолони бошланганидан тахминан бир йил ўтиб, 2012 йил февралида Дамашқни тарқ этишга қарор қилган.

**Ал-Ваъй:** Ҳамаснинг ушбу позицияси ортида Ҳизбуллоҳ, унинг ортида эса Эрон турибди. Буларнинг барчасини ортида эса Американинг Сурия жиноий режимини ўз атрофига қайта интеграция қилиш қарори бор. Бошқалар Ҳамаснинг бу бурилишини қоралашдан

олдин, бу бурилиш ўзини ўзи қоралайди. Негаки, баёнотда тилга олинган барча сўзлар Ҳамаснинг шу кунгача «хато» қилиб келганидан далолат беради.

### Путин: Исломий давлатлар глобал муаммоларни ҳал қилишда Россиянинг анъанавий ҳамкори

Россия президенти Владимир Путин Қозон жаҳон ёшлар саммити иштирокчиларини табриклаган телеграммада Ислом мамлакатларини Россиянинг глобал муаммоларни ҳал қилишдаги анъанавий ҳамкори деб таърифлади. «Ислом дунёси давлатлари глобал ва минтақавий кун тартибидаги кўплаб долзарб масалаларни ҳал этишда, янада адолатли ва демократик дунё тартибини барпо этишда бизнинг анъанавий ҳамкоримиздир», деди Путин Кремл сайтида эълон қилинган телеграммасида. «Ёшлар бундай кўп қиррали конструктив ҳамкорликда тобора кўпроқ иштирок этиши мухим», дея қўшимча қилди Путин. Сўнг «Қозонда турли жамоат ва талабалар ташкилотлари, илмий марказлар ва ёшлар сиёсатига масъул давлат органлари вакилларидан иборат ўнлаб мамлакатлардан юзлаб делегатлар келганини таъкидлади.

Путинга кўра, «Қозон шаҳрининг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ёшлар пойтахти сифатида танланиши Россиянинг ушбу ташкилот билан алоқалари юксак даражада эканлигини тасдиқлайди». У, шунингдек, 27-30 август кунлари «Қозон – Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ёшлар пойтахти – 2022» тадбирлари доирасида бўлиб ўтадиган саммит Россия ва исломий мамлакатлар халқлари ўртасида ўзаро англашув ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдириди. Шунингдек, иштирокчиларга муваффақият, фаровонлик ва ютуқ тилади.

**Ал-Ваъй:** Халқаро можаролардаги исломий жиҳатга бўлган бундай қизиқиш мусулмонларнинг таъсирчанлигини ва улардан ҳар бир томонга муваффақиятли фойдаланиш мумкинлигини очиб беради. Бу уларнинг заифлигини ҳамда айни шу заифлик сабабли бошқалар фақат ўз манфаати йўлида улардан фойдаланиш ҳақида фикрлайдиган бўлиб қолганини билдиради. Айни пайтда мусулмонлар қандай қилиб дунёга хўжайн бўлиш ҳақида ўйлашлари керак. Улар бунга муносибр оқидирлар, чунки уларнинг динлари ва тузумлари илоҳийдир. □

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَدْ گَانَ لَكُمْ عَائِيَةٌ فِي فِئَتَيْنِ الْتَّقَتَا فِعَةٌ تُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأُخْرَى گَافِرَةٌ يَرَوْنَهُمْ مُّشْلِيهِمْ رَأَى الْعَيْنَ وَاللَّهُ يُؤْيِدُ بَنَصَرِهِ مَن يَشَاءُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لِعْبَرَةً لَا وُلِيَ الْأَبْصَرُ﴾

**«Аллоҳ Таоло айтади:** (Эй яхудийлар), сизлар учун бури Аллоҳ йўлида жанг қилган, иккинчиси кофир бўлган икки гурӯҳ орасида ибратли ҳодиса бўлган эди. Улар ўз кўзлари билан икки баробар кўп эканини кўриб, турар эдилар. Аллоҳ эса ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди. Албаттa бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир»

[Оли Имрон 13]

**Мұхаммад Мутаваллий Шаъровий (роҳимаҳүллоҳ) тафсирида шундай келади:**

Хақ Таоло: **قدْ گَانَ لَكُمْ عَائِيَةٌ** *Сизлар учун ибратли воқеа бўлган эди*) дер экан, бу оят кимга қаратилди? Шубҳасиз бу оят мўмин бўладими ёки кофирми ўша воқеадан кейин яшаган ҳар бир кишига қаратилгандир. Чунки оят мўминни сабабсиз ҳам нусрат келишига ишонтиради, кофирга эса сабаб билан бўлса-да, Аллоҳ уни хор қилишига сабоқ беради. Аллоҳ Таоло ушбу воқеани ибрат қилди. Оят ўзи ажойиб нарса бўлиб, унинг воқеси ва натижалари инсоний нуқтаи назар асосида келмайди.

Ха, бу икки қарама-қарши гурӯҳга мансуб бўлган ҳар бир киши учун – хоҳ у иймон гурӯҳи бўлсин, хоҳ куфр гурӯҳи бўлсин – умумий хитобдир. Чунки иймон гурӯҳи шуни англаши лозимки, ҳақиқат ва ботил ўртасидаги курашда моддий сабаблар ҳамма нарса эмас, чунки Аллоҳнинг кўринмас аскарлари бор. Шунингдек, бу оят кофирларнинг «Бизда ғалабани кафолатлаш учун етарли сон ва тайёргарлик бор», деган гапларининг нотўғрилигини фош қилади. Чунки илгари ҳақ билан ботил ўртасидаги урушларда ғалаба – моддий сабаблар йўқлигига қарамай – ҳақ томонида бўлган.

«فِئَةٌ» гурӯҳ» сўзи, агар сиз уни эшитсангиз, ўзига хос хусусиятга эга бир гурӯҳ одамлар тасаввурингизга келади. Чунки ҳар бир гурӯҳнинг ҳаётда ҳаракати бор. Гурӯҳ сўзини эшитар эканмиз, уни

қандайдыр бир амал учун йиғилган жамоа эканың да болат қилаётганини күрамиз. Урушдан бошқа пайтда ҳар бир гурухнинг ўз амали бўлиб, у бошқасидан фарқ қиласди. Гурух сўзи мақсад учун ҳаракат қиласиган бир тўп одамларни англатади. Шубҳасиз, уруш бу жараённи янада аниқроқ тасвирлайди. Балки уруш ҳар бир гурухни битта мақсад ва битта амал учун битта ҳаракатга бирлаштиради. Чунки ҳар қандай гурухнинг ҳар бири ёлғиз ҳолда ўзини ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун ҳар бири жамоатга қайтади ва ўз гурухидан ажралиб турға олмайди. Лекин шахс ҳаётининг оддий ҳаракатларида ўз жамоатидан ажралиши мумкин.

Демак «۴۷۸۰۰ گان لَكُمْ مَا عَيَّتْ فِي فَئَنِينَ الْتَّقْتَانَ»  
 (Гурухнинг ҳар бири олмайдиги) сўзи бир амалиёт учун йиғилган одамлар жамоасини англатади. Бу сўз доим урушда ишлатилиб, бир лагернинг бошқасига қарама-қаршилигини тасвирлайди. Ҳақ Таоло

﴿قَدْ كَانَ لَكُمْ مَا عَيَّتْ فِي فَئَنِينَ الْتَّقْتَانَ﴾

*(Сизлар учун икки гурух орасидаги тўқнашувда ибратли ҳодиса бўлган эди)* деган қавлида икки гурух ўртасида кураш кетмоқда демоқда. Яна ҳақ Таоло икки гурух моҳиятини тушунириар экан,

﴿فِئَنَةٌ تُعَذَّلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأُخْرَى كَافِرَةٌ﴾

*(Бири Аллоҳ йўлида жанг қилган ва иккинчиси кофир бўлган гурух)*, дейди. Агар биз Қуръон нусусига чуқур назар ташласак, Ҳақ Таоло Аллоҳ йўлида жанг қилаётган гурухни мўмин гурух деб таърифламади. Лекин бошқа гурухни кофир деди. Бу Аллоҳ йўлида жанг қилаётган гурухни мўмин гурух бўлиши лозимлигини англатади. Шунингдек, Ҳақ Таоло кофир гурухни шайтон йўлида жанг қиласди демади, чунки унинг кофир бўлганлиги шайтон йўлида жанг қилишига олиб бориши аниқ. Ҳақ Таоло биринчи гурух тавсифидан иккинчи гурух тавсифида кўрсатилган нарсани чиқариб ташлади. Аллоҳ йўлида жанг қилувчи гурухнинг таърифини оятдаги қарама-қарши томондан, яъни бошқа гурухдан билиб оламиз. Чунки кофирнинг муқобилида мўмин турибди. Шунингдек, биринчи гурух Аллоҳ йўлида жанг қилаётган мўмин гурухлигини билиш орқали кофир гурух шайтон йўлида жанг қилишини билиб оламиз. Буни луғатда (ихтибок, яъни улаш) дейилади. Бунда гапни такрорламаслик учун биринчи гапдан иккинчи гапда тушуниладиган сифат, иккинчи гапдан биринчи

гапда тушуниладиган сифат тусириб қолдирилади. Бу Аллоҳ йўлида жанг қилиш билан иймон ўртасидаги уйғунликни ва шайтон билан куфр йўлида жанг қилиш ўртасидаги уйғунликни ойдинлаштириш учундир.

Демак, оят ўзининг ушбу маъноси билан бизга қуийдагиларни тушунтириб беради: Сизлар учун ибратли воқеа, яъни жуда ҳам ажойиб иш бўлган эди. Бу иш икки гуруҳдаги воқеий сабаблар мантиқига на тўғри келади ва на у билан бирга юради. Чунки мўмин гуруҳ жангда кофир гуруҳ билан учрашар экан, Аллоҳ йўлида жанг қилишни мақсад қилган мўмин гуруҳ шайтон йўлида жанг қилаётган кофир гуруҳ устидан ғалаба қилмоқда.

Шундан кейин Ҳақ Таоло: **يَرْوَتُهُمْ مَثْيَرُهُمْ رَأْيُ الْعَنَى** (*Улар уларнинг икки баробар кўп эканини ўз кўзлари билан кўриб турар эдилар*), дейди. Биз икки гуруҳ қаршисида турибмиз, Ким кўради? Ким кўринади? Кўраётган ким ва кўринаётган ким? Агар кўрувчилар мўминлар бўлса, кўринувчилар кофирлардир. Агар кўрувчилар кофирлар бўлса, кўринувчилар мўминлардир. Буни икки маънода кўриш мумкин: Агар кофирлар мўминларни кўраётган бўлса, демак уларни ўзларидан икки баробар кўп кўрмоқда. Кофирларнинг адади мингта эди. Демак, улар мўминларни икки мингта эканини кўришмоқда. Бу ерда маъно мўминлар кофирларни ўзларидан икки баробар кўп кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу ерда маъно кофирлар мўминларнинг ададини икки баробар кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Мўминларнинг адади уч юз ўн тўртга яқин бўлгани учун унинг икки баробари олти юз йигирма саккизта бўлади.

Агар (**مَثْيَرُهُمْ икки баробар**) деган маънени мўминлар сонига кўра олсак, кофирлар уларни олти юз йигирма саккизта атрофида кўраётган бўлади. Агар (**رَأْيُ الْعَنَى икки баробар**) деган маънени кофирлар сонига кўра олсак кофирлар мўминларни икки мингта атрофида кўраётган бўлади. Бундан мақсад нима? Бунинг жавоби шуки, Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло куфр ва иймон ўртасидаги қарама-қаршилик ҳамда иймоннинг куфр устидан ғалаба қозониши ҳақида гапирмоқда. Құръон борасида лойқалатишини хоҳлайдиган айрим кимсалар Аллоҳ Таоло бошқа ўринда:

﴿إِذْ يُرِيكُمُ اللَّهُ فِي مَنَامِكُمْ قَلِيلًا وَلَوْ أَرَكُمُوهُمْ كَثِيرًا لَقَسْلَثُمْ وَلَتَنْزَعُمُ فِي الْأَمْرِ  
وَلَكِنَّ اللَّهَ سَلَّمَ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الْصُّدُورِ ﴿وَإِذْ يُرِيكُمُوهُمْ إِذْ الْتَّقْيِيمُ فِي أَعْيُنِكُمْ  
قَلِيلًا وَيُقْلِلُكُمْ فِي أَعْيُنِهِمْ لِيَقْضِي اللَّهُ أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ﴾

«(Эй Мұхаммад) сизга түшиңгиздә Аллоҳ уларни оз күрсатғанини эсланг. Агар сизга уларни күп күрсатғанда эди, албатта сизлар сустлашиб қолган ва бу иш (яғни кофирларга қарши жаңгга чиқыш) хусусида тортишиб қолган бўлур эдингизлар. Лекин Аллоҳ сизларни бундан сақлади. Албатта у дилларни эгаллаб олган сирларни билгувчиидир. (Эй мўминлар) Аллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун тўқнашган пайтингиздә сизларнинг кўзингизга уларни кам қилиб күрсатғанини уларнинг кўзларига эса сизларни оз қилиб қўйганини эслангиз! Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур»

[Анфол 43-44]

деяётган бўлса-ю, нега бу ерда

﴿بِرَوْنَهُمْ مَثْلَيْهِمْ رَأَى الْعَيْنِ﴾

**(Улар уларнинг икки баробар кўп эканини ўз кўзлари билан кўриб турадар)** демоқда деб сўрашади.

Бу оятлар хоҳ мўминлар бўлсин хоҳ кофирлар бўлсин кўп сонни исботлайди. Кейинги оят эса оз сонни исботламоқда. Қуръондан шубҳаланаётганлар айтишади: Қандай қилиб Қуръон икки хил иш устида битта воқеани келтиради? Биз уларга айтамиз: Сизларнинг онгингиз паст экан. Чунки бу ерда жаңгга кириш олдидан шижоат бериш билан жаңг пайтида жангчига ҳукмрон бўладиган амалий ва маънавий руҳ ўртасида фарқ мавжуд. Ҳақ Таоло икки ҳолат ҳақида гапирияпти: Ҳақ Таоло мўминларни кўзига кофирларни ва кофирларни кўзига мўминларни оз қилиб кўрсатди. Чунки мўминлар кофирларни оз деб кўрганда нусратни рўёбга чиқариш учун журъат ва иймон қувватлари ошади. Кофирлар мўминларнинг озлигини кўрганда эса жаңгда мафтун бўлиб, бепарволик қиласидилар. Лекин жаңг авжига чиққач нима рўй беради? Дарҳақиқат, барчаси жаңгга ўзига қарши томонни оз деган орзу билан киришган эди. Шундай экан, уларнинг асабларида нима рўй беради? Албатта мўмин кофирга қарши курашиши учун қаттиқ тайёргарлик билан жаңгга киради. Кофир эса руҳан тушиб кетади. Чунки сонлар миқдори у кутгандек чиқмайди.

Шүнинг учун Аллоҳ Таоло:

﴿وَإِذْ يُرِيكُمُوهُمْ إِذْ أَتَتَقْيَّتُمْ فِي أَعْيُنِكُمْ قَلِيلًا وَيُقْلِلُكُمْ فِي أَعْيُنِهِمْ لِيَقْضِيَ اللَّهُ أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ﴾

«Эй мұмінлар, Аллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун түқнашған пайтингизда сизларнинг кўзингизга уларни кам қилиб кўрсатганини, уларнинг кўзларига эса сизларни оз қилиб қўйганини эслангиз! Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур» [Анфол 44] Аллоҳ бунда жангдан олдинги ҳолатни тасвирламоқда. Чунки Аллоҳ тарафлар бир-биридан қўрқиб, жанг бошланмай қолишни хоҳламайди. Лекин жанг бошлангач, Ҳақ таоло барча ишларни тескарисига айлантириб юборади. Чунки бу нарсаларни остин-устун қилиб юборади. Нарсаларни остин-устун қилиб юбориш эса ҳис туйғуларни бошқарадиган юксак қодир зот борлигини билдиради. Олий қудрат ҳис туйғуларда хоҳлаганини қиласди. Ҳақ Таоло бошида жангдан қўрқмасликлари учун сонни оз қилиб кўрсатган бўлса, жанг пайтида уларни бир-бирининг кўзига қўп қилиб кўрсатди. Шунда ҳар бир гуруҳ қаршисидаги тарафни қўп деб кўрадида, мўминларнинг қалбида иймон шижаоти портлаб, ғайрат билан жангга киради. Кофиirlар эса сон миқдорининг ўзлари кутгандан кўра кўпроқлигини кўриб руҳи тушади.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قَدْ كَانَ لَكُمْ عَايَةٌ فِي فِتْنَتِنَا أَتَتَقْتَلُ فِئَةً تُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَآخَرَى كَافِرَةً يَرُونَهُمْ مِثْلَهِمْ رَأَى الْعَيْنَ وَاللَّهُ يُؤْيِدُ بِنَصْرِهِ مَنْ يَشَاءُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لَا وَلِيَ الْأَبْصَرُ﴾

«Эй яхудийлар), сизлар учун бири Аллоҳ йўлида жанг қилган, иккинчиси кофир бўлган икки гуруҳ орасидаги түқнашувда ибратли ҳодиса бўлган эди. Улар (мусулмонлар) ўз кўзлари билан (кофиirlарнинг) икки баробар қўп эканини кўриб турар эдилар. Аллоҳ эса Ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди. Албатта бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир» [Оли Имрон 13]

Ушбу оят ҳар бир мўмин учун нусрат ҳақидаги хушхабардир. Айни пайтда у ҳар бир кофир учун агар у мўмин гуруҳга қарши урушга кирса, унга мағлубият бўлиши ҳақидаги огоҳлантирувдир. Шундай экан, ишларни моддий сабаб билан ўлчаманг. Чунки моддий сабаблар фақат инсон имкониятларига қараб талаб қилинади. Моддий сабабларни имкон борича бажаринг ва ҳар бир

нарсанинг натижасини тақдирга топшириңг. Шүндай экан, мұмін гурух күп сон олдида рұхы тушмасин, коғир гурух эса ўзларининг күпсонлилиги билан ғурурланмасин. Чунки сизлардан олдинги ҳодисалар оз сонли мұмінлар күп сонли коғирлардан ғолиб бўлганини тасдиқлади.

Оятнинг иккинчи маъноси албатта коғирлар мұмінларни коғирларнинг сонидан икки баробар күп құрадилар маъносида бўлса. Учинчи маъноси коғирлар оз сонли мұмінларни икки баробар күп құрадилар маъносидадир. Тўртинчи маъно эса мусулмонлар коғирларни мұмінларнинг сонидан икки баробар күп экани, яъни олти юздан күпроқ эканини құрадилар маъносида бўлади. Шунда коғирларнинг сони мұмінларнинг кўзида коғирларнинг ҳақиқий сонидан кам бўлиб кўринади. Шундай экан, яъни олти юздан күпроқ эканини құрадилар маъносида бўлади. Шунда коғирларнинг сони мұмінларнинг кўзида коғирларнинг ҳақиқий сонидан кам бўлиб кўринади. Шундай экан, (икки баробар) деб ҳикоя қилишдан мақсад нима? Бунинг жавоби шуки, Аллоҳ Таоло:

**﴿يَأَيُّهَا النَّبِيُّ حَرِّضُ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى الْفِتَنِ إِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ عَشْرُونَ صَدِرُونَ يَعْلَمُوا﴾**

**﴿مِائَتَيْنِ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةً يَعْلَمُوا أَلْفًا مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَفْقَهُونَ﴾**

«Эй пайғамбар мұмінларни жангга чорланг агар сизлардан йигирмата сабр тоқатли киши бўлса, икки юзта (душманни) енгар. Бунга сабаб, уларнинг онгсиз қавм эканлигидир» [Анфол 65] деб хитоб қиласа экан, мұмінларга нусрат беришини ваъда қилган эди. Бу ердаги нисбат шундан иборатки, битта мұмін ўнта коғирга қарши чиқиб, улар устидан ғолиб бўлишидир ва бу Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Таоло енгиллаштиришни хоҳлаганида эса:

**﴿إِنَّ حَقَّ اللَّهُ عَنْكُمْ وَعِلَمَ أَنَّ فِيهِمْ ضَعْفًا فَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ مِائَةً صَابِرَةً يَعْلَمُوا﴾**

**﴿مِائَتَيْنِ وَإِنْ يَكُنْ مِنْكُمْ أَلْفٌ يَعْلَمُوا أَلْفَيْنِ بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾**

«Энди Аллоҳ сизларнинг (юкингизни) енгил қилди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас сизлардан юзта сабр тоқатли киши бўлса, икки юзта (коғирни) енгар. Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир» [Анфол 66]

деди. Дарҳақиқат, Аллоҳ нисбатни енгиллатди, шунинг учун битта мұмін иккита коғирни енгади. Кўриниб турибдики, мұмінларга Аллоҳ томонидан икки баробар оз бўлсаларда енгиши ҳақида ваъда берилди.

Аллоҳ Таоло биз ўрганаётган ҳамда мұмінларга хушхабар бераётган ва коғирларни огоҳлантираётган оятда

﴿وَاللَّهُ يُوَيْدِعُ بِنَصْرِهِ مَن يَشَاءُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لَا وَلِيَ الْأَبْصَرُ﴾

**«Аллоҳ эса Ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан құллаб-қувватлайди. Албатта бу воқеада фикр әгалари учун ибрат бордир»** [Оли Имрон 13]

дейди. Биз Құръон оятларыда (ибрат) калимасини күп әшитамиз. Бу сүз арабчада бир жойдан иккінчи жойга күчишни англатади. Биз ҳәётимизда күчада пиёдалар ўтиши учун хос жойларни белгилаймиз. Бошқача айтганда, пиёдалар бир томондан шу күчанинг бошқа томонига ўтиши учун махсус жой тайин қиласыз. Денгизда ҳам унинг бир қирғофидан бошқасига ўтадиган ўтиш жойи бүләди. Демак, (ўтиш) моддаси бир жойдан бошқасига ўтишга далолат қиласы. Масалан, күз ёши күздеги жойидан ёноққа тушади ёки сиз айтаётган (ибора) оғиздан қулоққа күчади. Бу ҳам ўтиш ҳисобланади. Ёки инсондан узоқроқдан таралаётган шириң ҳид бурунга ўтади. Демак, (ўтиш) моддаси күчишга далолат қиласы. Ҳақ Таоло

﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً﴾

(*Бунда ибрат бордир*), дер экан, эй мұмынлар ибрат сизлар құрқаётгап ишдан сизларни күчиради. Сизлар оз ва кофирлар күп әди, эй мұмынлар у сизларни Аллоҳнинг нұсратига күчиради. Эй кофирлар сизларнинг тайёргарлигингиз ва сонингиз күп бүлса-да сизларни мағлубиятга күчиради. Демак, ибрат сизни бир нарсадан бошқа нарсага күчирадиган ҳодисадир. Худди бир күн золимни күриб, бу бизга ибрат бүлди деганимиздек. Яғни бизни зулмда күришдан хорликда күришга күчирди. Демак, ибрат ақлни ҳайратта соладиган ҳамда бир ҳукмдан бошқасига күчирувчи панд насиҳатдир. Оятни шу маънода илова қилиш түлиқ тушунтириш ва комил баён қилишдир. Ҳақ Таоло оятнинг бошида:

﴿قَدْ كَانَ لَكُمْ عَيْنٌ فِي فِئَتَيْنِ الْمُتَقَتَّلَاتِ﴾

(*Сизлар учун иккі гурұқ орасидаги түқнашувда ибратлы ҳодиса бор*) деса, оят якунида

﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لَا وَلِيَ الْأَبْصَرُ﴾

(*Албатта бу воқеада фикр әгалари учун ибрат бордир*) дейди.

Демак, ибрат бизни бир ишдан бошқасига күчирадиган нарсадир. Агар инсон фақат ўзига таянса, сабабларнинг озлигидан тушкунликка тушиши мүмкін. Лекин мұмин ўзини нағс

бошқарувига қүйиб бермайды. Чунки агар Аллоҳ Таоло коғирларни мұмнинларға қарши кураш ва урушсиз азоблашни хоҳласа, бусиз ҳам азоблаган бўлар эди. Лекин Аллоҳ Таоло коғирларни мұмнинлар қўли билан азоблашни хоҳлайди.

**﴿قَاتِلُوهُمْ يُعَذِّبُهُمُ اللَّهُ بِأَيْدِيهِمْ وَبُخْزِهِمْ وَيَنْصُرُكُمْ عَلَيْهِمْ وَيَشْفِ صُدُورَ قَوْمٍ مُّؤْمِنِينَ﴾**

**«Улар билан жанг қилинглар, (шунда) Аллоҳ уларни сизларнинг қўлингиз билан азоблайди, расво қиласи ва сизларни уларнинг устига ғолиб қиласи ҳамда мўмин қавм дилларини қондиради»**

[Тавба 14]

Агар Аллоҳ Таоло коғирларни мұмнинлардан бошқалар билан азоблашни хоҳласа, зилзила каби бир ҳодиса рўй беради-да, уларни вайрон қиласи. Лекин Аллоҳ Таоло коғирларни мұмнинлар қўли билан азоблашни хоҳлайди.

**﴿وَاللَّهُ يُؤَيِّدُ بِنَصْرِهِ مَن يَشَاءُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعْبَةً لَا يُلِيقُ الْأَبْصَرَ﴾**

**«Аллоҳ эса ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди. Албатта бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир»**

[Оли Имрон 13]

Бу ерда (айд) куч маъносиладир. Демак, Аллоҳ сиздан амални бошлиниңизни хоҳлайди, сўнг уни нусрат билан мукаммал қиласи. (аид) қўллаб-қувватлади деган. Аллоҳ Таоло ўзи хоҳлаган кишини нусрати билан қўллаб-қувватлайди. Бу фикр эгалари учун ибрат бўлади.

Кимdir айтиш мумкин: Фикр эгалари учун ибрат борми ёки ақл эгалари учунми? Биз бу ерда фикр эгалари учун ибрат бор, деймиз. Чунки оят маҳсус иш ҳақида гапирияпти. Кимни икки кўзи бўлса, у иккиси билан назар юритиши лозим. Тафаккур ва тадаббур қилиш ҳар кимга ҳам берилмаган, лекин кўз кўпчиликда мавжуд. Уларнинг ҳар бири кўзларини очиб, бу воқеани кўришлари мумкин. Агар бўлиб ўтган жангга назар ташласак, оятдаги гапнинг тўғри эканига тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз. Мўминлар озчилик, сони чекланган ва қурол-яроғлари кам эди. Улар уруш қасдида эмас, балки улар Маккада мушриклар мол-мулкидан тортиб олган нарсаларни ўрнини қоплаш учун озиқовқат ва кийим-кечак юкланган карвонни қўлга олиш ниятида чиқдилар. Агар улар фақат карвонни қўлга киритишгандা эди, ғалаба унчалик катта бўлмас эди. Чунки карвон одатда улкан қурол-яроғ билан юрмайди, балки уни оз сонли соқчилар

қүриқлайды. Лекин Аллоҳ Таоло уларға шавкатлилар үстидан, яғни қуролли гүрух үстидан ёрдам беришни хоҳлади. Дархақиқат, Аллоҳ Таоло икки тоифадан (яғни карвон ва қүшиндан) бирини ўлжа қилишни ваъда қилған эди.

﴿وَإِذْ يَعْدُكُمُ اللَّهُ إِحْدَى الظَّالِمَيْنِ أَنَّهَا لَكُمْ وَتَوَدُونَ أَنَّ عَيْرَ ذَاتِ الشُّوَكَةِ تَكُونُ لَكُمْ وَرِبُّكُمُ اللَّهُ أَنْ يُحِقَّ الْحَقَّ بِكَلِمَتِهِ وَيَقْطَعَ دَابِرَ الْكُفَّارِينَ﴾

**«Ўшанды (эй мұмінлар), Аллоҳ икки тоифадан (яғни, карвон ва қүшиндан) бирини сизлар учун (ўлжа) қилишга ваъда берган эди. Сизлар қурол-яроғсиз тоифа (яғни, карвон) ўзингиз учун бўлишини истаган эдингиз. Аллоҳ эса Ўз сўзлари билан ҳақиқатни муқаррар әтишини ва кофирларнинг думини қирқишини иродда қилған эди»**

[Анфол 7]

Аллоҳ мұмінларга икки тоифадан бирини ўлжа қилишга ваъда берди. Инсоннинг умиди шавкатта эга бўлмаган, қуролсиз тоифа яғни карвонни хоҳлади. Лекин бу ўлжа қуролли тоифа үстидан бўлган ўлжага ўхшамайди. Бунда улар: Мұҳаммад ва унинг одамлари на қурол ва на аскарлари бўлган савдогарлар гүруҳига қарши чиқиши деб айтган бўлар эдилар. Лекин Аллоҳ Таоло бу жангни ҳақ билан ботил орасини ажратувчи жанг бўлишини хоҳлади.

Эй мұмінлар сизлар карвонни эгаллаш мақсадида чиқдингиз, сизларда жанг қилиш учун тайёргарлик йўқ эди. Аммо кофирлар кўп сонли, яғни барча кучи билан келишган ва Макка ушбу жангга энг қимматбаҳо нарсаларини ташлаган эди. Мана шундай ҳолатда Аллоҳ томонидан мұмінга нусрат келиши ҳақиқий нусратдир. Бу яна Аллоҳнинг бошқаларга ибрат бўладиган ажойиб аломат ҳужжатларидандир. Шунинг учун биз бу жангда, яғни Бадр жангидаги кўп ажойиботларни кўрамиз. Шундай ажойиботларки, сиз икки ака-уканинг ҳар бирининг алоҳида позицияси ва қарама-қаршилиги борлигини кўрасиз. Ўртадаги алоқа қанчалик яқин бўлишига қарамай, икки хил гүруҳда бири-бирига қарама-қарши турган икки ака-укани, ота ва ўғилни кўрасиз. Масалан, Абу Бакр ﷺнинг ўғли (у ўшанды Исломга кирмаган эди) кофирлар томонда, отаси Абу Бакр ﷺ эса Росулуллоҳ ﷺ билан бирга эди. Абу Бакрнинг ўғли Исломни қабул қилғач, ўз отасига мамнунлик ва меҳрибонлик билан: Агар Бадр кунида менга кўринганингизда сиздан юз ўғирган бўлар эдим, деди. Шунда Абу Бакр ҳақиқий

иймон билан рад этиб: Агар сен менга күринганингда мен сени ўлдирған бўлар эдим, деди. Иккала позиция ҳам мантиқийдир. Нима учун? Абу Бакрнинг ўғли отасига йўлиқар ва отасининг юзини кўрар экан, Абу Бакрни нимага таққослайди? Жавоб шуки, албатта у отасини ботилга таққослайди ва ўзини ботил эканини яхши билади. Шунинг учун боласи отасини афзал деб билади ва отасини муҳофаза қилиб, унга тегмайди. Лекин Абу Бакр Сиддиқ таққослаган пайтда Аллоҳга бўлган иймонни ўғлига таққослайди. Аниқки, Абу Бакр иймонни устун деб билади ва Бадрда уни кўриб қолса, ўлдиради.

Қурайшлик уруш жиноятчиларидан мўминлар қўлида ўлдирилганларда Аллоҳнинг ҳикмати бор. Шунингдек кофиirlар орасида ўлдирилмасдан қолганларда ҳам Аллоҳнинг ҳикмати бор. Чунки улар яхши имтиҳонга дучор бўлишадиган катта иймоний масала учун сақланмоқдалар. Агар Холид ибн Валид ўзи кофиirlар томонида бўлган қайсиdir бир воқеада ўлиб кетганида бу биз мусулмонларга қайғу бўлар эди. Шунинг учун Аллоҳ уни ўзининг кескир қиличи (Сайфуллоҳ) бўладиган урушга сақлади. Агар Икрима ўлганида Ислом Уммати моҳир жангчисини йўқотган бўлар эди. Дарҳақиқат, мусулмонлар анави отлиқларни ўлдирмаганлари учун хафа бўлишган эди. Чунки улар Аллоҳнинг ўша отлиқларни сақлаб қолишидаги ҳикматни ва бироз вақт ўтиб уларнинг иймон сафига киришини билмаган эдилар. Аллоҳ Таоло Бадр ғазотида ўз қавмининг динида бўлган баъзи жангчиларни ўлдириш учун мусулмонларга имконият бермади. Чунки Аллоҳ Таоло уларни келажакда бўладиган ва ўзлари унда мўминлар сафида уришадиган иймоний мавқега сақлаб қолди, бу эса янги нусрат эди.

Мана Абу Азизга қаранг, у Росууллоҳ  Аллоҳнинг динини тарғиб қилиш, Мадина аҳлига таълим бериш учун юборган Саҳоба Мусъаб ибн Умайрнинг укасидир. Мусъаб ибн Умайр онаси бой ва ўзи фаровонликда яшаган қурайшлик йигит эди. Росууллоҳ  ипакдан кийим кийиб юрган бу йигитни қўйнинг терисидан кийим кийиб юрганини кўргач шундай деган эдилар: «**Иймон дўстингизга нима қилганини кўринг**». Мусъаб ибн Умайр жангда укаси билан учрашиб қолди (ўшанда Абу Азиз кофир эди). Мусъаб  Росууллоҳ  билан бирга турар экан укаси Абу Азиз Абу Ясар исмли сахобага асир тушганини кўриб қолди. Шунда Мусъаб: Эй Абу Ясар асирингга қаттиқ тур. Чунки унинг онаси бой ва бадавлат

аёлдир. У асиринг эвазига катта бойлик беради, деди. Абу Азиз үнга: Уканг ҳақидаги маслағатинг шуми деган әди, Мусъаб: Абу Ясарға ишора қилган ҳолда сенинг олдингдаги киши менинг укамдир, деди.

Бу оз сонли гурухни құфр аҳли устидан ғолиб қилған иймөний руҳдир. Бу үлкан иймөний күч бўлиб, ақа-укалик ва ота-болалик түйғуларидан ғолибдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло Бадр жангини мўминларнинг сони ва тайёргарлиги оз бўлса ҳам мағлубиятга учрамаслиги ҳамда кофирларнинг сони ва тайёргарлиги кўп бўлса ҳам ғурурланмаслиги учун ибрат қилди. Ҳа, Аллоҳ уни иймөний садоқатга ибрат қилди. Шунинг учун айтилган: Ўлимга шошил, сенга ҳаёт берилади. Мўминларнинг қалби иймөний масала билан тўлган бўлиб, у қалбларга чуқур ўрнашган әди. Кофирлар мўминларни нима учун кутишарди? Улар мўминларни ё шаҳид бўлиши ё ғалаба қилишини кутишар әди. Аллоҳ Таоло бу ҳақида мўминлар тилида шундай деди:

﴿قُلْ هَلْ تَرَبَّصُونَ بِنَا إِلَّا إِحْدَى الْحُسْنَيَنِ وَنَحْنُ نَتَرَبَّصُ بِكُمْ أَنْ يُصِيبَكُمُ اللَّهُ بِعَذَابٍ مِّنْ عِنْدِهِ أَوْ بِأَيْدِينَا فَتَرَبَّصُوا إِنَّا مَعَكُمْ مُّتَرَبَّصُونَ﴾

«(Эй Мұхаммад), айтинг: «Сизлар биз учун фақат икки яхшилик (яғни, ё шаҳид бўлишимиз ёки ғалаба қилишимиз)дан бирини кутмоқдасиз. Биз эса сизлар учун Аллоҳ сизларга йўз даргоҳидан ёки бизнинг қўнимиз билан бир азоб етказишини кутмоқдамиз. Бас, сизлар ҳам кутаверинглар, биз ҳам сизлар билан бирга кутгувчимиз»» [Тавба 52]

Бу ерда икки ишнинг ҳар бири зафардир. Ё кофирларга қарши нусрат, ё Аллоҳ йўлида шаҳидлик ва жаннатда шаҳидлик мақомига эришиш. Ҳар иккиси ҳам яхшилик. Мўминлар эса, кофирларни кутишар әди, ё Аллоҳ уларни азоблайди, ёки мўминларнинг қўли билан азоблайди. У юксак ва аниқ иймөний мувозанатдир. □

﴿إِنَّ الشَّيْطَنَ لَكُمْ عَدُوٌ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا﴾

### **«Аниқки шайтон сизларга душмандир. Бас уни душман тутинглар!»**

Ҳар бир мусулмон ўзи билан бирга ҳамроҳ бўлиб юрадиган шайтоннинг борлигини билиши ва унга ишониши вожиб. Шайтон ва унинг шериклари (жинлар) бизни кўришади. Биз эса, уларни кўра олмаймиз. У ҳаётимизнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб, сўнгги нафасимиззача бизга ҳамроҳ бўлади. Шайтоннинг ягона ташвиши, инсонни йўлдан оздириш, күфр ва маъсиятга чорлашдир. У васваса қилиш, гуноҳ ишларни чиройли қилиб кўрсатиш орқали инсоннинг ақли ва бошқа тана аъзолари устидан ҳукмронлик қилишга интилади... Инсон уни фақат иймон, Аллоҳга итоат, Унга доим таваккал қилиш, тавба қилиш, истиғфор сўраш орқали ҳамда ҳар бир диний ва дунёвий ишларда унга бўйсунмаслик билан енгиши мумкин. Фақат шайтондан сақланиш ва унга душманлик қилиш билангина Аллоҳга холис ибодат қилинади... Ҳа, мусулмон онги ва қалбида сақлаши керак бўлган биринчи нарса шуки, шайтон унинг биринчи рақамли душмани бўлиб, унинг ягона вазифаси уни йўлдан оздириш, уни умидвор қилиш ва жаҳаннамга қулатишдир. Бу адоватнинг сабаби шуки, Аллоҳ Таоло Одамни яратар экан, уни Одамга сажда қилишга буюрди. Лекин у кибр қилиб, ўзини Одамдан яхшироқ деб ҳисоблаб, сажда қилишни рад этди. Шунда Аллоҳ Таоло уни хорлаб, жаннатдан қувиб чиқарди, унга ва унинг эргашувчиларига абадий жаҳаннамни ваъда қилди... Одам боласининг сўнгги нафасига қадар, шайтон унга қарши курашини тўхтатмайди. Шундай экан, ким шайтон гуруҳида бўлса, баҳтсиз, кимни Аллоҳ шайтондан узоқ қиласа баҳтлидир... Бу нафақат мусулмон ва шайтон ўртасидаги кураш, балки у Аллоҳнинг

хизби билан шайтоннинг ҳизби ўртасидаги курашдир. Демак, шайтон ундан сақланиш лозим бўлган душмандир.

Шайтонга қарши туриш учун унинг инсонни васваса қилиш йўлларини англаш ва билиш керак... Шайтон инсонга ботилни чиройли қилиб кўрсатиб, унга чақиради. Шунингдек, унинг жоҳилий иштиёқини қўзғатиб, уни ҳаромга ундаиди... Шайтон одам боласининг кўнглига ёмон ишларни солиш орқали васваса қиласди. Унинг васвасасига йўл очувчи шартшароитлар кўп. Лекин шайтон инсон устидан ҳукмрон бўлишига имкон берадиган моддий кучга эга эмас ва уни бирор ишга мажбурлай олмайди.

﴿وَقَالَ الشَّيْطَنُ لَهَا قُضِيَ الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعْدَ الْحَقِّ وَوَعَدْتُكُمْ فَأَخْلَقْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُومُونِي وَلَوْمُوا أَنفُسَكُمْ مَا أَنَا بِمُصْرِخِكُمْ وَمَا أَنْتُمْ بِمُصْرِخِي إِنِّي كَفَرْتُ بِمَا أَشْرَكُمُونِ مِنْ قَبْلِ إِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«Қачонки, иш тугагач (яъни, жаннат яхли жаннатга сазовор бўлиб, дўзахилар дўзахга ҳукм қилингач), шайтон деди: «Албатта, Аллоҳ сизларга хақ ваъда қилган эди. Мен эса (ёлғон) ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) чақиришим биланоқ ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам бергувчи эмассиз. Албатта, мен сизлар илгари (Аллоҳга) мени шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, золимлар (яъни кофирлар) учун аламли азоб бордир» [Иброҳим 22] Қуртубий ушбу оятни тафсир қиласди экан, шундай дейди: «Мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ, дегани бирор ҳужжат йўқ маъносидадир. Бошқача айтганда, мен сизларга ваъда бериб уни дунёда чиройли қилиб кўрсатганимда сизларга ҳеч қандай ҳужжат-далил келтирмадим. Мен сизларни даъват қилдим, сизлар эса

ижобат қилдингиз, яъни сизни васваса қилган эдим, сизлар менга эргашдингиз. Мен сизларни ўзим чақирган нарсага мажбур қилмадим, фақат чақирдим холос. Яъни сизларни васваса билан чақирдим, сиз эса менга ихтиёриңгиз билан ижобат қилдингиз. Энди мени маломат қилманг, ўзингизни маломат қилинг. Менинг сизларнинг устингизда, яъни қалбингиз ва иймонингизда ҳеч қандай ҳукмронлигим йўқ эди. Лекин сизларни даъват қилдим ва сизлар менга ижобат қилдингиз».

— Имом Аҳмад Насойи ӯз саҳиҳида ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ الشَّيْطَانَ قَعَدَ لِابْنِ آدَمَ بِأَطْرِقَهِ، فَقَعَدَ لَهُ بِطَرِيقِ الْإِسْلَامِ، فَقَالَ: تُسْلِمُ وَتَنْزَهُ دِينَكَ وَدِينَ آبَائِكَ وَآبَاءِ أَبِيكَ، فَعَصَاهُ فَأَسْلَمَ، ثُمَّ قَعَدَ لَهُ بِطَرِيقِ الْهِجْرَةِ، فَقَالَ: تُهَاجِرُ وَتَدْعَ أَرْضَكَ وَسَمَاءَكَ، وَإِنَّمَا مَثَلُ الْمُهَاجِرِ كَمَثَلِ الْفَرَسِ فِي الطُّولِ، فَعَصَاهُ فَهَاجَرَ، ثُمَّ قَعَدَ لَهُ بِطَرِيقِ الْجِهَادِ، فَقَالَ: تُجَاهِدُ فَهُوَ جَهْدُ النَّفْسِ وَالْمَالِ، فَتَقَاتِلُ فَتُقْتَلُ، فَتُشْكُحُ الْمَرْأَةُ، وَيُقْسِمُ الْمَالُ، فَعَصَاهُ فَجَاهَدَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ: فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ أَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ، وَمَنْ قُتِلَ كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ أَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ، وَإِنْ عَرَقَ كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ»

«Шайтон одам фарзандларини турли йўллар билан васваса қиласди. Ислом йўлини тўсиб: Ўзингни ва ота-боболарингни динини тарк этиб Исломга кирасанми? – дейди. Одам боласи уни рад этиб, Исломни қабул қиласди. Сўнг ҳижрат йўлини тўсиб: ӯз туғилган юртингни тарк этиб, ҳижрат қиласанми? Ахир, ғурбатдаги мұҳожир боғланган отга ўхшайди-ку, дейди. Одам боласи уни рад этиб, ҳижрат қиласди. Сўнг жиҳод йўлини тўсиб: Жиҳод қиласанми, ахир, молингни ҳам, жонингни ҳам йўқотасан-ку, хотинингни бирорлар никоҳига олиб, мол давлатинг тақсимланади-ку, дейди. Одам боласи уни рад этиб, жиҳод қиласди. Сўнг Росууллоҳ ﷺ айтадилар: Кимки шайтонга қулоқ солмай бу амалларни бажарса, Аллоҳ уни жаннатга кириш кафолатини ӯз зиммасига олади. Гарчи у ўлдирилса ҳам,

**сувга ғарқ бўлиб ўлса ҳам ёки ваҳший ҳайвон ўлдирса ҳам жаннатга кириш кафолатини Аллоҳ ўз зиммасига олади».**

Албатта шайтон инсонга аниқ душмандир. Шайтоннинг инсонга бўлган адовати азалдан аён. Шайтон инсонни Аллоҳга яқинлашишдан қайтаради. Ҳадисда шундай дейилади: «**Шайтон одам фарзандларини турли йўллар билан васваса қиласди**». Яъни унинг тўғри йўлга юриши ва салоҳияти йўлида ўтириб, ўша йўлдан қайтариш учун васваса қиласди. «**Ислом йўлини тўсиб**», дегани Исломдан қайтариш учун деганидир. Шайтон унга «**Ўзингни ва ота-боболарингни динини тарк этиб Исломга кирасанми**», дейди. Яъни отасининг динига тескари бўлган Исломни унга ёмон қилиб кўрсатади. «**Одам боласи уни рад этиб**», дегани одам боласи унга бўйсунмай, тескари муносабат билдириб, Исломни қабул қиласди маъносидадир.

«**Сўнг ҳижрат йўлини тўсиб: ўз туғилган юрtingни тарк этиб, ҳижрат қиласанми?**» дегани, шайтон унга ҳижрат қилишни ёмонлайди ва ватанини улуғлаб кўрсатади. Шайтон унга «**Ахир, ғурбатдаги муҳожир боғланган отга ўхшайди**» дейиш билан одам боласини алдашда давом этиб, ғурбатдаги муҳожирни боғланган уловга ўхшатяпти. Яъни муҳожир бирорни танимайди, ҳеч кимга аралаша олмайди ва имкони борича иш тутади. Бу имкони борича ўтлайдиган тушовдаги уловга ўхшайди. Муқим киши эса ўз юритида эркин юради, у учун муаммо йўқ ва бўш юрган уловга ўхшайди. Бу шайтоннинг мўминларни васваса қилиши бўлиб, унга турли машаққат ва қийинчиликларни эслатади. Уни иймон йўлидан буриш учун иймон чекловлари билан кофирилик ҳамда буйруқ ва қайтарувларга риоя қилмаслик ўртасини таққослашга чорлади. Лекин Аллоҳ тавфиқ берган мўмин шайтоннинг ҳийласини рад этиб, ҳижрат қиласди. Яъни Одам боласи шайтонга қулоқ солмай, унга тескари иш тутади.

Кейин шайтон одам боласини Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан қайтариш учун унинг жиҳод йўлига тўғоноқ бўлади. Унга айтади: «**Жиҳод қиласанми, ахир, молингни ҳам, жонингни ҳам йўқотасан-ку**». Яъни унга жиҳод масаласини шаънини

пасайтиради, у жонни қийнаб, молни бекордан сарфлаш дейди. Унга айтади: «**Хотинингги бирорлар никоҳига олади**». Яъни бошқа эркак аёлингни ўзига хотин қилиб олади. «**Мол давлатинг тақсимланади**». Яъни мерос бўлиб қолади, дейди. Лекин мўмин уни рад этиб, жиҳодга кетади. «Росууллоҳ ﷺ: «**Ким шундай қилса**», яъни шайтонни рад этиб, Исломни қабул қилиб, ҳижрат қилса ва жиҳодга кетса, «**Аллоҳ үни жаннатга кириш кафолатини ўз зиммасига олади**» дедилар. Яъни бу учун мукофот ва ажр бўлади. «Гарчи у (тўшагида) ўлим топса ҳам, сувга ғарқ бўлиб ўлса ҳам ёки ваҳший ҳайвон ўлдирса ҳам». Яъни уловини устидан тушиб кетиб ўлса ҳам, уни жаннатга киритиш Аллоҳ зиммасидаги ҳақ бўлиб қолади. Бундан мақсад, Аллоҳ йўлида ўлишни умумлаштиришdir. Яъни бошқаси томонидан ўлдириладими, ёки уловидан тушиб ўладими ёки бундан бошқа ҳолатларда ўладими бунинг фарқи йўқ, Аллоҳ уни жаннатга кирилади. Бу ҳадисда шайтондан огоҳлантириш бўлиб, у Одам боласини барча яхшилик йўлларида кутиб туришини ҳамда мусулмон киши ундан эҳтиёт бўлишини ва Аллоҳ Таолодан паноҳ сўраши вожиблигини баён қиласпти.

— Имом Аҳмад ва Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ шундай дейдилар:

«مَا مِنْكُمْ مَنْ أَحَدٌ إِلَّا وَقَدْ وَكَلَ بِهِ فَرِيئِهِ مِنْ الْجِنِّ، قَالُوا: وَإِيَّاكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ! قَالَ: وَإِيَّايِ، إِلَّا أَنَّ اللَّهَ أَعْانَنِي عَلَيْهِ فَلَأَسْلِمَ، فَلَا يَأْمُرِنِي إِلَّا بِخَيْرٍ»

«Сизларнинг ҳар бирингиз учун бир жин бириклирлган. Шунда саҳобалар сизга ҳам бириклирлганми? деган эдилар, Росууллоҳ ﷺ: менга ҳам бириклирлган. Аллоҳ менга унга қарши ёрдам бергани учун у Исломни қабул қилди ва у мени фақат яхшиликка буюради». Албатта шайтон инсонни, у солиҳ бўладими ёки фосидми бундан қатъий назар, ҳеч қачон тарк этмайди. Унинг ягона ташвиши инсонни яхшилиқдан қайтариш ва ёмонликка ундаш бўлади. У доим инсон билан бирга бўлиб, уни ҳеч қачон тарк этмайди.



– Аҳмад, Муслим ва Бухорий София бинти Хуяйдан ривоят қилган ҳадисда шайтоннинг инсонга қанчалик яқинлигини баён қилиб шундай дейди: Росууллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ айтадилар:

«إِنَّ الشَّيْطَانَ يَهْرُبُ مِنِ الْإِنْسَانِ مَجْرِيَ الدَّمِ»

«Албатта шайтон инсоннинг қон томирида юради».

– Имом Аҳмад ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ шундай дейдилар:

«إِذَا قَرَأَ ابْنُ آدَمَ السَّجْدَةَ اعْتَرَلَ الشَّيْطَانُ يَسْكُنُ، يَقُولُ: يَا وَيْلَيَ! أَمْرَ ابْنُ آدَمَ

بِالسُّجُودِ فَسَجَدَ فَلَهُ الْجَنَّةُ، وَأُمِرْتُ بِالسُّجُودِ فَبَيْتُ فَلَيِ النَّارِ»

«Агар одам боласи сажда оятини ўқиб, сажда қилса, шайтон ундан узоқлашиб ийғлайди. Сўнг айтади: Ҳолимгавой бўлсин! Одам боласи сажда қилишга буюрилган эди, сажда қилиб, жаннатга кирди. Мен эса бош тортиб, дўзахга маҳкум бўлдим». Ҳадисдаги шайтоннинг йиғиси ўз маъсияти учун бўлган кўз ёши ва маъсиятдан қайтиши эмас. Балки бу унинг ҳасади, нафрати ва аламидир.

– Имом Аҳмад Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ صَلَّى اللّٰهُ عَلٰيْهِ وَسَلَّمَ айтадилар:

«إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَيُنْضِي شَيَاطِينَهُ، كَمَا يُنْضِي أَحَدُكُمْ بَعْرَةً فِي السَّفَرِ»

«Албатта мўмин худди сизлардан бирингиз сафарда тұясини ҳолдан тойдиргани каби ўз шайтонини ҳолдан тойдиради». Яъни уни таҳқирлагани ва ўзининг ишларига асир қилиб олгани учун ҳолдан тойдиради. Чунки агар шайтон унинг қалбига тушса, Роббисининг маърифати туфайли ундан эҳтиёт бўлади. Агар нафсига, яъни хоҳиш истакларига эътиroz билдиrsa, Аллоҳни эслаш билан эҳтиёт бўлади. Чунки тия сафарда эгасининг юкларини кўтариб, ҳолдан тояди. Мўминнинг шайтони эса унинг Аллоҳга итоат ва вафо қилаётганидан нафрлатланиб, ҳолдан тояди... Ҳадисда ҳалок қиласи эмас, «ҳолдан тойдиради» дейилмоқда. Чунки бу тирик экансиз шайтондан қутила олмайсиз деганидир. Чунки шайтон қалб билан курашишдан тўхтамайди, банда эса ўлгунича у билан курашиб ўтади. Лекин кучли мўмин уни енгиб, унга бўйсунмайди. Шундай

бўлса-да, баданида қон айланаётган экан, кураш ва мудофаадан беҳожат бўлмайди. Мўмин тирик экан, унинг қалбига шайтон эшиклари очиқдир ва улар қулфланмайди. Хоҳиш истак, ғазаб, қизиққонлик, таъма, бойлик ва бошқалар шулар жумласидандир... Эшик очиқ экан, душман ғафлатда эмас ва у фақат қўриқлаш ва курашиш орқали даф қилинади.

Имом Ибн Қойимроҳимаҳуллоҳ ҳадисни шарҳлар экан, шундай деган эди: «Чунки қачон шайтон унга рўбаро бўлса, уни зикр, нола, истиғфор ва итоат қамчиси билан қамчилайди (унинг шайтони қаттиқ азобда бўлади). Бу – у билан роҳат ва фароғатда юрадиган фожирнинг шайтонига ўхшамайди. Шунинг учун у кучли ва шафқатсиз бўлади. Кимки ушбу дунёда Аллоҳни эслаш, истиғфор айтиш ва итоат билан шайтонини азобламаса, охиратда унинг шайтони уни дўзах азоби билан азоблайди. Шундай экан, банда ё шайтонини азоблайди ёки шайтони уни азоблайди». □

## ШАЙХ БИЛҲОЖ РАЙСУНИЙНИНГ БАЁНОТЛАРИГА УЛАМОЛАР ВАЗИФАСИ ҲАҚИДАГИ ЁРҚИН СЎЗЛАР БИЛАН ИЗОҲ БЕРДИ

Август ойи ўрталарида Халқаро мусулмон Уламолари иттифоқи раҳбари шайх Аҳмад Райсуний Марокашнинг Blanca Press веб-сайтига берган баёнотида шундай деди: «Аниқ ишонч билан айтиш мумкинки, Марокаш билан Жазоир ўртасида баҳсли бўлган Мавритания ва Сахара Марокаш мамлакатига тегишли. Агар Марокаш қироли жиҳод қилишни, «Яшил Марш»га (1975 йилдаги оммавий норозилик намойиши) ўҳшаган янги маршга чиқиши, шунингдек, нафақат Уюнга, балки, Жазоирнинг Тандуфига бостириб боришни талаб қиласа, Марокаш халқи бунга тайёр». У Мавританияни «Мавритания деб аталмиш» – деб таърифлади. У, шунингдек, «Мавритания деб аталмиш Шингетти юридаги олим ва таниқли кишиларнинг Марокаш қироллик таҳтига байъат бериши аниқ», деди. Унинг ҳисоблашича, Сахара ва Мавритания масаласи мустамлакачилар келтириб чиқарган масала бўлиб, Марокаш уни Европа босқинидан олдинги ҳолатига қайтариши керак. Райсунийнинг баёноти катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлди ва бу уни (қароргоҳи Давҳада жойлашган) Уламолар иттифоқи раҳбарлигидан истеъфо беришга ундади. У истеъфога чиқиши қарорини ўзининг қатъий позициялари ва мурносани қабул қилмайдиган фикрларига содик қолиши ҳамда сўз эркинлигидан ҳеч қандай шарт ва босимсиз фойдаланишни исташи билан оклади.

Бу воқеага муносабат билдириб уламолар томонидан ёзилган шарҳлар орасида, шайх Али Билложнинг шарҳи энг диққатга сазовор шарҳ бўлди. У Жазоир ва Марокаш, шунингдек, барча исломий юртлар уламоларини ҳукмрон режимларнинг сиёсий эксплуатациясидан узоқлашишга ҳамда халқларни бирлаштириб, хавфсизлик ва барқарорликни рўёбга чиқарадиган исломий қадрият ва тамойилларга содик бўлишга чақиради. Билҳож, Райсунийнинг Саҳрои Кабирга нисбатан тутган позицияси, шунингдек, Жазоир ва Мавританияга муносабати тўғрисида берган баёнотларига доир баҳс-мунозараларга кирмоқчи эмаслигини таъкидлади. У шундай деди: «Айтишим мумкин бўлган нарса шуки, мен олим кишини мустақил бўлишга, бошқаларнинг буюртмаси бўйича иш тутмасликка, ҳақ сўзни айтишга ва айтган сўзларининг натижаларига қарашга чақираман. Режимлар халқларни бирлаштиришдан ва мустамлакачи қолдириган чегараларни бузишдан воз кечганидан кейин, даъватчиларнинг вазифаси халқларни бирлаштиришга эътиборни қаратишдир. Чунки халқлар бирлиги қолади, аммо режимлар ўзгарувчан ва бекарордир... Бизда бунинг воқеий мисоллари бор. Кейин, сиёсат ўзгарувчан ишлардир». У сўзини давом эттириб шундай деди: «Мен олимларни у ёки бу режимларнинг карнайи бўлмасликка... ва тор ватанпарварликка қўшилмасликка чақираман... Ибн Бодис бизга буюк ватанпарварлик учун ҳаракат қилишни ўргатган. Чунки буюк ватанпарварликни изламаган кичик ватанпарварликка хизмат қилмайди». Билҳож бундай курашларга кирмасликни маслаҳат бериб шундай деди: «Биз бузғунчи режимлар қурбонимиз... Бузғунчиликни бузғунчилик билан ислоҳ қила олмаймиз... Биз халқлар бирлиги, биродарлиги ва хавфсизлигини асраримиз керак». Тўшакда бемор бўлиб ётган Билҳож: «Марокаш, Араб ва Ислом мамлакатлари учун ўз юртларининг бирлигидан ҳамда мустамлакачилардан мерос бўлиб қолган чегараларни олиб ташлашдан бошқа ҳеч қандай нажот йўқ», деб таъкидлади. «Илмий саммитларнинг вазифаси ушбу бирликка ҳисса қўшиш ҳамда гарчи фикрларни рўёбга чиқара олмаса ҳам, уларни соғ ҳолда (кейинги авлодга) қолдиришдир. Улардан кейинги бошқа авлод уларни рўёбга чиқариш учун келади», деди у. □

## ЯНГИ, КУЧЛИРОҚ «АРАБ БАҲОРИ» ЙЎЛДА

«Le Monde Diplomatic» ўзининг сўнгги сонида Гарвард университети илмий ходими Мавлоя Ҳишом Алавий қаламига мансуб «Араб аксилқўзғолонларнинг заиф ғалабаси» сарлавҳали таҳлилий тадқиқотни нашр қилди. Ҳишом Алавий ушбу тадқиқотда «мустабид араб режимларининг аниқ фикрга ва ҳаётий иқтисодий лойиҳаларга эга эмаслиги уларни эртами-кечми оммавий ҳалқ норозиликларига дучор қиласди», деб фикр билдиради. Муаллиф ўз тадқиқотини 2011 йилдаги ҳалқ қўзғолонларидан кейин, араб жамиятларининг айни пайтда дармонизлик ва лоқайдлик ҳолатини бошдан кечираётганини тан олишдан бошлайди. Бир томондан, оддий одамлар уларни ўзига оғдира оладиган фикрни топа олмаяпти. Бошқа томондан, сиёсий элита шу қадар ҳолдан тойдики, у энди оммани ёруғ келажак кутаётганига ишонтириш учун куч сарфламаяпти. Бу ерда, ҳалқни сиёсатдан узоқлаштириш учун икки тенденция бирлашди. Шунинг учун ҳалқнинг бир қисми миграциядан бошقا најотни кўрмаяпти. Ҳалқнинг қолган қисмига келсак, келгуси йилларда у ҳаракатсиз қолмайди. Чунки иқтисодий ва ижтимоий инқирозларнинг қучлилиги ҳалқ ғазабининг янги тўлқинини келтириб чиқариши муқаррар.

Алавийга кўра, яқинлашиб келаётган ушбу қўзғолонлар исломий бўлмайди. Унинг таъкидлашича, араб юртларидағи ҳозирги сиёсий турғунлик бир нечта сабабларга боғлиқ. Биринчи сабаб: Ғарбдаги сўнгги сиёсий ўзгаришлар одамларнинг демократиядан кўнгли совишига ҳисса қўшди ва Ғарбнинг намуна ўрнида бўлган обўйини тушириб юборди. Иккинчи сабаб: сиёсий Исломнинг муваффақиятсизликка учрашидир. Чунки ўн йиллар олдин сайловларда ғалаба қозонган Тунисдаги «Наҳза», Мисрдаги «Ихвонул Муслимин» ва Марокашдаги «Адолат ва Тараққиёт» каби партиялар ишончли альтернативани гавдалантирмай қолди. Зоҳиран бу партияларнинг барчаси эскирган ва уларнинг иқтисодий лойиҳалари либерал моделга яқинроқ.

Учинчи сабаб: Интернет ва ижтимоий тармоқлар ўзгаришга интилаётган ёшлар эркин фойдаланадиган майдон бўлмай қолди. Аксинча, ҳукумат бундай сайтларга кириб бориб, уларга тўсиқ қўймоқда ва ёшларни кузатиб чалғитишига ҳаракат қилмоқда. Тўртинчи сабаб: Араб фуқаролик жамиятининг ўзи янада мослашувчан бўлиб қолди. Чунки қисқа муддатли мақсадларни ҳисобга олиш тузогига тушган касаба уюшмалари ва нодавлат ташкилотларнинг овози сўниб қолди. Охирги бешинчи сабаб: Ливан, Ироқ, Сурия, Яман ва Ливия каби бир қатор араб давлатлари ўз ваколатининг бир қисмини майдонда жанг қилаётган кўнгилли лашкарларга топшириб қўйди. Муаллифнинг таъкидлашича, аксилқўзғолон истибододни қайтаришдан бошقا нарса қилмади. Муаллифнинг фикрига кўра, келиши муқаррар бўлган «Янги Араб баҳори»нинг тўлқини аввалгисидан анча кучли бўлади.

**Ал-Ваъй:** Бугунги кунда дунёда ўзгариш жараёни шиддат билан илдамламоқда. Бутун дунё ўшбу ўзгариш жараёнидан тўғри мабдаий фикрни ва яроқли инсоний низомни даф этишга қодир эмас. Айни шу мабдаий фикр ва яроқли инсоний низом башариятни қутқариб, унга хотиржамлик баҳш этади. Башарият ўз ҳаётидан ва авлодлари ҳаётидан хотиржам бўлади. Мабдаий тушунча асосида барпо бўлган рошид Халифалик давлати аввало мусулмонларни бирлаштириб, кейин, жиҳод қилиш, даъватни ёйиш ва Исломни татбиқ этиш орқали кенгаяди ва бутун башариятни қамраб олади. Эртанги кун уни кутган киши учун яқиндир. □